

Йўлдош МИРЗАЕВ, Жуманазар МАДИЕВ

ТИБ ИЛМИ ЯЛОВБАРДОРИ



Йўлдош Мирзаев, Жуманазар Мадиев

ТИБ ИЛМИ ЯЛОВБАРДОРИ

(Абу Али ибн Сино ҳаётни ва фаолиятидан лавҳалар)

«Тафаккур» нашриёти
Тошкент - 2016

УДК:821.111.8-7

М-35

КБК 84(5M)

Ушбу рисола номи етти иқлимга маълум ва машхур тиббиёт соҳаси алломаси Абу Али Ҳусайн ибн Абдулоҳ ибн Ҳасан Али, яъни Абу Али ибн Сино ҳакида. Муаллифлар ушбу рисоласи оркали улуг' ватандошимизнинг ўз кўли билан ёзib колдирган қисқача таржимаи ҳоли, табобат илмига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган илмий изланишлари тўғрисида хикоя килиш билан бирга, машхур табибининг мантиқ, фалсафа, фикх ва риёзиёт борасидаги қарашлари ҳакида ҳам атрофлича маълумотлар беришга муваффак бўлган. Аллома табибининг турли қасалликларга оид фикрларидан, ибратли ҳикматларидан, даволаш усулларига оид тавсияларидан намуналар келтирилганилиги, ҳар бир лавҳа қисқа хикоялар тарзида қаламга олинганилиги, айниқса, Ибн Сино номи билан боғлик ривоятлар, афсоналар ҳамда вожеий хикоялардан ўринли фойдаланилганилиги асарнинг илмий-бадиий қимматини орттирган. Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Такризчи –Нозимхон Маҳмудов, Республика Ибн Сино ҳалқаро жамоат фонди директори вазифасини бажарувчи.



ISBN 978-9943-24-130-5 © Йўлдош Мирзаев ва бошк.

© «Тафаккур» нашриёти, 2016

ТИББИЁТ, ТАБИАТ, ТАБОБАТ – УЙГУН СОҲАЛАРДИР

Соғлигимизни асралык. Чунки соғлом одамгина чинакам баҳтли бўлади, фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Ислом Каримов

Хеч качон, айтайлик, бу пайтга қадар табиат, табобат ҳамда тиббиёт ўзаро боғликликда, узвий ҳолда фаолият олиб бориши тўғрисида бирор марта бўлсин, жиддий ўйлаб кўрганмисиз? Йўқ, деяпсизми? Демак, кўп нарсадан бехабар, кўп ҳикматдан бебахра қолибман, деяверинг. Йўқ, иддао сўзлар айтиб, сизни хижолатга кўймоқчи эмасмиз. Кўнглингизда бу соҳаларга нисбатан хотиржамлик пайдо бўлганлигини эслатмоқчимиз, холос. Бу хотиржамлик ҳар учала соҳа тўғрисидаги тасаввурлар, тушунчалар ҳаётингизга сингишиб, чукур ўрнашиб қолганлиги туфайли юзага келган. Негаки, бу соҳаларнинг борлиги, шуларсиз умр, соғлик, дардларга даво топиб бўлмаслигини яхши биласиз, ва... ана шу турғун тушунча сизни табиат, тиббиёт, табобат тўғрисида ўйлашга эмас, хотиржамликка ундейди. Натижада бу соҳаларнинг ҳар бири ҳаётингиз учун нечоғлиқ муҳим эканлигини, соғлигингизни асрорчи тумор, асрлар қаъридан туриб сизга хайрли муждалар йўлловчи донишманд эканлигини унтиб қўясиз, баъзан. Аслида эса, мудом бу ҳақда ўйламоқ, бу уч соҳани яхши билмоқ ва маънозмазмунини тўғри англамоқ зарур, ҳатто, жудаям зарур. Нега ва нима учун шундай килиш керак деб сўрарсиз, балки?

Агар, чиндан ҳам кўнглингиздан шундай савол ўта бошлаган бўлса унда, лоакал, башарият пайдо бўлган илк босқичлардаёқ одам боласи ана шу уч соҳадан кўмак кутганлигини, ёрдам олганлигини, унга мунтазам равишда - гоҳ онгли, баъзида беихтиёр мурожаат қилиб келганлигини эсланг. Давлатлар, халқлар, миллатлар, ҳатто оддийгина қабила ёки уруғлар ҳам ўтмишда ўз кавмдошлирига кўмакни, зарур мададни ана шу соҳаларга таянган ҳолда амалга оширганлигини хотирга келтиринг. Шунингдек, ҳар қандай давлат, ҳар бир жамият ўз тараққиёти тўғрисида жиддий ўйласа, эл соғлигини муҳофаза этиш йўлларини излаши, бу борада турли чора-тадбирлар кўллаши, имконият ва шароитлар яратиши

лозимлигига эътибор қаратинг. Ана шунда нега, қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар бир жамият энг аввало, миллат соғлиги тўғрисида қайгуриши зарурлиги тўғрисидаги саволингизга жавоб топасиз. Табиат ва инсон тақдири муштарак, деган хикмат маъносини ҳам осонгина англаб оласиз. Энг муҳими эса, ўзингиз яшаётган мустакил давлатда, ўзингиз тенг ҳукукли аъзоси бўлган ҳур жамиятда инсон ва унинг қадри, саломатлиги нечоғлиқ эъзозланаштаганини, қолаверса, соғлигингири доимо бир маромда яхши сақлаш биринчи галда ўзингизга боғлиқлигини ҳам тушуниб етасиз. Майли, бу ҳақда куйирокда яна тўхталиб ўтармиз. Ҳозирча эса бизнинг серкүёш, саховатли диёrimизда инсон соғлиги тўғрисида нечоғлиқ ғамхўрлик қилинаётганлиги ҳақидаги мулоҳазаларимиз билан танишинг.

Бепоён Ватанимизда аҳоли саломатлигини сақлаш давлатимиз сиёсатининг бош тамойилларидан бири саналади. Чунки соғликни сақлаш тизимини мақсадли ислоҳотларга йўналтириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш билан бирга, такомиллашган тиббиёт тармоқларини шакллантириш - мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош йўналишини ташкил этади. Табиийки, бу жараён йиллар давомида яна ҳам илгарилаб ва тараққий этиб бораверади. Демак, сизу биз яшаётган даврнинг янгиликлар сари одимлаб бориши, иккинчи томондан малакали кадрлар таъминотини тубдан яхшилашга эришиш муҳим аҳамият касб этаверади. Чунки бизнинг мустакил Ватанимизда аҳоли саломатлиги борасидаги ғамхўрликлар уфқини янада кенгайтириш, биринчи галдаги ва, энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилган. Бу эзгу вазифалар замирида миллатни соғломлаштириш, миллий тиббиётни тагинам юксалтириш шарафли масъулият эканлиги белгилаб қўйилган. Зоро, соғлом миллатнинг келажаги, том маънода, буюқdir. Бошқача қилиб айтганда, соғлик-бебаҳо бойлиқдир. Тани-сиҳатлик эса битмас-тутганмас куч-ғайрат, ҳаётга муҳаббат деганидир.

Шунинг учун ҳам юрт ва миллат келажагини ўйлаган ҳар бир давлат, аввало, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ғамхўрликни кучайтиради. Бунинг учун тиббий хизмат юксалтирилиб, соғлом турмуш тарзи барқарорлаштирилмоғи керак. Мамлакатимизнинг тиббиёт ходимлари олдига қўйилаётган муҳим вазифалардан яна бири – оналик ва болалик муҳофазини тубдан яхшилаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш соҳасида

кенг миқёсли ишларни амалга оширишдан иборатдир. Шу маънода айтадиган бўлсак, даво масканлари остонасига қадам қўйган киши дардига шифо топиб кетиши чоралари кўрилаяпти. Бу каби улуғвор ва масъулиятли вазифаларни оғишмай уddeлашда тиббий муассасаларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, айниқса, КВПлар - қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада жонлантириш, шароитларини яхшилаш, имкониятлари даражасини кенгайтириш чоралари кўрилаяпти. Айни пайтда, жаҳон тиббиётни эришаётган илфор даволаш усувларини ҳаётга кенг жорий этиши ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Буларнинг бари яхши, албатта.

Лекин тиббиёт ходимлари олдига қўйилаётган вазифаларни тўла-тўқис бажариш учун, биринчи галда, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш, миллӣ тиббиёт тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтириш ҳам мухим аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Чунки инсон ўз саломатлиги учун ўзи масъулигини яхши англаса, ҳар жиҳатдан яхши ва фойдалироқдир. Аҳоли тиббий маданиятини кўтариш орқали тиббиёт, табиат, табобат бу борада инсонга яқин кўмақдош, доно маслаҳатчи эканлиги тушунчасини одамлар онгига етказиш, ўша, биз кутган ижобий самарани албатта беради. Яъни, аҳоли тиббий маданиятини янада юксалтиришга олиб келади.

Чунки тиббиёт, табиат ҳамда табобат бир-бирига уйгун ва ҳамоҳанг тарзда фаолият олиб боради. Шунинг учун ҳам умумий ҳаёт, инсон умри, одам саломатлиги билан боғлиқ бу уч соҳани бир-биридан айро ҳолда тасаввур этиш қийин. Ҳар бир инсон яхши билиши керакки, табиат – борликнинг хўжаси, яратувчиси ва шифокоридир, кўнглига кувонч, дардига малҳам ташувчидир. Тиббиёт эса табиатнинг гултожи бўлмиш инсон зотини тадқик этувчи, лозим ҳолларда даволовчи, керак бўлганда саломатлигини тикловчидир. Бошқача қилиб айтганда, табиат ўз навбатида тиббиётга эзгу ишларни амалга оширишда беназир ёрдамчи бўлади, агар таъбир жоиз бўлса, маслаҳатчи вазифасини ўтайди. Табобат эса умумтиббиётнинг тараққий топишида тарихий, илмий, тажрибавий босқичлар вазифасини ўтовчи кутлуг ҳазинадир. Чунки табобат алломалари табиат неъматларидан оқилона фойдаланган ҳолда беморларни даволаш борасида тўплаган тажрибалар бугунги замонавий тиббиёт, айниқса, миллӣ тиббиёт ривожи учун ғоят аҳамиятлидир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу уч соҳа –

тиббиёт, табиат, табобат ҳаётимизда ўзаро чамбарчас боғлиқликда, беминнат ҳамкорликда ўзини намоён этиб туради. Бу узвий боғлиқлик ва ҳамкорлик замирида инсон тақдири ҳакида қайгуриш ва соғлигини муҳофаза қилишдек эзгу мақсадлар ётади. Бу эзгу мақсад ва ниятларнинг ҳаётда тўла-тўқис акс этишида тиббиёт муҳим вазифани бажарувчи восита, аникроғи, омил сифатида майдонга чикади.

Негаки, инсон зоти, аслида, жуда мураккаб яратилган бўлиб, ҳар бир аъзосининг ўзи бир мўъжиза саналади, уларнинг ҳар бири мураккаб вазифани бажаради ва инсонга умрини давом эттиришда кўмаклашиб туради. Бу аъзоларнинг мунтазам ва бенуқсон ишлаб туришини назорат қилиб бориш, зарур ҳолларда уларга турли муолажалар орқали кўмаклашиш тиббиётнинг биринчи галдаги вазифаси саналади. Шунинг учун ҳам тиббиёт фан сифатида уларнинг (яни, инсон аъзоларининг – Ж. М.) ҳар бирини алоҳида бўлимларга бўлган ҳолда ўрганади ва даволаш йўлларини, усулларини, муолажа турларини кўллади. Агар ҳар бир инсон анатомияси ва физиологияси жуда мураккаб тузилганигини инобатга оладиган бўлсак, тиббиёт ходимлари олдида турган вазифалар салмоғи нечоғлиқ залворли эканлигини англаш кийин эмас. Демокнимизки, оддий инсоннинг танасидаги аъзолар турлича бўлади, муолажалар белгилаш пайтида ҳар бир кишига якка тартибда ёндошишни, текширишни, ўрганишни талаб этади. Чунки аъзоларнинг ҳар бири, юқорида таъкидлаганимиздек алоҳида, ва айни пайтда, ҳаёт учун жуда зарур бўлган вазифани бажаради. Энг муҳими, улар ана шу ўзига хос ва бетакрор фаолиятини бир - бири билан боғлиқ ҳолда амалга ошира боради. Бу фаолият жараёнларини пухта билиш осон иш эмас. Буни тўғри англаган кишигина тиббиётчилар меҳнатини, уларнинг илмини тўғри баҳолай ва қадрлай олади. Бундай тушунчага эга бўлиш учун ҳар бир киши, аввало, ўзига-ўзи табиб, шифокорлар эса уларга саломатликни сақлаш борасида беминнат маслаҳат берувчилар эканлигини ҳам бутун мазмун-моҳияти билан англай олиши зарур.

Юқорида бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда, ҳамкорликда фаолият олиб борадиган уч соҳани бежиз таъкидлаб ўтмадик, бир бутун уйғунликда фаолият олиб борувчилар деб атамадик. Қолаверса, уларнинг орасида тиббиёт одамларга соғлик бағишловчи, саломатлигини муҳофаза этувчи муҳим соҳа дея, таърифламадик. Ана шу аниқ ҳақиқатни англамоқ, энг муҳими,

ўзимизни - ўзимиз танимок учун тиббиёт бўлимлари тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Масалан, одам танасининг суяқ тизими жуда мураккабдир. Чунки шу сужкларга таяниб, бошка органлар ва тўқималарнинг ҳаммаси шу тизим орқали бир-бири билан боғланади. Демак, бошка аъзолар учун суяқ, суянчиқ вазифасини ўтайди. Аъзоларни ўзаро мустахкам ришта мисол боғлаб туради ҳамда, шу ҳолича, бутун бир тирик организмни ташкил этади.

Тиббиётда ҳар бир аъзонинг, тизимнинг ўзига хос вазифаси борлигини шунчаки таъкидлаб ўтаганимиз, улар алоҳида - алоҳида бўлимларга ажратилган ҳолда ўрганилади, дея таъкидлаётганимиз йўқ. Мисол тарикасида айтадиган бўлсак, остеология - суяқ тизими, миология - мушаклар тизими, гастроэнтерология - ҳазм тизими, эндокринология - ички безлар тизими, артрология - бўғим тизимини ўрганади ва даволайди. Қайд этилган тизимларнинг биримаси ҳам ўзига хос бўлимларга ажратилади. Масалан, гематология - қон тизими, урология - сийдик чиқариш тизими, неврология - асаб тизими, пульмонология - ўпка тизими ва шу каби бошка тизимлар ҳам организмнинг бир бутунлигини таъминлайди. Ўз навбатида бу органларнинг тузилиши макро ва микро тизимларга бўлинади. Бу борада тушунчага эга бўлиш соғ одам учун ҳам, бемор киши учун ҳам бирдек аҳамиятлидир. Демокчимизки, ҳар бир тизим ва унинг таркибига кирадиган аъзолар тўғрисида оддий тушунчаларга эга бўлиш фойдадан холи эмас. Зоро, хир бир киши ўз саломатлиги даражасини, ахволини яхши билса, дардга чалиниш камаяди, касалланган тақдирда эса даволаш ишлари осон кечади. Масалан қон тизими, жигар, буйрак, уруғ безлари, лимфа тизими ҳамма органларнинг ўзига хос “дирижёри” ҳисобланишини, асаб тизими фаолияти эса инсон саломатлиги учун катта аҳамиятга эгалигини билган одам бу аъзоларни ўзи эҳтиёт қилишга, авайлаб-асрашга, уни зўриқтириб кўядиган амаллардан воз кечишга интилади.

Оддий инсон ёки тиббиётдан йироқ киши маъносини тезда англаб олавермайдиган илмий-тиббий ибораларни, тушунчаларни имкони борича энг содда тилда тушунтиришга шунинг учун харакат қиласиҳизки, ўз саломатлиги тўғрисида қайгурувчи ҳар бир одам, энг аввало, танасидаги органлар ва уларнинг фаолияти, бажарадиган вазифаси ҳақида кисқача бўлса-да маълумотга эга бўлсин. Шундагина у ўз вужудида кечаётган паталогик

ўзгаришларни тез илғайди. Шу тариқа хасталик белгиларинни аниклади, келиб чиқиши сабаблари тұғрисида тушунчага эга бўлади. Қайси шифокорга қачон ва қандай маслаҳат сўраб мурожаат қилишни яхши тушуниб етади. Демак, инсон қандай дардга чалинишидан қатъий, назар, оғриқ кўзғаб безорвта килаётган аъз жойи ва номини тезкор аниклади, тўғри ташхислаш борасида шифокорга яқиндан ёрдам беради. Энг муҳими, шифокор томонидан вужудда фаоллаша бошлиған хасталикни ўз вақтида аниклаш ва муолажа белгилаш имкониятларини яратиб беради.

Беморга тўғри ташхис кўйиш ва даволашга киришган шифокор маълум маънода табиатга, аникроғи, у яратиб кўйган гиёҳларга, ўсимликларга мурожаат киласиди. Демоқчимизки, муолажа учун танланган дори-дармонлар асосан табиат минг дардга дармон қилиб яратиб кўйган неъматлардан тайёрланади. Айрим дорилар ўз ҳолича, яъни табиий равишда, айримлари эса кимёвий ишлов бериш, таркибини янада тўйинтириш орқали тайёрланган турфа дори-дармонларга мурожаат қиласиди. Табиат эса жуда сахий. У яратмаган, унинг бағрида ўсмайдиган, доривор ҳамда шифобахш ҳусусияттага эга бўлмаган ўсимликнинг ўзи йўқ, бари унда мужассам. Шунинг учун ҳам табиат ҳакида сўз кетганда уни бежиз “бош шифокор” ёки “хозиржавоб табиб”, дея таърифлапмайди. Колаверса, экологик мұхитнинг соғлиғи, хавонинг, сувнинг тозалиғи инсон учун яна битта даво имконидир. Фақатгина ана шу фойдали жиҳатлардан, табиатнинг ўзи яратиб кўйган омиллардан ўринли ва тўғри фойдалана олсак, бас. Шу боис бўлса керак, биз, одатда табиатни шифокорнинг яқин маслаҳатчиси ва ёрдамчиси сифатида зъгироф этамиз, Зоро, “табиат-беназир табиб” ибораси бежиз кўлланилмайди.

Инсон саломатлигини асраш, уни турли хасталиклардан ҳалос этиш, аслида, бугун биз “халқ табобати” дея атайдиган, яъни бугунги замонавий тиббиёттга асос бўлган табобат илмини пухта билишдан бошланган десак, муболаға бўлмас. Чунки жаҳон миқёсида донг таратган, бугунги кундаги замонавий тиббиёттга асос солған машхур табибларнинг илк тажрибалари, тўплаган бой илмлари, сизу бизга мерос сифатида колдириб кетган тиббий тавсиялари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Фаҳр билан қайд этмоқ лозимки, ана шундай улуғ алломалар орасида машхури жаҳон бобокалонимиз бўлмиш Абу Али ибн Сино ҳам борки, ул зот нафақат миллий тиббиётимизни, балки жаҳон

медицинасини ривожлантиришга муносиб ҳисса күшгандар. Хусусан, Ибн Сино ҳазратлари ўз даври имконият ва шароитларидан келиб чиқиб яратган тиббий мактаб, табобатга доир кўлланмалар, тавсиялар, таҳлиллар ҳамда тадқикотлар ҳали-хануз замондош, тиббиёт ходимлари учун дастуриламал вазифасини ўтамокда. Ҳукмингизга ҳавола этилаётган ушбу рисола ана шу улуг аллома тўғрисида. Умид киласизки, рисолада келтирилган мисоллар, лавҳалар, ривоятлар, ҳикматлар орқали, сиз, аллома табиб босиб ўтган ҳаёт йўли, илмий изланишлари кўлами, ёзган асарлари, тиббий тавсиялари ҳакида етарлича маълумотлар оласиз. Айни пайтда, ватандошимиз бўлмиш улуг табибининг ўз кўли билан ёзб кетган таржимаи ҳоли билан ҳам яқиндан танишасиз.

ИБН СИНО – ТИББИЁТ ФИДОЙИСИ

Ҳар кимки, илм ҳикматини ўрганаман деса,
Уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши
бўлсин, хушахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг
устидан чиксин, ёмон ишлардан сакланадиган,
хиёнат макр-хийладан узоқ бўлсин.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Инсон зоти борки, ўз умри давомида эзгуликка, янгиликка, илмга интилиб яшайди. Бу интилишларнинг таг заминида эса кизикиш, билганидан ҳам кўпроқ билиш истаги ётади. Ана шу истак ва кизикиш, интилиш эса илм эгаллаш, билимли бўлиш орқали рўёбга чикади, яъни тобора мукаммаллаша боради. Оқсоқ тарих сахифаларига номи зарҳал ҳарфлар ила битилган, ўзидан сўнг мангу ёғду сочиб турувчи ёруғ юлдуз мисол из қолдириб кетган сиймолар дунё миқёсида бўлгани каби, бизнинг жаннатмакон Ўзбекистонимиз тарихида ҳам кўплаб топилади. Агар таъбир жоиз бўлса, уларнинг ҳар бири борар манзилимизни, умр йўлимизни, қалбимиз кенгликларини мунтазам ёритиб, олга ундовчи маёқ вазифасини ўтаб турибди. Ана шундай улуг сиймолардан бири – Абу Али ибн Синодир. Номи оламаро машхур бу ватандошимиз асрлар оша ўз асарлари, ибратли умри, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмингизга дард бўлиб кирган иллатларни

бартараф этиш борасидаги фикрлари, ноёб тиббий тавсиялари, беминнат ўтит-насиҳатлари, тиббиёт оламида қилган нодир қашфиётлари билан миллатимиз қадрини баланд тутишда барчамизга ибрат бўлиб турибди.

Юқорида биз келтирган иқтибосда аллома Форобий айтганидек, Абу Али ибн Сино ҳазратлари жуда ёшлигидан, ҳатто айтиш мумкинки, болалик кезлариданоқ илм истаб, бу йўлда неки заҳмат бор, ҳаммасини бошидан кечириб яшаган, ижодкорлик билан олашумул аҳамиятга молик қашфиётлар қилган буюк шахс, машҳури жаҳон табибdir. Инсон учун илм истамокнинг ўзигина кифоя эмас, бу йўлга кирган киши Форобий ҳазратлари ҳакли равишда эътироф этгандаридек, фидойиликни ўзига касб этмоғи шарт. Абу Али ибн Сино эса илм йўлини танлаганлар орасида ўзининг қатъияти, иродаси билан танлаган соҳасига умри ва ҳаёти мазмунини бағишлай олган беназир ҳакиму ҳозиқдир. Бу зотнинг умр Йўли, амалга оширган қашфиётлари, тиббиёт соҳасини янги сарҳадларга олиб чикишдаги хизматлари тўғрисида сўзлаш кишига мароқ ва завқ, айни пайтда улкан фахру ифтихор бағишлади. Лекин ул зотнинг ўз қўллари билан ёзib кетган таржимаи ҳолидан ўтказиб ва орттириб бирор янги гап айтиш ҳам мушкул кўринади. Шу боис биз, улуғ аллома ҳаёти ва илмий изланишлари, бадиий ижод ҳамда санъат борасидаги фалсафий қарашлари тўғрисида мисоллар келтириш, шарҳлаш ва изоҳлар беришдан аввал ибн Сино ҳазратларининг ўзлари ёзib колдирган таржимаи ҳолни эътиборингизга ҳавола этишни маъқул кўрдик. Чунки бу ноёб қўллэзмада машҳур табибининг болалиги, ўқиши-ўрганиш, илм олиш йўлидаги саъи-ҳаракатлари, ота-онаси ва устозлари, ўша давр ҳукмдорлари, айрим қишлоқ ва шаҳарлар ҳакида етарлича маълумотлар жам этилган. Ушбу таржимаи ҳол, ибн Абий Усайбанинг 1882 йилда Мисрда нашр этилган “Уюнул анбаъ фи табакатил атиббо” (“Табиблар ҳакидаги хабарлар булоги”) китобининг 2-жилдида араб имлосида келтириб ўтилган. уни арабчадан таникли мутаржим-олим Абдусодик Идрисов ўзбекчага ўтирган. Абу Али ибн Сино ўз қўли билан битилган таржимаи ҳолида шундай ёзади:

“Отам Балхлик эди. Нух бинни Мансур замонида у ердан Бухорога кўчиб келади ва унинг даврида Бухоро атрофидаги Хурмайсан деган қишлоқда ҳукмронлик қилиш ва бошқариш ишлари билан шугуулланади. Бу қишлоқ энг йирик қишлоқлардан

саналар эди. Бунинг яқинида Афшана деган бир қишлоқ бор. Отам ўша қишлоқда онамга уйланиб, шунда туриб қолади. Ўша ерда мен туғилдим, кейин укам туғилди. Сўнгра биз Бухорога кўчиб келдик. Мен “Куръон” муаллимига ва адаб муаллимига топширилдим. Бу маҳалда ёшим ўнга тўлган эди. Бу вактда мен “Куръон”ни ва адаблардан кўпини эгаллаб олган эдим. Ҳатто одамлар менга ажабланардилар ҳам. Отам мисрликлар таълимотига ёндашган бўлиб, исмоилийлардан ҳисобланган. Отам улардан нафс ва акл ҳакидаги гапларини ва тушунчаларини эшитиб юради. Шунингдек, укам ҳам уларнинг гапларини эшитиб бораради. Кўпинча улар бу хусусда ўзаро гаплашиб ўтиришарди. Мен эса уларнинг гапларини эшитиб, нима ҳакда гапиргандарини билиб юар эдим-у, лекин фикрим қабул қилимас эди. Улар ўз таълимотига мени ҳам даъват қила бошладилар. Улар фалсафа, хандаса (геометрия) ва ҳинд ҳисоби ҳакида гаплашар эдилар.

Отам мени ҳинд ҳисобини биладиган бир кўкпурушга (резавор кўкат Шунингдек, Иклидус китобининг аввалидан беш ё олтига шаклларни ҳам сотувчи - Ж.М.) юбора бошлади. Мен ундан ҳинд ҳисобини ўрганишга кирищдим; кейин Бухорога Абу Абдулоҳ Нотилий келиб қолди. Уни файласуф деб аташар эди. Ундан менинг таълим умидида отам уни уйимизга жойлаштириди. Унинг келишидан олдин ҳам фикҳ билан шуғулланиб, бу хусусда Исмоил Зоҳидга катнаб юар эдим.

Фикҳчиларнинг тортишув йўллари ва эътиroz усувларини сўровчиларга, уларнинг одатича жавоб берадиган йўсинда билиб олиб, фикҳни энг яхши биладиганлардан бўлиб қолган эдим. Кейин Нотилийдан “Исоғучи” китобини ўргана бошладим. Нотилий менга жинснинг таърифи ҳакида “Жинс нима?” деб сўралганда, “турли навлардан иборат кўп нарсаларга жинс деб айтилади” деб жавоб бергин деганда мен унга шундай таъриф бердимки, ундай гапларни Нотилийнинг ўзи ҳам ҳали эшитмаган эди. У менга жуда ажабланиб қолди. Кейин отамга мени илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмасликни уқтириди.

У қайси масалаларни мендан сўрамасин, мен уни ундан кўра дурустrok тасаввур қилардим. Ниҳоят ундан мантиқнинг юзаки масалаларини “Завоҳири мантиқ”ни ўқидим, лекин унинг нозик томонлари унга номаълум эди.

Мантиқка оид китобларни ўзимдан-ўзим ўқий бошладим, шарҳларни мутолаа қила бошладим ва ниҳоят мантиқ илмини яхши

билиб олдим. унинг олдида ўқидим. Ундан кейин Иқлидус китобининг қолган қисмини ўзимча ҳал килишга киришдим. Кейин “Мажастий”га ўтдим. Унинг муқаддимасини ўқиб бўлиб, хандаса шаклларига етганимдан сўнг, Нотилий менга шундай деди:

„Энди уни сен ўзинг ўқиб, ҳал килишга кириша, бер, кейин менга тушунганинг айтасан, мен сенга уларнинг тўғри ё нотўғрилигини айтиб бераман“. У кишининг бундан хабари йўқ эди. Мен бу китобни ҳал килишга киришдм. Қантчалаб шаклларини мен то унга айтган ва тушунтирган вактимгача у билмаган бўларди.

Кейин Нотилий мендан ажралиб, Гурганч томонга жўнаб кетди. Сўнг “Фосус” китобини ва табниёт ва илоҳиётга бағишланган шарҳларини ўрганиш билан шуғулландим.

Илм эшиклари менга очилиб кетди. Кейин тиб илми билан шуғулланишни истаб қолдим ва унга бағишланган китобларни ўқишига тушдим. Тиб қийин илмлардан эмас, шу сабабдан мен киска муддат ичида бу соҳада шундай ютукка эриша олдимки, ҳатто фозил табиблар ҳам менга келиб, мендан тиб илмини ўқийдиган бўлдилар. Беморларга ҳам катнар эдим. Эришган тажрибаларим натижасида менга даволаш эшиклари шундай кенг очилдики, уни таърифлаб бўлмайди. Шу билан бирга мен бальзан фикҳни ўрганишга ҳам катнар эдим ва бу хусусда мунозара ҳам қилиб турардим. Бу вақтда мен ўн олти ёшга кирган эдим. Кейин яна бир ярим йил илм ва ўқишига берилдим; мантиқ ва фалсафанинг ҳамма бўлимларини асосли қилиб кайтадан ўқиб чиқдим. Бу кезларда бирон кечак ҳам бутун тун давомида ухламас эдим, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан банд бўлмас эдим. Мантиққа оид равshan ва аник бир қанча қоидаларни ёдладим. Ҳар бир хужожатни текшираётганимда бир қанча қиёсий муқаддималарни исбот қилиб, шу равshan муқаддималар нуктаи назаридан ўша хужожатни тартибга солардим. Кейин муқаддималарнинг шартларини назарга олиб, улардан чиқадиган натижага қаардим. Ниҳоят бу масалада ҳақнинг ҳақиқати менга аён бўлиб қолар эди. Қачон бу масалаларда ақлим ҳайрон қолиб, қиёс таърифини солиштира олмасам, жоме масчитта бораардим ва у ерда намоз ўқиб, барчанинг яратувчисига ёлворардим. Натижада бекик нарсалар менга очиларди ва мушкуллар осон бўларди. Кечкурунлари уйимга қайтиб келардим, олдимга чирокни кўйиб олиб, ўқиш ва ёзиш билан шуғулланардим. Қачон уйку босса ёки ўзимни заифроқ сезсан, кувват учун бир қадаҳ ичимлик ичишига тутинардим. кейин яна ўқишига тушардим,

ўйкуга кетган вақтимда ҳам ўша ўнгимдаги мағалаларни кўрардим. Шу ҳолда кўп масалалар тушимда менга аён бўларди. Шу зайлда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим. Инсоннинг имконият даражасида эгаллайдиган даражада улардан хабардор бўлдим. Ўша вактда нималарни билган бўлсам, ҳозир ҳам ўшандайман. Бугунги кунгача бу билимимни ундан оширолганим йўқ. Ниҳоят, мантиқ табиат ва риёзий (математика, геометрия) илмларини пишиқ ўргандим. Кейин илоҳиётни ўқишга ўтиб (“Мо бъода табиати”– “Табиатдан ташқари бўлган нарсалар”), “Метафизика” китобини ўқидим. Унда ёзилганларни тушунолмасдим, бу китобни ёзган кишининг мақсади менга бекик эди. Ҳатто уни қирқ бир марта қайта ўқидим, менга ҳатто у ёд бўлиб ҳам кетди. Лекин шуңдай бўлишига қарамай, мен уни ва унинг мақсадларини тушуна олмасдим. Ундан умидимни узиб, бу тушуниб бўлмайдиган китоб экан деган холосага келган эдим.

Кунлардан бир кун аср вақтида китобfuрушларнинг олдига бориб қолдим. Унда бир даллол кўлига муқоваланган бир китобни тутиб, уни мақтарди. У мени ҳам чакириб, менга уни кўрсатди... Мен бу илмни билишнинг фойдаси йўқ, деган хаёлда унинг кўрсатиши менга малол келиб, рад этдим. Даллол менга “бу китобни мендан олгин, бунинг нархи арzon - уч дирҳамга сотаман, згаси бунинг пулига муҳтоҷ”, деди. Мен уни сотиб олдим. Қарасам, бу Абу Наср Форобийнинг “Метафизика” китоби мақсадлари ҳақида ёзган асари экан. Уйимга қайтиб, дарров уни ўқишга тушдим. “Метафизика” дилимда ёд бўлиб колгани сабабли ўша пайтдаёқ бу китобнинг мақсадлари менга очилди. Бундан жуда курсанд бўлиб кетдим. Улуғ тангрига шукр қилиб, ўша куннинг эртасигаёқ камбағалларга анча нарса садақа килдим.

Бу вактда Бухоронинг подшоҳи Нуҳ бин Мансур эди. Иттифоқо у бир фикрга келолмайдиган касалликка дучор бўлиб қолди. Менинг ўқишга қаттиқ киришганим сабабли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган эди.

Подшоҳ ҳузурида мен ҳакимда гапиришиб, мени у ерга чақиришни подшодан сўрашибди. Мен келиб, шоҳни даволовчи табиблар билан бирга ишлаб, бу ишда унга хизмат қилганим сабабли обрўйим ортиб кетди. Бир куни шоҳдан китобхонасига киришга ва у ерда тибга оид китобларни мутолаа қилиш ва ўқишга руҳсат сўрадим. Шоҳ менга руҳсат берди. Мен кўп хоналардан иборат китобхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари,

бир-бирининг устига қўйилган китоблар бор эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари ва бошқасида фикҳга оид китоблар турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада фаннинг маълум бир соҳасига оид китоблар турар эди. Кейин олдингилар китоблари рўйхатини ўқиб чикдим ва ундан керак бўлганини ахтардим. Мен у ерда шундай китобларни кўрдимки, ҳатто уларнинг номларини ҳам кўпчилик халқ эшифтмаган эди. Ўзим ҳам бундан олдинлари кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам кўрмадим. Ўша китобларни ўқиб, уларнинг фойдаларини эгалладим, ҳар бир кишининг илмий даражасини билиб олдим.

Ёшим ўн саккизга борганида бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим. Ўша қунларда илмни ёддан қаттиқ билган эдим, лекин ҳозирги кунда илмим жуда етилди, менинг билгандарим, ўша ёшлигимда ўргангандарим, ундан кейин янги бир нарса қўшилгани йўқ.

Абулҳасан-ал-Арузий деган бир қўшнимиз бор эди. У мендан бу илмларимнинг ҳаммасини ўз ичига оладиган бир китоб ёзиб беришни сўраган эди. Мен унга “Ал-Мажмуҳ” тўпламини ёзиб бердим. Китоб отини ҳам деб кўя қолдим. Унга риёзийдан бошка барча илмларни киритдим. Ёшим у маҳалда йигирма бирда эди.

Кейин отам ўлиб қолди, ҳол-ахволим ҳам ўзгариб кетди. Бухорода Абу Бакр ал Баркий деган Хоразмда туғилган бир қўшним бор эди, ўз табиати билан у киши фикҳ эди, тафсир ва порсо (зухд) ликда ягона эди. Бу илмларга ўзи ҳам мойил эди. Шу киши мендан китобларга шарҳ ёзиб беришимни сўради. Мен унга йигирма жилдча келадиган “Ҳосил ва маҳсул” деган китоб ёзиб бердим. Ундан ташқари, унга ахлоққа тегишли яна бир китоб ёзиб бердим. Китоб номини “Китобул бирр вал исм” (“Яхшилик ва ёмонлик китоби”) деб кўйдим. Бу икки китоб ундан бошқада йўқ. У икковидан нусха олиш учун ҳеч кимга бермаган ҳам.

Кейин отам ўлиб қолди, ҳол-ахволим ҳам ўзгариб кетди. Шоҳнинг амалларидан бирортасини олишга мажбур бўлдим. Кейин зарурат менга Бухорони тарқ қилишга (Гурганч томонга кўчишга) мажбур килди. У ерда бу билимларни севувчи Абул Ҳусайн ал - Саҳлий вазир эди. У ернинг амири ҳузурига бордим. Амир - Али бин Маъмун эди. Мен у пайтда эгнимга тайласон ва таҳтулханакли фахҳлар кийимини кийиб олган эдим. Менга ўҳшаганга кифоя қиласидиган миқдорда ойлик тайин қилишди. Ундан кейин зарурат Нисога кўчишга мажбур килди. Сўнг ундан Бивардга, ундан Тусга,

ундан Хурросон чегараси Жожурмга, ундан Журжонга кўчиб юришга мажбур бўлдим. Кейин Амир Қабуснинг олдига киришга қаёд қилдим. Бу аснода Қабусни тутиб, кальъалардан бирига қамаб кўйишди. У ўша ерда ўлди. Кейин Диҳистонга келдим, у ерда каттиқ касал бўлиб қолдим. Кейин Журжонга қайтиб келдим. У ерда менга Абу Убайд Жузжоний кўшилди. Мен унга ўз ҳолимдан касида ёзиб бердим. Қасидада мана шу байт ҳам бор эди:

Мен улуғ бўлганимда Миср менга торлик қилиб қолди.
Менинг нархим ошгач, харидорим ҳам топилмай қолди.

Кўриб турганингиздек, улуғ табиб ўзи ҳақида камтарона сўз юритган бўлса-да, ўша даврлар, номи тарихда ҳамон яшаётган шахслар, жой номлари яна кўплаб тарихий сиймолар, асарлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирган.

Ҳа, оддий табиб аллома даражасига етгунга узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтганлиги, машаққатларни енгишда эса илм ва билим ҳар жиҳатдан кўмакдош бўлганлигини ушбу таржимаи ҳолдан батафсил билиб олса бўлади.

ИБН СИНО ЖАҲОН ОЛИМ ВА ШОИРЛАРИ НИГОХИДА

Кўзимни узокка югуртдим, шунда:
Хисобдон Эвклид, Батлимус, Гален,
Гиппократ, Ибн Сино, Ибн Рушд пайдо-
Янги ғояларни тарғиб этган чин.

Данте

Абу Али ибн Сино ҳазратларини ватандош сифатида ғоят улуғлаймиз, унинг номи билан фахрланамиз. Чунки бу ватандошимиз, гарчанд, тақдир тақозоси ва замона зўрларининг ғайрликлари окибатида ўзи туғилиб ўсган юртдан олисда, Ватан соғинчи билан яшаб ижод қилган бўлса-да, болалаги, ўсмирилиги шу киндик қони томган заминда ўтган, илк таълимни ҳам шу ерда олган. Алломанинг ўз қаламига мансуб битикларда мана бу сатрларни ўқиш мумкин: “Ўша кезлари мен бирор кечанинг охиригача ухламас, кундузлари ҳам илмдан бошқа ғарса билан шуғулланмас эдим... Кейинчалик, ҳатто, билимдон табиблар ҳам

келиб, хузуримда тиб илмидан сабок оладиган бўлди". Ибн Синонинг табиб сифатидаги обрўси, халқ орасидаги машхурлиги, у Бухоро амирини муваффакиятли даволагандан сўнг, ўн чандон ортиб кетади. Айнан ана шу машхурлик ва юксак обрў туфайли ҳасадгўй кимсадар томонидан уюштирилган фитналар аллома табибни ўз юртини ташлаб чиқиб кетишга мажбур этади.

Лекин чинакам истеъод, ҳакикий илм ва билим соҳиби ҳеч қачон ўзи танлаган йўлдан чекинмайди, аксинча, олга интилаверади. Ибн Сино ҳам бундан мустасно эмас. У ўзга юргуларда Ватан соғинчи билан, ота-она ва қариндош-уруглар меҳрига зориқиб яшаган бўлса-да, ўзи танлаган соҳага юксак садоқатини намоён этган ҳолда изланишлар олиб борган, ижод билан машғул бўлган. Натижада унинг довруғи эллар оша тарқалиб бораверган. Тиб илмига оид оламшумул ахамиятта эга асарлари эса ўз замонасининг турли шоирлари, олимлари, тиббиёт соҳаси билимдоилари томонидан ўқилиб, бошқа тилларга таржима қилинаверган. Натижада Ибн Сино номи нафакат Шарқда, балки Фарбда ҳам машхурлик касб эта борган.


Масалан, у Шарқда файласуфона қарашлари учун "Шайх-урраис", яъни "Донишмандлар сарвари" номи билан машхур бўлган. Фарбда эса тиб илми ривожига кўшаётган ҳиссаси, кашфиётлари учун Авиценна дея эъзозланган. Айнан шундай бўлганлигини Европа Уйғониш даври миниатюраларида Ибн Сино ўз даврининг машхури жаҳон алломалари бўлмиш Гален, тиббиёт отаси дея эътироф этилган Гиппократ, Птолемей, Эвклид каби олимлар билан бир каторда тасвир этилганлиги исботлаб турибди. Баъзи бир манбаларда келтирилишича, ҳатто, илк бор ўсимликлар оламини жиддий ўрганиш ва тадқиқ этишга киришган, уларни тасниф этган Карл Линней йилнинг тўрт фаслида ҳам ям-яшил бўлиб яшнаб турувчи бир ўсимликни кашф этган ва Ибн Сино шарафига уни "Авиценния" деб атаган.

Абу Али ибн Сино тиб илмини ривожлантиришга муносиб улуш кўшганлиги рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Лекин унинг бундай оламшумул шухратга эришиши, табиийки, ўз-ўзидан бўлмаган. Чунки аллома табиб нафакат тиб илми, балки бадиий-ижодий, фалсафий-маънавий соҳада ҳам самарали фаолият олиб борган. Бир сўз билан айтганда, дунёкарашини мунтазам равишда турли илмларни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали кенгайтира борган. Эътироф этмоқ керакки, Ибн Сино табобатда эришган ютуклар

замирида бадииятга, санъатга нисбатан алоҳида меҳр бор. Агар шундай бўлмагандар, у ўзининг машхур “Уржуза”сини шеърий Йусинда битмаган ва яна катор асарларини, хикматомуз тавсияларини бадиий-шеърий усуlda ёзиб қолдирмаган, мусиқанинг инсон, руҳий оламига таъсир кучини биринчилар каторида аниклаб, ундан муолажа воситаси сифатида фойдаланмаган бўларди. Демокчимизки, Ибн Сино тиббиётга оид фикр-мулоҳазаларини, согликни саклаш борасидаги муҳим тавсияларини оммага етказишида бадииятга таянган. Зеро, кўплаб атамаларни, номланишларни, турли таърифларни адабий-бадиий шаклда кўллай билишда бошқа фанлар қаторида адабиёт конунларини, фалсафани, санъатни, мусикани, тилшуносликни пухта ўрганиши ва ўзлаштириши ҳам унга ҳар жиҳатдан кўмак берган. Энг муҳими эса, аллома табиб бу илмларга таянган ҳолда, дилбар асарлар битишга муваффақ бўлган.

Ана шу асарлари орқали у олим ва табиб, табиб ва қашфиётчи олим сифатида бошқа миллатларнинг етук олимларини, ижодкор ва санъаткорларини ўзига ром этган. Шу тарика ўз даврининг турли соҳаларида фаолият юритаётган йирик намояндалар битган асарлар орқали Ибн Сино сурат ва сийрати намоён бўлиб, номи жаҳонга танила борган. Бу борада буюк итальян шоири ва муғафакири Данте ижодини ёркин мисол қилиб келтириш мумкин. У, айникса, алломанинг “Рисола фи-л-ишқ” рисоласидан илҳомланганлиги, ундаги асосий фикр ва қарашлардан таъсиранланганлиги ҳакида маълумотлар сакланниб колган. Данте ўз қаламига мансуб “Дўзах” китобининг тўртингчи кўшиғида номи оламга машхур алломалар – Гомер, Эсхил, Софокл, Арасту, Афлотун, Пифагор, Гераклит, Демокрит қаторида буюк бобокалонимиз ибн Сино номини ҳам эҳтиром билан тилга олиб ўтган. Бунга биз юқорида эпиграф сифатида келтириб ўтган сатрлар далил бўла олади. Шунингдек, Данте ўзининг “Илоҳий комедия”си учун Абу Али ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” киссасини асосий илҳомлантирувчи манба қилиб олган.

Машхур ватандошимиз Абу Али ибн Сино шахси, илмий – амалий фаолияти Европада кечмиш Уйғониш даврининг Жованни Боккаччодек аллома адабининг ҳам зътиборини тортган. У ўзининг етти иклимга машхур “Декамерон” асарида Ибн Сино образини буюк табиб сифатида яратганлигини алоҳида зътироф билан эслатиб ўтмоқ лозим.



Үрни келганды айтиш керакки, филология фанлари номзоди, адабиётшунос олим Эргаш Очилов Ибн Сино ҳәти ва ижодини чукур ўрганган. Күп йиллик тадқиқотлар олиб борган бу олимнинг ёзишича, ватандошимиз Ибн Сино ҳазратлари табобатта оид рисолалардан ташқари яна бир катар бадий асарлар биттганлиги тўғрисида қимматли маълумотлар тўплаган. Э. Очиловнинг зътироф этишича, Ибн Сино ўз даврининг етук олимларидан бўлмиш Абу Абдуллоҳ Нотилий ва Исмоил Зоҳид каби устозлардан мантиқ, фалсафа, фикҳ ҳамда риёзиётдан таълим олган, ушбу устозлардан ана шу фанлар асосларини ўрганган. Дарвоҷе, бу ҳакда аллома табибининг ўзи таржимаи ҳолида шундай ёзib қолдирган: “Отам менин хинд ҳисобини биладиган бир кўклируушга (резаворлар сотувчи - Ж.М.) юбора бошлади. Мен ундан хинд ҳисобини ўрганишга киришдим. Кейин Бухорога Абу Абдуллоҳ Нотилий келиб келиб қолди. Уни файласуф деб атапшар эди. Ундан менинг таълим олишим умидида отам уни уйимизга жойлаштириди. Унинг келишидан олдин ҳам фикҳ билан шуғулланниб, бу хусусда Исмоил Зоҳидга қатнар эдим”. Хуллас, ўз замонасининг ана шундай буюк ва закий олимларидан сабоқлар олиш натижасида Ибн Сино машҳур табиб бўлиб этишишдан ташқари шоир, файласуф, тилшунос, адабиётшунос сифатида ҳам замондошлари томонидан зътироф этила борган. Чунки у илм борасида Аристотел, Форобий каби алломаларни ҳам ўзига устоз деб билган. Ана шу олимларнинг асарлари таъсирида илк бора “Ал-ҳикмат ал-арузия” номли асарини ёзган. Аruz вазни масалаларига бағишланган бу асар илм ва адабиёт аҳли томонидан воқеа сифатида кутиб олинган. Чунки шеъриятнинг аруз вазни, биринчидан, энг қийин жанр ҳисобланади. Иккинчидан, у даврларда шеърлар асосан ана шу вазнда битилганлиги туфайли асар тезда машҳур бўлиб кетган.

Яна, адабиётшунос Э. Очилов ва Ибн Сино фаолиятини ўрганган бошка олимларнинг таъкидлашларича, алломанинг адабий - назарий қарашлари “Китоб аш-шифо” асарининг “Мантиқ” кисмида, шунингдек “Шеър санъати” китобида, адабиётшунослика оид фикрлари “Ал-мантиқ би аш-шеър”, “Ал-касоид фи-л узмат ва л-ҳикмат” каби асарларида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга Ибн Сино ҳазратлари тилшуносликка бағишланган “Лисон ул-араб”, “Махориж ул-хуруф” асарларини ҳам яратган. Улуғ алломанинг содик ва севимли шогирди Жузжоний устози Ибн Сино тилшунослик билан жиддий шуғулланган кезларида учта йирик

қасида ёзганлигили ҳам маълум қилиб' кетган. Жумладан, алломанинг "Рисслат ут-тайр" ("Күш ҳақидаги рисола") қиссаси Фаридиддин Атгорни машхур "Мантиқ ут-тайр", Алишер Навоийни эса "Лисон ут-тайр" достонларини яратишга илҳом ва туртки берган. Ёқорида эслатиб ўтганимиз улуғ Данте эса Ибн Синонинг "Рисола фи-л-ишк" рисоласидан ғоят таъсиранганилиги баъзи тарихий мәнбаларда келтириб ўтилган.

Ибн Синониң тиббиёт соҳасидан ташкари адабиёт борасидаги хизматлари ҳам ғоят самарали бўлганлиги биз юқорида келтирган айrim мисоллар орқали ўз-ўзидан аён бўлиб турибди. Бу фикримизга қўшимча тарзда шуни айтиш мумкинки, Ибн Сино Шарқ сўз санътида ўзи яшаган даврга қадар ҳали уччалик таомилга кирмаган янги йўналиш – фалсафий шеъриятни бошлаб берган ижодкор саналади. Чунки у фалсафий йўналишда бири-биридан гўзал рўбийлар битган. У асос солган бу йўналишни ўзини Шайх ур-раиснинг, яъни Ибн Синонинг шогирди деб билган Умар Хайём муносаб давом эттирди. Куйида аллома ибн Сино қаламига мансуғ бўлган ва фалсафий оҳанглар уфуриб турган бир неча рубойни (Эргаш Очилов таржимасида - Ж. М.) зътиборингизга қавола этамизки, шу мисолнинг ўзиёқ, улуғ табиб канчалар нуктағон ва зариф сўзлар ишлатиш қобилиятига эга бўлганлигидан далолат беради:

Эй нафс, кидирганинг мудом хою-ҳавас,
Ўзингни химоя қилгали шош бу нафас.
Дунё ҳема, кўй ҳийлани, мансаб тилама,
Душманлик ишинг ҳамиша, хеч дўстлик эмас!

Май мангулик баҳш этар эмиш, куй сокий!
Кўнглингта хузур етар эмиш, куй сокий!
Куйдирса-да ўт каби, ғамингни аммо
Сувдек оқизиб кетар эмиш, куй сокий!

Эй қуёш, борми сен каби оламгард,
Лутфинг аяма, мен-да йўловчиман мард.
Илк йўлида кўрдингми яна бир кишини,
То юзида шунча гарду кўнглида-чи дард?

Дил дунё биёбонида оз чопган эмас,
 Кўп билса-да, ўз ўз нуқсини ҳеч ёпган эмас.
 Кўнглимда агарчи минг кўёш порлар эди,
 Охирда камолга зарра йўл топган эмас.

Шарқ илм аҳли орасида Шайх ур-раис дея зъозланган аллома табиб Абу Али ибн Сино, Фарбда ҳам Авиценна номи билан таникли ҳамда машҳур эди. Бу - улуг' ватандошимизнинг истеъоди, тиббиёт ва адабиётга, санъат таракки ётига кўшган улкан хиссаси барча замон ва даврларда олам олимлари томонидан муносиб зътироф этилганлигидан нишонадир. Натижада унинг номи дунёй дуннинг энг закий, энг машҳур олимлари, шарафли инсонлари қаторидан жой олди-ки, бу ҳам бизнинг фахримиздир.

Ха, машҳури жаҳон ҳамюртимиз Ибн Сино ана шундай салоҳиятли илмга эга олим, зукко шоир, бир сўз билан айтганда, қомусий билим соҳиби эди. Шунинг учун ҳам унга бағишлиланган асарлар, ҳалқ тили билан айтилиб, унинг номи билан боғланган ҳолда тўкилган юзлаб афсона ва ривоятлар, ўзи ишо этиб кетган ҳикматлар нафакат бизнинг юртимизда, балки Ватанимиз сарҳадларидан жуда-жуда узокларда ҳам ҳамон оҳори тўкилмаган битиклардай яшаб турибди. Илло, бокий сўзга, чинакам илмга ҳеч қачон завол етмайди. Абу Али ибн Сино эса ҳам тиб илмида, ҳам бадиийядда ҳам ўзига муносиб ҳайкал қўйиб кетган аллома инсондир.

САЛОМАТЛИККА РАҲНА СОЛУВЧИ ИЛЛАТЛАР

**Гўштли овқатни бемор камроқ этсин истеъмол,
 Бир томчи ҳам май ичмай ўзини тийсини дарҳол.**

Ибн Сино

Файласуфлар ва руҳиятшунос олимларнинг зътироф этишларича, инсон онгли равишда ўзлигини англай олгандагина соғлом ва баркамол бўлади. Чунки хулқ-автор ва унинг омилларини бошқариб турадиган руҳий энергиялар инсонни зг киёфасини белгилайди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, инсон руҳиятида прогрессив энергия, яъни фаришта ва агрессив энергия, яъни шайтон мавжуд бўлар экан. Бу кучлар инсоннининг маънавий ва

ахлокий салохиятини таъминлаш борасида рухий кувватни таксимлаб турувчи механизм вазифасини бажаради. Инсон вужудидаги прогрессив энергия кучли бўлса, инсон акли, дунёқараши кенг, андишали, катъиятли, иймонли, мустакил фикрли, тўғри сўз, ўз бурчини англовчи, вафодор ватанпарвар, фидокор, меҳр-мурувватли, масъулиятли, камтар ва меҳнатсевар бўлади. Агрессив энергия кучли бўлса, бундай одам ёлғончи, олчоқ, маккор, ҳийлакор, тақаббур, аңдишасиз кипи ҳисобланади. Инсон ружиятида содир бўладиган бу икки ҳолатни ҳеч иккиласдан икки қутб деб аташ мумкин. Биз бу ҳақда бежиз эслатаётганимиз йўқ. Зеро, қалбни макон тутмиш бу икки қутбнинг қай бири устунлик қилиши, бу инсоннинг ўзига, иродасига, атрофидагиларга, энг муҳими эса ўз-ўзига муносабати туфайли содир бўлади. Чунки инсон ҳеч қачон ёмон хулқ, ёқимсиз хислат ёки бирор нуқсон билан (бу ерда ирсият билан боғлиқ жисмоний нуқсонлар назарда тутилмаяпти – Ж.М.) туғилмайди. Аксинча, у яшаётган муҳит, нобоп оиласвий шароитлар, ҳаётга енгилтаклиқ билан муносабатда бўлиш оқибатида ҳар бир одам боласи ботинида яширин бўлган у, ёки бу энергия етакчи кучга айланба боради. Биз ана шу хусусдаги мулоҳазаларимизни билдиримоқчимиз, холос. Яъни, инсонни тўғри йўлдан чалғитадиган, охир-оқибатда ҳалокат жари ёқасига етаклаб борадиган айрим иллатлар тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Асрлар оша инсоният бошига кўп балолар ёғдириб келаётган, туппа-тузук яшаб юрган одамни кутилмагандан жиноятчига айлантириб кўядиган, феъл-атворидаги, хулқ одобидаги ижобий фазилатларни салбий томонларга бошқариб кетадиган иллатларнинг бири, шубҳасиз, майхўрлик, яъни ичқиликбозликлар. Чунки айнан ичқиликбозликка берилганларда агрессив-шайтоний энергия нисбатан кучли бўлади. Натижада улар ўткинчи хою-ҳавасларга, ортиқча кўнгилкүшликларга осонгина бериладилар. Айш-ишратга муккасидан кетиб, гул умрини кулга айлантирадилар. Ҳатто, ўз соғлигини, пировардида эса умрини ҳам бой бериб кўйганлигини сезмай қоладилар. Чунки улар биз юқорида эслатиб ўтган агрессив энергия, яъни шайтон етагида бўладилар. Шайтон эса ҳеч қачон инсонни тўғри йўлга бошламайди, аксинча, ҳалол йўлдан адаштиради. Эринчокликка, меҳнатдан бўйин товлашга, тўғри амал ўрнига ҳйла ва найрангни пеш қилишга ундейди. Айни пайтда инсоннинг энг бебаҳо бойлиги, Яратганнинг кутлугу неъмати бўлмиш соғлиқка жиддий зарар етказади.

Шунинг учун ҳам улуг бобокалонимиз Абу Али ибн Сино: “Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни пайтда касалликнинг туғилишига ҳам сабабчидир”, - деган эди ўз вактида.

Улуг аллома табиб тўғри таърифлаганидек, майхўрлик оқибатида келиб чиқадиган ялқовлик, эътиборсизлик, локайдлик инсонни фаол ҳаётдан четлаштиради, жамиятдан узоклаштиради. Шу билан бирга инсон вужудини сирқиратувчи турли хасталикларнинг юзага келишида ҳам ўзига хос омил вазифасини ўтайди. Натижада Яратганинг барча мавжудотлари орасида энг мукаррами ва улуғи бўлган инсон деган номга доғ тушади, одамийлик фазилатлари ўрнини худбинлик, риёкорлик ва жиноятга майиллик эгаллай бошлайди. Аслида эса ҳар бир онгли одам боласи аклу заковати билан ҳаёт деб аталмиш ёруғ оламда ўзи яшаётган жамиятга комиллик уруғини сепиши, теварак-атрофдагиларга ўрнак бўлиши, яқинларига ибрат кўрсатиб яшashi, табиат ато этган неъматлардан окилона фойдаланган ҳолда умргузаронлик қилиши, соғлом авлод қолдириш илинжида яшамоги лозим. Яъни, инсон зоти аждод ва авлодлар ришиғаси бўлиши, фарзанд баркамоллиги ва тан сиҳатлигига эришиб яшашга интилмоги ва шунга эришмоги керак. Бундай турмуш тарзида буюк саодатмандлик бор.

Лекин турли иллатлар комига тушган кимсалар олий саодатмандликдан маҳрум бўладилар. Ҳаётда ўз ўрни ва ўзлигини, энг муҳими, инсонга берилган бебаҳо неъмат – соғлигини йўқота борадилар. Чунки орамизда ҳали баъзи акли нокис, тиббий тарбияси суст, иродаси мўрт, оиласи тарбияда оқсанган инсонлар бор. Улар ташки таъсирларга тез берилувчан бўладилар, ички ҳиссиётларини жиловлай олиш кобилиятидан маҳрум бўладилар. Оқибатда серташвиш дунёнинг долгалари, турмушнинг туртки ва синовлари олдида довдираబ қолиб, ҳаётнинг ёруғ, умидли, омадли кўчасидан четга чикиб кетадилар. Айнан шундай кезларда ана шундай иродаси суст кишилар зарур таскин ва тиргакни, тасаллини кашандалик, ичкиликбозлик ва гиёхвандликдан излай бошлайдилар. Шунинг учун ҳам “Шароб маст қиласи, ухлатади, эслаш қобилиятини, нафсоний кувватларни пасайтиради , - дейилади Ибн Сино ҳазратлари асарларида.

Замонавий тиббиётта ҳам салбий иллатларга қул бўлиб қолган кимсаларнинг нафақат ўз саломатлигини йўқотиши, балки зўриёди – фарзандларининг ҳам соғлом ва бекаму кўст, баркамол бўлишига,

рисоладагидай улғайишига акс таъсири этувчи омилга айланиб қолиши беш күлдай аён. Айникса, бундай қулика берилиш балоғат остонасида турган, эрта-индин оила қуриш истагида бўлган ўсмир-шлар учун жуда хатарлидир. Чунки эрта ёшданоқ ичкиликбозликка ёки қашандаликка берилиш хунук оқибатларга олиб келиши шубҳасиздир. Ана шу хатардан огоҳ этар экан: “Болаларнинг шароб ичишлари ёнаётган нозик ўтиннинг алансига алана га қўшиш билан баробардир, - дейди аллома табиб Иби Сино. Бу фикри билан ул зот нафакат катта ёшдагиларни, балки ўсмир-шларнинг ҳам турли салбий иллатларга ошно бўлиши ниҳоятда хатарли эканлигидан катъий огоҳ этади.

Эътибор кылган бўлсангиз, аллома табиб бежиз саломатлик ва инсонийликни асрар тўғрисида бевосита инсоннинг ўзига мурожаат қилаётгани йўқ. Зеро, соғликни авайлаб асрар, уни мунтазам мустаҳкамлаб бориш инсоннинг ўзига, иродасига боғлиқ муҳим омилдир. Мухтарам Юртбошимиз Ислом Каримов ҳам бу борада фикр юритар экан, шундай дейдилар: “Одамларнинг соғлиги кўп жиҳатдан, авваломбор, унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга кўйиши, ҳар қандай касалликларнинг олдини олиш учун соғлом турмуш тарзи ва маданияти талабларига амал қилиб яшashi лозим”. Бу соҳада Юртбошимиздан ўтказиб, бирор фикр билдириш мушкул.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, ичкиликбозликка элакишиларнинг сабаби турлича бўлар экан. Масалан, ўз шахсини намойиш этиш учун барча ичкиликбозларнинг 32-65 фоизи, катталарга тақлид қилиб арок ичувчиларнинг 12-15 фоизи, ўткир ичимликларни хуш кўрувчиларнинг 8,2 - 12,7 фоизи, кайф қилиш учун ичувчиларнинг 4,7 - 10,8 фоизи, зерикишдан ичувчиларнинг 4,3 - 9,2 фоизи, руҳий зўриқишини енгиш учун арок истемол килувчиларнинг 4 - 9,2 фоизи ўз инон-ихтиёри билан, яъни ўз мустақил қарори билан ичкиликбозликни танлар экан. Аммо, жами ичувчиларнинг 10 тадан 1 таси шу надомат кўчасида қолиб кетади, арок-шаробга қарам бўлади, яъни пиёнистага айланади.

Шу хакда мулоҳаза юритар экансиз, табиий равища кўнглингиздан “Нега одамлар ана шу салбий хусусиятларни била туриб, майхўрликка ружу кўядилар, нима учун кишини маст килувчи ичкилик бир қарашда руҳингизни кўтаради, ташвишлардан маълум муддатга бўлса-да, халос этади?”, деган ҳақли савол ўтиши тайин. Бу борада донишманлар шундай дейди: “Ичкилик

кексаларнинг оёғига, ёшларнинг миясига зарар беради. Сабаб: ичкилик суст жойни излайди". Ҳакиқатан ҳам шундай. Чунки бу оғу инсондаги энг заиф жойни тезда забт этади, сўнгра астасекинлик билан емира боради. Тиббий тавсияларига таянган ҳолда сўз юритаётганимиз ҳазрат Ибн Сино ҳам ўзларининг "Сиёsat албадан" ("Баданни бошқариш") асарида ичкиликнинг тана аъзоларига, баданга зарарини кенг маънода шарҳлаб берганлар. Хусусан, маст кишидан акл, ҳаё ва сабр кетишини эътироф этганлар ва бу ҳақда жиддий огохлантирганлар. Аллома табибининг фикрича, магар инсон юқорида айтиб ўтилган фазилатлардан маҳрум бўлар экан, одамгарчилиқдан чиқади. Чунки шароб секин таъсир этувчи заҳарлардан биридир. Энг ёмони, бу заҳар, кўпроқ инсон миясига таъсир этади. Айниқса, овқат устидан ичилган шароб кўп зарар келтиради. Шунинг учун ҳам Ибн Сино бу ҳақда шундай огохлантириди:

Ўзинг сакла сурункали маст юришлан ичиб май,
Бир ойда бир бода етар шароб ичма пайдар-пай.

Алломанинг ушбу фикрларидан аён бўляяптики, вақт-бевақт, тагин, пайдар-пай май ёки шароб истеъмол қиласвериш яхшиликка олиб келмайди. Аксинча, яхшилик йўлидан ёмонлик кўчаси сари етаклади. Ёмонлик сари юзланганлар эса нафақат ўзининг, балки қолдирадиган наслининг, бутун бир авлоднинг ҳам обрўсига, нуфузига, энг ёмони ва ачинарлиси ўз саломатлигига пугур етказади. Бир сўз билан айтганда, ичкиликбозликка муккасидан кетганилар бутун бир миллат обрўсини тўқади, салоҳиятини шубха остига кўяди. Ичкиликбозлик балосига гирифтор бўлганларда маънан тубанлик, руҳий носоғломлик ҳолатлари юзага келади. Бундай ҳолатларнинг кўпайиши, сурункали тус олиши жамиятни заифлаштиради, бутун бир миллат шаънини ерга уради. Дарвоқе, бундай зарар тўғрисида Юргбошимиз барчамизга ибратли бўларли фикрин илгари сурганлар: "Хеч бир халқнинг кудрати, машхурлиги, буюклиги халқаро обрў-эътибори ундаги тўпларнинг, курол-аслаҳаларнинг сони билан ўлчанмайди, уларни авваламбор миллатнинг маънавий ва моддий салоҳияти ҳамда кучи билан ўлчамоқ керак".

Хўш, ичкиликбозлик соғлигимиз учун шундай хавфли ҳамда зарарли экан, нега уни истеъмол қилувчилар, шу оғу туфайли

ҳаётини барбод этайтганлар ҳамон ҳаётимизда учраб турибди? Умуман, бу оғусимон ичимлик қачон, қандай пайдо бўлган ва унга қарши турли даврларда қай йўсинда кураш олиб борилган? Келинг, шу ҳақда ҳам бир оз фикр алмашайлик. Чунки куйида Ибн Сино ҳазратлари келтирган далиллар, шарҳлар, ичкилиқбозликнинг нафакат инсон жисмига, руҳиятига, балки жамият тараққиётига ҳам салбий таъсири тўғрисида сўз юритамиз.

Демак, бутунги кунда биз “арок”, “кайф манбаи”, “кўнгилхушлик воситаси” деб атайдиган алкоголли, яъни спиртли ичимликлар қачон ва қандай пайдо бўлган? Оғзаки ва ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича алкогол, яъни спиртли ичимликнинг пайдо бўлиши тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Баъзи бир манбаларга таяниб айтадиган бўлсақ, қадимий Мисрда бир пайтлар асиirlар тутқинлиқда яшаган экан. Улар тоқат қилиб бўлмайдиган аянчли аҳвонда сакланар, ётиш-туришлари жуда хароб экан. Шунга қарамасдан, барчаси деярли хушхандон юришаркан, кўп меҳнат қилишаркан. Бир-бирлари билан дўстлашиб, апоқ-чапоқ бўлиб, қах-қах отиб кулиб яшашаётган экан. Бу ҳол кўпчиликка ғалати туйилибди. Айримларни эса ҳайрон қолдирибди. Шундан сўнг, маъжумлардаги бу хушчақчаклик сабабини ўргана бошлишибди. Маълум бўлишича, тутқунларга овкат тайёрлайдиган ошпаз увол бўлмасин деб доимий равишда уларга ачиб, эзилиб, истеъмолга яроксиз бўлиб қолган узумнинг сувини шарбат сифатида тарқатиб турар экан. Бу ҳақда дарҳол Миср ҳукмдорига хабар етказишибди. Ҳукмдор бунда бир сир борлигини англаб етиби ва сара узумлардан шарбат тайёрлаш ва уни бир муддат ачитиб қўйиш тўғрисида фармон берибди. Тутқунларга ана шу ачитилган шарбатдан кўпроқ микдорда тарқатиб чиқишибди. Улар эндилиқда аввалгидан ҳам эркинроқ ва хушхандон бўлиб қолишибди. Кося тагидаги нимкосани англаган Миср ҳукмдори узумдан ачитилган шарбат тайёрлашни кўпайтириш тўғрисида амр қилибди. Шу тариқа бу ичимлик дунё бўйлаб тарқалиб кетибди...

Албатта, юқорида келтирганимиз бу, бир ривоят. Аммо ҳар қандай афсона ва ривоят замирида бир чимдим бўлса-да, ҳақиқат бўлади. Айнан Мисрда бўлмаган бўлса-да, балки бошка худудда инсонни эс-хушидан вақтингча айириб қўйиб, ўткинчи хушхандонлик баҳш этадиган ичимлик қачонлардир кашф этилган ва у бугунги кунгача истеъмол қилинмокда. Чунки инсоният ана шу оғуни ўйлаб топгандан буён ҳарши курашяпти, унинг зарарли

оқибатларга олиб келишини тушунтиришга қаратилған ишларни ҳам асрлар оша давом эттириб келаяпти. Алкогол ва унга қарши кураш жуда қадим замонлардан бүён маълум эканлиги мана бу мисоллар орқали ҳам ўз исботини топган. Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қадимги Римда бўлиб ўтган куллар кўзғолони етакчиси Спартак ичкиликка қарши курашиш мақсадида кўплаб узумзорларни йўқ килиб ташлаган. Чунки у ичкилик тайёрлаш манбанин узумда кўрган. Бу ҳам юқорида келтирганимиз, яъни қадимги Мисрда илк бор кайф берувчи ичимлик узумдан тайёрланганинги ҳақидаги ривоятда келтирилған воқеалар ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлайди.

Яна бир мисол келтириб ўтайлик. Ўша, қадимги Афинада, узумзорларни йўқотишдан ташқари ичкиликбозликни тугатиш борасида бошқа чоралар ҳам кўлланилған. Яъни, шаробга таъсир кучини камайтириш мақсадида сув қўшиб истеъмол килиш жорий этилган. Шароб, май, бода, ароқ дея аталувчи ва кишини маст қилувчи ичимликларнинг зарарини биринчилардан бўлиб, Гиппократ аниқлаган ва мана бу сўзларни айтиб кетган: “Майхўрлик-онгли равишдаги аҳмоқгарчиликдан бошқа нарса эмас”. Ҳақиқатан ҳам инсон спиртли ичимликнинг нафакат соғлиқка, балки онгта, тафаккурга, руҳиятга салбий таъсир этишини била туриб, барибир, истеъмол қилишда давом этмоқда. Демак, бу иллатга чалинган кимсалар бориб турган аҳмоқларнинг ишини қиласптилар деса, бўлади.

Хўш, бу ихтиёрий “жиннилик”ка берилиш қандай натижаларга олиб келади? Юқорида айтиб ўтилганларга шуни қўшимча килиш мумкинки, замонавий тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассис олимларнинг зътирофича, мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қиласптилар кимсалар орасида юракнинг тез-тез уришидан шикоят килувчилар кўплаб топилар экан. Шунингдек, қон босимининг ошиши, иштаҳа йўқолиши, тез-тез ҷарчаш, кўл қалтираши, тушкунликка тушиш, вос-восга берилиш ҳолатлари ҳам сезиларли даражада кузатилар экан. Булардан ташқари гастрит, жигилдон қайнапши, ошқозон яраси, жигар циррози ва буйрак хасталикларига чалиниш каби ҳолатлар ҳам айнан ичкиликбозлар ўртасида кўп учраши статистик маълумотларда рўй-рост қайд этилган. Шуниси ҳам борки, спиртли ичимликларни мөъеридан ортиқча истеъмол қилиш организмнинг эрта қаришига сабабчи бўлади, юзни барвакт ажинлар қоплайди,

кўз хиралаша бошлайди, хотира эса йилдан-йилга сусайиб бораверади. Бу, албатта, организмда рўй берадиган ўзгаришлардир.

Шу ўринда ичкиликбозлик билан боғлиқ яна бир ўта муҳим ҳолатни эслатиб ўтмок зарур. Сурункали алкоголизмда жинсий аъзолар ҳам кучли заарар кўради. Болалар нимжон ва заиф бўлиб туғиладилар. Маст ҳолда кўшилишган эр-хотиннинг ҳужайралари нотўғри бирлашади ва натижада бола нуқсонлар билан туғилади. Қадимда ота-боболаримиз никоҳ кечаси келин-куёвга шароб эмас, балки сув, қатик, сут беришни тавсия этганлигининг сири ҳам шунда.

Энди инсон феъл-авторида, руҳиятида юзага келадиган салбий ўзгаришларга ҳам бир зътибор қаратайлик. Таъкидламок зарурки, ичкиликбозликка ружу кўйганларда лафзсизлик, яъни ваъдасининг устидан чиқмаслик, журъатсизлик, ишончсизлик, қабул қилган карорларини тез-тез ўзгартириш - бетайнлик ва бекарорлик, сұхбатдошининг кўзига тик қарай олмаслик, бирор киши тўғрисида осонгина ёмон фикрга бориш каби қусурлар ҳам пайдо бўлади. Ўз вактида Ибн Сино ҳазратлари таъкидлаб кетган бу ҳолатларни бугунги замонавий тиббиёт ҳам тўла тасдиклайди. Чунки турли корхоналарда меҳнат қилувчи ичкиликбозлар пала-партиш ишлари натижасида турфа техник жароҳатлар оладилар, атрофидагилар учун хавфли вазият туғдириб кўядилар, ўзлари эса ҳар хил кўринишдаги тан жароҳатлари оладилар. Шуниси ҳам борки, ичкиликбозликка берилганлар нафакат ўзи ишләётган бирор корхонага, балки оила бюджетига ҳам жиддий заарар етказадилар, болаларига эса тарбия борасида ёмон ибрат кўрсатадилар.

Хуллас, ичкиликка муккасидан кетганлар, қайдалир эшитганимиз мана бу ривоятдаги кимсага жуда-жуда ўхшаб кетади:

-Обод шаҳарларнинг бирида камсукум, одоб-ахлоқли, инсофидиёнатли, ўзига тўқ бир йигит яшаган экан. Вақт ўтган сайин, у тадбиркорлик ва ҳалоллик билан иш юритиб, анчагина таникли бўлиб колибди. Бу уддабурон ва элда обрў топаётган йигитни кўролмайдиганлар ҳасад оловида куя бошлишибди. Ўзаро келишиб, уни ичкиликка ўргатмокчи бўлишибди. Маслаҳатни пишитишгач, йигитни алдов йўли билан бир жойга бошлаб боришибди-да, кўл-оёгини маҳкам килиб боғлаб ташлашибди. Сўнгра унинг олдига учта шарт кўйишибди: “Бугун кечаси кўшнингнинг сигирини ўғирлайсан, ёки мана бу соҳибжамол қиз билан бир кеча тунаисан, агар бу шартларимиз маъқул бўлмаса, бир меш шаробни бир ўзинг

ичасан, акс ҳолда бошингдан жудо бўласан!”. Йигит узок ўйланибди. Имон-эътиқоди бут бўлгани учун на ўғирлик, на бегона кизнинг номусига тегишин ўзига эп билмабди. Ёш холича ўлиб кетишни-да, истамабди. Шунинг учун “нима бўлса ҳам, ўзимга бўлади-ку”, дея учинчи шартни танлабди. Шундан сўнг фитначилар йигитни бир меш шароб билан ёлғиз қолдириб кетишибди. Йигит бир сўзли бўлгани учун ҳалиги шаробни қолдирмай ичибди, маст бўлиб қолибди. Шундан сўнг, қолган иккита шартни ҳам ичкилик таъсирида бажариб кўйганини билмай ҳам қолибди...

Хўш, замонавий тиббиёт, илм-фан ичкиликбозликка берилишнинг сабаблари ва у келтириб чиқарадиган ноҳуш оқибатларни қандай изоҳлаб, тушунтиради? Киши чинакамига ичкиликбозга айлангани ва бундай кимсалар ҳақикатан ҳам шунчаки кайф ёки кўнгилхушлик қилишни истовчи одамлар эмас, балки ҳақиқий беморларга айланганини қайси ҳолатлардан билса бўлади?

Аввало, шуни эслатиб ўтиш керакки, ароқнинг одам организмига қандай таъсир қилишини яхши билмаган кишилар кўпинча ўзларини касал санамайдилар “спирт организмни иситади, иштаҳани очади ва ҳар хил юқумли касалликлардан саклайди, коњъяқ эса атеросклерознинг олдини одади”, деган соҳта тушунчага ишонадилар. Аслида эса спиртли ичимликлар инсон аъзолари фаолиятини кейинчалик тиклаб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборади, яъни аъзолар функциясига жиддий салбий таъсир этади. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, алкоголизм биринчи навбатда асаб тўқималарини ишдан чиқаради, руҳий касалликни келтириб чиқаради. Чунки алькогол кон орқали юриб, ёнади. Ёниш натижасида кислород ва сувни ўзига тортиб олади. Натижада ҳужайралар бужмайиб, нерв тўқималарининг ҳалокатига олиб келади. Нерв ҳужайралари кислородга чидамсизлиги жиҳатидан бошка ҳужайралар орасида биринчи ўринда туради. Ичкилик туфайли нерв тўқимаси жуда кўп азоб тортади, уни истеъмол килган пайтда нерв тизими китиқланади ва одамнинг маст ҳолатдаги хулқи юзага чиқади. У ўйламай-нетмай гапиради, ўз кучига ортиқча баҳо беради, жуда эзма бўлиб қолади, ғазабнок ва тажовузкор қиёфага киради. Аслида табиатан торгинчоқ ва камтарин одам жоҳил, гийбатчи кимсага айланади.

Ароқ жигарда ҳам оғир асоратлар қолдиради. Маълумки, жигар организмда ўт ҳосил қилиш, қон ҳосил қилиш, токсин-заҳар

моддаларни чиқариб юбориш ва қон ивиш функциясини бажаради. Алкоголизм ана шу мұхим альзο - жигар тұқымаларини семиртиради, яғни әғ тұқимаси билан қопланишга имкон яратади. Юзага келгән әғ тұқимаси кейинчалик чандық билан алмашинаға, жигарнинг ҳажми кичиклашиб, бужмайиб қолади. Жигар қон томири ишламағач, уларға борувиңиң кон-томир йўли бекилиб қолади. Натижада коринда, қизилўнгачда қон томири шишиб чиқади. Бу эса бавосил касаллигини ҳам келтириб чиқаради.

Ичкиликбозлик айни пайтда гипертония касаллигининг ҳам юзага келишига сабаб бўлади. Атеросклероз ва гипертония билан оғриб юрган киши ароқхўрликни давом эттираверса, юрак фаолиятини таъминловчи томирлар торайиб, қон ўтказмай қўяди. Бу эса ҳаёт учун хавфли миокард инфарктни хасталигининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Хўш, ичкиликка берилганларни ўз вактида ва самарали даволаш мумкинми? Бу савонни бежиз қўяётганимиз йўқ. Чунки сурункали ичкиликка берилиш ҳам касаллик саналади. Бу касаллик ўз вактида аниқланиб даволанмаса, нафакат оила учун, балки жамият учун хавфли тус олади, кўп кўнгилхираликларни келтириб чиқаради. Мутахассисларнинг фикрича, мунтазам равишда ичкилик истеъмол киладиган кишиларни шифохона шароитларида тўлиқ даволаш мумкин. Лекин ёдда тутмоқ керакки, бундай беморларни иккинчи бор ичкиликни оғзига қайта олмайдиган даражада тузалиб кетди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Демокчимизки, ашаддий ичкиликбозни батамом даволаш мутлақо мушкул иш. Шунинг учун ҳам бу дардга чалингандарни шифокорлар ҳамиша огоҳлантиришади: “Агар яна ича бошласангиз, ўткир жигар циррозига, буйракнинг бошқа хасталикларига чалинишингиз осон бўлади, ҳатто, ўлим топишингиз ҳам ҳеч гап эмас!”.

Бу огоҳлантириш нега ва нима мақсадда айтилади? Бундай дейилишига сабаб шуки, шифокорлар шу йўл билан даволашнинг иккинчи босқичига ўтадилар ва беморни олдинда кутаётган ноҳушликлардан хабар этган ҳолда, ундаги иродада кучини ўйготишга интиладилар. Чунки бемор шифохона шароитида даволанаётганда турли препаратларни қабул килади. Улар эса, агар яна ичкиликбозлик бошланиб кетса, акс таъсир этади ҳамда юқорида келтирилган касалликларни осонгина келтириб чиқаради. Демак, ичкиликбозликдан батамом холос бўлиб, соғлом турмуш тарзига қайтмоқни истаганлар, энг аввало, ўз иродаси кучига

таянмоги лозим бўлади. Демак, энг мақбул йўл - имкон қадар бу иллатта йўлиқмасликдир.

Биз, аввало, машхур табиб Абу Али ибн Сино ўгитларига, сўнгра замонавий тиббиёт кўлга киритаётган ютуқларга асосланиб юқоридаги фикрларимизни баён этдик. Чунки аллома Йибн Сино номи етти иқлимга маълум ва машхур табиб эди ва ҳамон шундай бўлиб турибди. У ўз даври шарт-шароитларидан келиб чикиб, юзлаб касалликларни аниклади, хусусан, майхўрлик нима ва у қандай оқибатларга олиб келишини ҳам бундан неча асрлар муқаддам чукур ўрганиб, бу борада ўз тавсияларини сизу бизга мерос қолдириб кетди. Замонавий тиббиёт эса бу билимларни, тушунчаларни янги техник тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар ҳамда турли аппаратлар ёрдамида янада мукаммаллаштириб, такомиллаштириди. Шундай бўлса-да, буюк Ибн Сино яратган тиб илми мактабининг инсон саломатлигини жиддий хавф остига солиб қўядиган ичкиликбозлик иллатига бағишлиланган қисмига оид фикрлари ҳамон яшамоқда, бу иллатта чалингнанларни даволашда шифокорларга кўл келмокда. Демак, Ибн Сино ҳазратлари таълимоти бугунги илғор технологиялар асрида ҳам одамларга наф келтирмоқда. Энг муҳими, у кайси касаллик тўғрисида неки битган бўлса, бугунги имкониятлар, техник ускуналар, турли аппаратлар, жиҳозлар ёрдамида яна бир карра аникланиб, ўз тасдигини топмокда.

Хусусан, бир пайтлар ичкиликбозлик ва унинг салбий оқибатлари ҳакида ибн Сино билдирган фикрлар ҳаётда ўз тасдигини аллакачон топиб бўлган. Ибн Синонинг ичкилик ва унинг зарарли оқибатлари тўғрисидаги мулоҳазалари акс этган ушбу битикларимизни улуг аллома қаламига мансуб мана бу рубойилар билан яқунласақ, айни муддао бўлар:

Май мастга ёву хушёр учун ёр бўлади,
Оз бўлса шифо, кўпи захри мор бўлади.
Кўп бўлса, унинг зарари бор озгинаю,
Оз бўлса, унинг манфаати бор бўлади.

Кўк тоқигача ер қаъридан асли азал,
Ҳар қанча тутун бўлса, акл айлади ҳал.
Ҳар макру фириб бандини ечсамда тугал,
Қўнглимда тутун бўлиб факат қолди ажал.

ОВҚАТЛАНИШ МЕЙЁРИ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Тұғри овқатланиш саломатликни
сақлашда энг муҳим воситалардан бири.
Ибн Сино

Инсон бу дунёда түкин-сочинликда кечувчи фаровоң ҳаётни, яни баҳтли умрни орзулаб яшайды. Бундок үйлаб күрилса, азалдан шундай бўлиб келган. Лекин ана шу орзунинг тўкис амалга ошувида бошқа одоб-мөйёrlар ҳамда мезонлар билан бир қаторда яна бир ўлчов борки, уни бузган ёки амал қилмаган киши, ўз соғлигига ўзи зарар етказганини билмай қолади. Бу - тұғри овқатланиш мөйёридир. Шунинг учун ҳам улуғ аллома Ибн Сино ўзининг “Тиббий маснавий” асарида бу ҳақда шундай ёзади:

Бир овқатинг ҳазм бўлмай, яна овқат демагил,
Эҳтиёт бўл, касал бўлиб сўнг пушаймон емагил.

Ҳакиқатан ҳам, кимки ўз соғлигини сақламоқчи бўлса, аввало, овқатланиш тартибига, истеъмол қилинаётган овқатнинг сифатига, микдорига, овқатланиш вакти ва унинг ҳазм бўлиш жараёнига асосий эътиборни қаратмоғи лозим. Ҳазрат Ибн Сино ўз асарларида овқатланишда табиятда ўсадиган наботот оламидаги табиий доривор ўсимликлар - сабзавот ва хўл мевалар, оқсилга бой маҳсулотлардан кунлик микдор кўпроқ бўлишини, айниқса, ҳомиладор аёллар саломатлиги учун бундай йўл ўта нафли эканлигини уқтиради. Шунинг учун ҳам Ибн Сино тавсиялари бугунги кун тиббиётида ҳам қадрли ва керакли, аҳамиятлидир. Чунки буюк ибн Сино, хусусан, қайси маҳсулотни қай мавсумда истеъмол қилиш фойдали эканлигига ҳам алоҳида аҳамият қаратган. Масалан, “Тиб конунлари” китобида аллома шундай ёзади: “Сабзавотларнинг аччиғини қишида, ширинини эса ёзда истеъмол қилиш фойдаидир, Тұғри овқатланиш саломатликни сақлашда энг муҳим воситалардан биридир”. Шунингдек, улуғ табиб истеъмол ва ҳазм учун энг яхши гўшт, бу - кўй гўшти эканлигини таъкидлайди. Чунки у иссиқ ва юмшоқдир. Улоқ, бузоқ ва бошқа ёпи ҳайвонларнинг гўшти ҳам ҳазми енгил таомлар туркумига киришини эслатиб ўтади.

Шу ўринда Абу Али ибн Сино ҳазратлари ортиқча оққат ёки оққатланиш тартиби ва маданиятини бузғанлик оқибатида келиб чиқадиган беморни даволашда, умуман, соғлиқни сақлаб туришда турли доривор ўсимликлар ва гиёхлардан кенг фойдаланғанлыгини, бу борада төгишли тавсиялар ишлаб чиққанлыгини эслатиб ўтмок лозим. Мұхими, аллома табиб бу борада мураккаб ёки жуда қийин кечадиган муолажа турларини танламайды. Аксинча, табиб сифатида халқ орасыда машхур ва таникли бўлган доривор ўсимликлардан ташқари, биз одатда аҳамият беравермайдиган, бошқача қилиб айтганда, назар-писанд қилмайдиган оддий ўсимликлардан ҳам оқилона фойдалана билган ва уларнинг доривор ҳамда шифобахш хусусиятларини ўз вактида атрофлича ўрганиб чиққан. Бу фикримизнинг исботи сифатида оддийгина коврак ва жийдани мисол келтиришимиз мумкин.

Аввало, келинг, коврак ҳақида бугунги кун фанига маълум бўлган жиҳатларни айтиб ўтайлик. Ковракдан елим, қатрон, елимсизон моддалар ва эфир мойлари ажратиб олинади. Шу боис у замонавий медицинада кўпгина моддалар: асафетада, сагапен, галбана, сумбул, аммониум, номи билан фармокологияда кенг кўлланилади. Ассофкада қатрони эфири саримсоқ ҳидига эга бўлган органик сульфидлар, оксикумарин ва бошқа моддалардан иборат. Бу қатрон қуритилиб куқун ҳолига келтирилади ва шарқ пазандачилигига зиравор сифатида фойдаланилади. Ковракнинг эрта баҳорда новда ва куртакларини йигиб “рабо”, “харрон” деб истеъмол қилинади. Коврак елимини маҳаллий халқ “чайир” деб ҳам атайди ва уни доривор сифатида ишлатадилар. Коврак илдизларидан олинган елим асаб касалликларида, гижжа, ўт ҳайдашда, нафас қисиши, қандли диабет, гепатит, сил касалликларини даволашда кўлланилади. Абу Али ибн Сино ҳам коврак елимидан иштаҳа очувчи, сийдик ва сафро ҳайдовчи, бўғим оғриқлирини даволовчи восита сифатида фойдаланганди.

Абу Али ибн Сино ҳазратлари эътиборини тортган мевали дараҳтлардан яна бири жийдадир. Жийда бошқа мева берувчи дараҳтлардан тамомила фарқ килади десак, муболага бўлмас. Қизғиш-кулранг танаси, кумуш-оқ рангли тиканли новдалари ва барглари унга кўрк бағишилаб туради. Миттигина сарик гуллари эса шода-шода бўлиб очилади ва ҳиди одамии маст қилар даражада ифорли бўлади. Дарҳакиқат, “Шарқ жийдаси” номини олган бу мева асосан биз яшайдиган минтақа – Марказий Осиёда кенг

таркалган. Жийда дарахти аксар ҳолларда дарё, сой, күл қирғоклари, шунингдек, түқайзор ва чакалокзорлар, водий ўрмонлари, ҳатто, чўлу биёбонларда ўсади ва ҳосил беради.

Жийда меваси таркибида 50-55 фоиз қанд, 20 фоиз фруктоза, 11 фоиз оқсили, клетчатка, ёғ, ошловчи моддалар, органик кислоталар мавжуд. У калий ва фосфор тузлари ҳамда турли хил витаминаларга жуда бой. Жийда мевасини хўллигича қуритиб қўйилиб, сўнгра ун ҳолига келтирилиб нон, шўрва ва бошқа таомларга қўшиб истеъмол килинса, янада фойдали бўлади.

Халқ табобатида жийда меваси ёки унидан тайёрланган дамлама болаларда учрайдиган ич кетишига қарши энг яхши даво ҳисобланади. Ибн Сино ҳазраталри жийдадан дамлама тайёрлаб нафас йўллари яллиғланишини даволашда, қайнатмасини эса ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашда тавсия этганлар. Жийдадан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим литр сув қуйиб, мевадан 50 грамм солинади ва бир оз қайнатиб, 1 соатга олиб қўйилади. Сўнгра докадан сузуб олиб, кунига 2-4 маҳал, овқатланишдан кейин икки ошқошиқдан ичилади. Аллома табибининг яна бир тавсиясига кўра, жийданинг ҳоми истеъмол килинса, ич кетиши тўхтайди. Сафронинг кўпайиши натижасида ҳосил бўлган ичак деворларидағи яллиғланишлари баргароф этилади, шу билан бирга сийдик кўп келишининг олдини олади.

Жийда меваси каби унинг гуллари ҳам шифобахш ҳусусиятлардан холи эмас. Жумладан, гулларини ҳидлаш кишига ҳузур бағишлайди, юрак ва мияга қувват бўлади. Жийда гуллари истеъмол килинса, нафас олиш енгиллашади, тикилмаларни очиб, сариқ касаллигини бартараф этади. Хуллас, оддийгина жийда ҳам Ибн Сино ҳазратлари таърифлаганлариdek, жуда кўп касалликларни даволашда беназир неъмат ҳисобланади.

Ваҳоланки, ўсимликларнинг доривор ва шифобахш ҳусусиятлари борасида сўз юрита бошлаган эканмиз, асосий мавзудан бир оз четлашсак-да, яна бир -икки мисол келтириб ўтайлик. Дарвоҷе, эътиборингизга ҳавола этиладиган мисоллар ҳам, аслида, тўғри овқатланиш тартиби бузилганда юзага келадиган айrim касалликларни бартараф этиш билан боғлиқ эканлигини юкорида таъкидлаб ўтган эдик. Шу маънода яна мисоллар келтиришда давом этамиз.

Ўзингизга яхши маълумки. инсонлар қадим замонлардан буён турли касалликларни даволашда минг битта доривор ўсимликлар ва

гиёхлардан унумли фойдаланиб келишган. Шулардан бири маккаи сано ҳисобланади. Абу Али ибн Сино ҳам бу ўсимликнинг доривор хусусиятга эга эканлитини жуда яхши билган. Ўз асарлари орқали бу ўсимлик ҳакида кимматли маълумотлар бериш баробарида ундан фойдаланиш йўлларини ҳам ўргатган. Гарчанд, умри давомида 200 дан ортикроқ шифобахш ўсимликларни ўрганган юон табиби Гиппократ, шунингдек Диоскарид ва Ар-Розий ҳам бу ўсимлик тўғрисида кўплаб кимматли маълумотлар ёзиб қолдиришган бўлишса-да, маккаи санонинг биологияси, аҳамияти ва кўпайтириш усуслари борасида узоқ йиллар илмий асосланган кузатиш ва текширишлар олиб борилмаган. Факат саноқли табибларгина ундан доривор ўсимлик сифатида фойдаланиш йўлларини билишган, холос.

Маккаи санони ўзлаштириш, кўпайтириш, бу пайтга қадар аникланган шифобахш хусусиятларидан ташқари яна қандай аҳамиятга эгалиги ўтган йигирманчи асрнинг бошларида гина тадқиқ этила бошлаган. Чунки бир пайтлар сано ёввойи ҳолда Африканинг чўл ва ярим чўлларida (Судан, Нарбия ва Қизил дениз бўйларида) ўсган. Кейинчалик уни кашф эта бошлашган ва у қаердан, қайси порт орқали бошқа юртларга чиқарилса, ўша ернинг номи билан аталган. Масалан, Африка, Миср ёки Искандария саноси деб юритилган. Араб табиблари санодан ични бўшатишда, ичдаги қуртларни туширишда, турли яраларни даволашда фойдалангандар. IX- асрга келиб, испан табиблари шамоллаш, томоқ касалликлари, ич оғриғи, шишган кўз касалликларини даволагандар.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида маккаи сано собик Иттифокнинг бир қатор республикаларида, хусусан, Украина, Озарбойжон, Грузия, Жанубий Қозоғистон ҳамда Ўзбекистонда ҳам ўстирила бошлаган. Бизнинг республикамизда маккаи сано дастлаб Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида экилган. Бу ўсимликни чинакамига илмий асосда ўрганиш эса ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бошланган. Шу тариқа ушбу ўсимлик таркибида сенозид, A, C, B витаминлари борлиги аникланниб, улар ана шу хусусиятларига кўра, турларга ажратилган. Шу тариқа сано - макканинг “силлиқ баргли”, “ғовак баргли”, “ўткир баргли” деб аталувчи турлари борлиги аникланган. Ўрни келганда эътироф этиб ўтиш керакки, санони маданийлаштириш масалаларини биринчи бўлиб машхур ҳинд олими ва табиби Биби Ҳанифа кўтариб чиқкан.

У бу ҳақда шундай ёзиг қолдирған: “Сано ўсимлиги шу билан характерланады, бу ўсимликнинг барги узунроқ ва қиска бўлиб ўсади, гуллари сарик рангда бўлиб, жуда чиройли бўлади. Бу ўсимликнинг уруғи қачонки пишиб етилса, шамол тебратганда ундан әжойиб (музика товушига ўхшаш) товуш эщтилади ва товуш санонинг уруғи пишиб етилганидан далолат беради”.

Абу Али ибн Сино ҳазратлари бу ўсимликнинг барги ва мевасидан тайёрланган дамламадан сурги дори сифатида фойдаланган. Чунки ўткир баргли сано ўсимлиги баргидаги 6,17 фоиз, меваси таркибида 2,70 фоиз антиглюкозоидлар (сенозид, А ва В, реин, алоэ, эмодан) бўлади. Ўткир баргли сано ўсимлиги таркибида изораментин, кемферолфлавонидлари ҳамда салицил кислота ва бошқа органик кислоталар, жуда оз микдорда алколоидлар бор.

Эътироф этиб ўтиш лозимки, доривор ўсимликлар ҳақидаги ҳозирги давргача етиб келган қадимий маълумотлар асосан юонон адабиётларида сақланиб қолган. Машхур юонон табиби Гиппократ ўзининг “Корпус Хиппократикум” асарида тиб илмига, шу жумладан дори-дармонларга оид кўп маълумотлар қолдирған. Унинг бошқа асарларида ҳам доривор ўсимликларнинг 236 таси тасвирланиб, уларнинг хусусиятлари баён қилинган.

Ватандошимиз Ибн Сино ҳам худди шундай йўл тутиб, юртимизда ўсадиган юзлаб ўсимликларнинг шифобаҳш хусусиятларини ўрганиб чиқкан ва улардан муолажа сифатида қўллаш борасида қимматли тавсиялар ёзиг қолдирған. Оламга машхур табибининг бу борада, яъни тиббиётда ўсимликлар ҳамда доривор гиёҳлардан ўринли фойдаланишга бағишлиланган кўплаб асарлари, тавсия ҳамда таҳлиллари мавжуд. Умуман олганда эса, Абу Али ибн Сино табиб сифатида умри давомида 450 дан ортиқ қимматли асарлар яратган. Афсуски, даврлар ўтиши билан уларнинг кўпига йўқолиб кетган. Ибн Синонинг бизгача етиб келган асарларидан 40 таси бевосита тиббиётга оидdir ва уларда турли хасталикларни даволашда айнан доривор гиёҳлар ҳамда шифобаҳш ўсимликлардан фойдаланиш тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, замонавий олимларнинг тадқиқотларига кўра, тиббиётда қўлланилаётган дори-дармонларнинг деярли 40 фоизини доривор ўсимликлар ташкил этади. Демак, Абу Али ибн Сино бундан неча асрлар аввал

ўсимликларнинг шифобаҳш хусусиятларини яхши билган ва табобатда улардан ўринли ҳамда унумли фойдаланган. Масалан:

-Нафас қисилишида зирани туйиб, сув билан аралаштириб, сирка кўшиб 10 кун мобайнида 3 маҳалдан ичилса, яхши фойда беради;

-Ҳар кишининг иссиғи чиқса, кашнични шакар билан пишириб еса даф бўлади;

-Бола тушида кўркса, 4,25 мисқол гулхайрини шунча микдордаги турп уруги билан кўшиб пишириб еса, кўрқмайди;

-Кишининг юзи шишса, турпни қайнатиб, суви билан 3 кун 3 маҳал ичилса, тузалади;

-Аччиқ ўрик қайнатмаси кўк йўтал ва нафас йўлларини ялиғланишида 10 кун давомида 3 маҳал 2 қошиқдан ичилса, тузалади;

-Ҳар бир киши тумов бўлса, заъфаронни дуд қилиб ҳидласа, дард даф бўлади.

дейди, улуг аллома табиб

Алоҳида эътибор билан айтиб ўтмоқ лозимки, Ибн Сино турли сабзавотлар, ўсимликлар, гўшт ва бошқа маҳсулотларнинг фойдалилик хусусиятларини, организмга берадиган кувватини инобатта олган ҳолда алоҳида таомномалар тузишга ҳам эътибор қаратган. Масалан, у кексалар таомномасига нон, сабзовотлар (лавлаги, пиёз, саримсоқпиёз), зайдун мойи, эчки сутини киритишни тавсия этган. Нонни энг яхши озукавий модда, асални эса томирлардаги тиқилмаларни очувчи малҳам деб билган. Ўсмирларда овқат талаби ва ҳазми кучли бўлса, кексаларда акси бўлишини айтиб, овқат туфайли ўта семириб ёки ориклаб кетиш ҳолатини – ташки кўриниш офати, деб ҳисоблаган.

Замонавий тибиёт ходимлари ҳам Ибн Синога ҳамоҳанг равишда кексаларнинг овқати ични котирмайдиган, таъбига хуш келадиган мевалар, сут, қатиқ маҳсулотлари, ўрикдан иборат бўлишини, айни пайтда, суюқликни кўпроқ истеъмол қилиши

лозимлигини уқтиради. Тиббиётнинг герантология бўлими, асосан кексаларни соғломлаштириш масалалари билан шуғулланади. Бу соҳа шифокорлари кексалар соғлигини саклашда асосий йўналишлардан бири дея, рационал овқатланишни зътироф этишади. Бошқача қилиб айтганда, рационал овқатланиш дегани, овқатланишга ҳар бир инсон индивидуал ёндошуви керак демақдир.

Комусий олим Абу Али ибн Сино “Бир одамга фойдаси бўлган нарса бошқа бир одам учун заарли бўлиши мумкин” лигини ўз асарлари орқали бизгача етказган. Алломанинг фикрича, “вужуд учун энг заарли ҳолат - меъдадаги овқат ҳазм бўлмасдан яна овқатланиш” дир. Бундай кишиларни улуғ аллома “корни ўзи учун душман кимсалар”, дея таърифлайди, Шунинг учун ҳам “овқатни иштаҳа билан емоқни ва иштаҳани қайтармасликни, ўта тўйиб кетмасдан овқатланишдан тўхташ”ни тавсия этади. Бу масалада у “Уржуз” асарида шундай дейди; “Агар овқат чексиз лазиз бўлса ҳам кўп емагил, келтиради дарду ғам”. Иштаҳанинг очилиши тўғрисида ҳам аллома табиб жуда ўринли тавсиялар беради:

Овқат емак вақт –жисмоний ҳаракатдан сўнги дам,
Корин бўшаб, очган ҳамон қўзғалур иштаҳа ҳам.

Овқатни кўп ейиш борасида ибн Сино ҳазратлари буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийга ҳамоҳанг тарзда шундай дейдилар: “Корин билан дўст тутинмаслик учун инсонда қаноатли еб ўрганилган овқат, бир мунча заарли бўлса ҳам, одат қилинмаган яхши овқатдан очлик мувофиқроқдир”. Ҳозирги замон тиббиёти ҳам меъёрида ейilmаган овқатнинг заарли томонларини аллақачон аниклаган. Тиббий хулосаларга кўра, тўқ одамнинг танасидаги кучи овқатни ҳазм килиш учун сарф бўлиб кетади, натижада жисмоний, ақлий фаолияти сусаяди, бундай кишиларда бепарволик, лоқайдлик, бефарқлик каби ҳолатлар, яъни Навоий таъбири билан айтганда, “кўнгил қаттиқлиги” юзага келади. Шунинг учун ҳам Навоий ҳазратлари:

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон,

деб ёзади.

Шу билан бирга оч юрмасликни ҳам таъкидлаб “Кимки саломатлик истаса, у мұтадил овқат истеъмол қилиши керак”, дейди. Ҳазрат Навоийнинг ўзлари ҳам тиб илмидан яхшигина бохабар бұлсалар-да, бу борада табобат султони шайх Абу Али ибн Синоң ақл-идрок ва тафаккур рамзи, дея юксак баҳолайди. Шу тариқа улуғ Навоий илм аҳлини қадрлаб юксакка күтаради, уларга Нұх пайғамбардек умр тилайди. “Агар ҳикматта бўлса илтифотинг, ки бўлсин Нұх умридек ҳаётинг”, дея илм йўлини тутганларни эъзозлади.

Тўғри овқатланишнинг саломатликни сақлаш борасидаги хизматлари хусусида нафакат Ибн Сино ва бошқа алломалар, балки Гиппократдек донишмандлар ҳам ибратли фикрлар айтиб кетишган. Масалан, Гиппократ “Истеъмол қилаётган таомингиз дори вазифасини ўтасин, дорингиз таомдан иборат бўлсин”, деган эди. Ўрни келганда таъкидлаб ўтмоқ лозимки, иштаҳа тўғрисида хulosа чиқарганда унинг кучайиши, пасайиши, йўқолиши албатта инобатга олиниши керак. Иштаҳа бузилиб, шириналик таъми ёқмай колса, бу – касаллик белгисидир. Шунинг учун ҳам Ибн Сино “Соғлиқ деганда инсон организмининг ўз вазифасини тўлиқ бажариш қобилиятига эга бўлиши”, деган хulosага келади.

Абу Али ибн Сино, аслида, тўғри овқатланиш масаласига тиббий нұқтаи назардан ўта жиддий муносабатда бўлган дейишга асос бор. Чунки унинг катор асарларида айнан овқатланишни тўғри ташкил этиш, организмга тушаётган озуқанинг кувватлилик дараражасидан тортиб, қачон ва қай вактда, қанча миқдорда истеъмол қилинишигача эътиборга олинган. Буюк табиб ўз кузатишлари, тадқиқотлари, тахлилларига асосланиб овқатланишни тўғри ташкил этиш борасида жуда фойдали ва ўринли тавсиялар берган. Масалан, Ибн Сино овқатланиш масаласини фасллар нұқтаи назаридан қараб ҳам ҳал этишга уринган. Унинг бу борадаги қарашларини замонавий тиббиёт ҳам тан олади ва илмий жиҳатдан исботлайди. Айтайлик, бугунги кун тиббиёттида инсонларнинг иссиқ мавсум, яъни ёз пайтида ҳар бир киши амал қилиши лозимлиги тўғрисидаги тавсиялари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки бизнинг давримизда олиб борилган тадқиқотлар, кузатувлар ва тахлиллар Ибн Сино ҳазратлари ҳар жиҳатдан ҳақ эканликларини исбот этишга улгурди. Хўш, аллома табиб бу борада нималарни бизга васият килиб кетгану, замонавий тиббиёт бу меросни қандай шарҳлайди?

Аввало, юқорида таъкидлаганимиздек, Ибн Сино ҳазратлари тұғри овқатланиш күпгина касалликларнинг олдини олишини бот-бот такрорлаган эдилар. Айниқса фаслга, инсоннинг мизожига, организмнинг қувватыга караб истемол маҳсулотлари танлашга катта ахамият берган эдилар. Табиийки, ул зот фаслга караб вужудимизда рўй берадиган ўзгаришларни ҳам инобатга олганлар. Масалан, аллома табиб ҳаво исиб кетгандай пайтларда қон томирлари кенгайиб кетишини, тана ҳарорати ошиб кетишини яхши билганлар. Замонавий тиббиёт ҳам тан оладики, агар тери ҳарорати ошиб кетаверса, организм иссиқлик тарқатишни тұхтатади. Чунки ташқи ҳаво ҳарорати тана юзасидаги ҳароратдан юқори бўлади. Бундай ҳолатда тери безлари ишга тушади. Шунда одам терлайди. Бу эса танадаги ортиқча ҳароратни чиқариб ташлашнинг ягона йўли ҳисобланади. Лекин ўзингиз ҳам яхши биласизки, ҳалқ орасида “иссиқ урибди” деган тушунча ҳам бор. Бу ҳолатни юқорида эслатганимиз тана ва ташқи ҳаво ҳарорати ўртасидаги мутаносиблик бузилган пайтда содир бўладиган терлаш ҳолати билан адаштирмаслик керак.

Чунки “иссиқ урибди” ҳолатида миянинг иссиқликни идора килиш маркази ишламай қолиши кузатилади. Бунинг оқибатида организм ортиқча иссиқликни ўзидан чиқара олмайди, натижада одам хушидан кетади. Ҳалқ тили билан айттанды, “иссиқ урибди” деган иборанинг маъноси шу. Янаям ойдинроқ қилиб айтадиган бўлсан, иссиқ ҳаво организмнинг ички қисмига тўпланиб, бутун аъзолар фаолиятини бузиб кўяди.

Баъзан, “иссиқ урди”дан ташқари “офтобда куйибди” деган иборага ҳам дуч келиш мумкин. Бундай ҳолларда Ибн Сино ҳазратлари ўша “куйган” жойга ўрик, бодринг эзиб қўйишни ёки қатиқ суртишни тавсия этгандар. Хуллас, иссиқ фаслда овқатланишга ҳар қачонгидан ҳам эътиборли бўлиш лозим. Аллома табибининг тавсиясига кўра, ковурилган таомлардан имкони борича тийилмоқ лозим. Кўп овқат емаслик ҳар жиҳатдан фойдалери оқидир. Худди шунингдек ёғли, шўр таомлар ҳам тавсия этилмайди. Ибн Сино тавсиясига кўра ўрик шарбати, сабзи, олма шарбатидан кўпроқ истемол қилган маъқул. Ибн Сино ҳазратлари яна шуни ҳам тавсия этадиларки, мева ва сабзовотларни пўсти билан ейиш жуда фойдали, уларни яхшилаб ювиб, арчимасдан ейиш керак. Табиб сифатида Ибн Сино, ҳатто, сабзовотлар қайнатилган сувни тўкиб ташламасликни, имкон қадар истемол

қилишни ҳам тавсия этадилар. Чунки бундай қайнатма сувларда сабзавотлардан ажралиб чиқсан ва организм учун жуда фойдалы бўлган минерал тузлар мавжуд бўлади.

Иссик мавсумда Ибн Сино тавсиясига кўра, ёғсиз сузма, қатик, айрон (чалоб) ҳам жуда фойдалидир. Бундан ташқари тоғ райҳони, мойчечак, кийик ўти, қирқбўғин, чаёнтўк каби ўсимликлардан тайёрланган дамламалар истеъмол қилиш ҳам максадга мувофиқдир.

Абу Али ибн Синонинг тўғри овқатланиш билан боғлиқ фикрлари ва тавсиялари билан яқиндан танишар экансиз, аллома энг арзимас нарсадек туолувчи ҳолатларга ҳам жиддийдик ва синчковлик билан қараганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу фикримизни Ибн Синонинг мана бу тавсиялари исботлаб турибди:

-Билгинки, наҳорга, бадан тарбиядан кейин, ҳаммомга тушгандан кейин, айниқса, оч қоринга, шунингдек кечаси маст ва хумор кишиларда бўладиган ёлғондакам ташнилиқда ҳамда ошқозон овқатнинг ҳазми билан овора бўлиб турган вактда сув ичиш заарлидир.

-Кексалар таом қабул қиласланларидан сўнг ичларини юмшатиб, гавдаларига ёқадиган мевалар – ёзда анжир ва олхўри, қиши вакти бўлса – асал суви билан кайнатилган анжир қокисини истеъмол килганлари маъкул.

Хуллас, Абу Али ибн Сино ҳазратлари тўғри ва танлаб овқатланишни саломатликни асрарининг муҳим омилларидан бири деб билганлар. Бу борада бугунги қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган ажойиб тавсияларни битиб кетганлар. Бу тавсиялар қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини эса, ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

ИБН СИНО ВА СТОМАТОЛОГИЯ

Соғлиқни саклаш иши, бу – санъат.
Ибн Сино

Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилотининг мальумотига кўра, инсон саломатлигининг эллик беш фоизи у кечираётган турмуш тарзига, ўн саккиз фоизи турли ирсий касалликларга, ўн етти фоизи экологик омилларга, ўн фоизи эса тиббий хизмат сифатига боғлиқ бўларкан. Шу ҳакда ўйлаганингиз сайин, барибир, кўнглингиздан “ҳар бир инсон ўз турмуш тарзи орқали саломатлигини тиклайди

ёки йўқотадими?”, деган фикр ўтаверади. Дарҳақиқат, соғлом турмуш тарзи орқали саломатликни мустаҳкамлаш борасида дунё олимларининг кўп йиллик илмий тадқиқотлари ва тўплаган тажрибалари асосида “Соғлом турмуш тарзи” дастури ҳам ишлаб чиқилган. Бу дастурнинг мазмун-моҳияти шундаки, у ҳар биримизни ҳеч қандай бойлик билан тенглаштириб бўлмайдиган саломатликни, узоқ умр кўришни таъминлайдиган қоида ва талаблардан иборат.

Демак, энг аввало, ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан етук, юксак маданиятли бўлиши зарур. Чунки “Соғлом турмуш тарзи” дастури қоида ва талабларига амал қилиш учун одамда онгу тафаккур, мустаҳкам ирода бўлиши керак. Шунингдек, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, руҳий саломатликни асраш, атроф-муҳит тозалиги ҳакида қайгуриш, экологик ва тиббий маданиятли бўлиш ҳам мустаҳкам соғликка эга бўлишнинг ўзига хос омилларидандир. Зоро, кўпчилик ҳолатларда ана шу ҳаётй зарур қоидаларга, оддийгина талабларга амал қиласлик натижасида турли касалликлар келиб чиқади. Айрим ҳолатларда биз бундай касалликларга нописанд қараймиз ва “ўтиб кетади”, қабилида иш тутамиз. Ана шундай, яъни биз беписанд қарайдиган, аслида эса организмга жуда жиддий заарар етказувчи, шахсий гигиена талабларини мунтазам равишда бузишмиз оқибатида келиб чиқадиган касалликлардан бири - тиш оғришидир. Замонавий тиббиёт тили билан айтганда, стоматологик ҳасталиклардир.

Бу ҳасталик тўғрисида Ибн Сино қандай фикрда бўлганлар, унга қандай нуктаи назардан қараганлар ва қандай даволаш усулларини тавсия этганлар, деган саволларга жавоб топишдан аввал стоматологик касалликлар ҳакида маълумот бериб ўтайлик. Агар стоматология сўзини ўзбекчага ўгирадиган бўлсақ, у “стома” – оғиз, “лоғос” – таълимот деган маънони англатади. Демак, стоматология – оғиз бўшлиғида пайдо бўладиган касалликлар ҳакидаги таълимот, тиббиётнинг шу касалликларни ўрганувчи ва даволовчи соҳасидир.

Стоматология тарихига назар ташлайдиган бўлсақ, тиш орқали озиқланадиган мавжудот пайдо бўлибдики, бу касаллик ҳам бор. Инсоният ҳам, ҳайвонот оламига мансуб жонзорлар ҳам, дастлаб оғиз бўшлиғи ҳасталикларини табиий ҳолда, яъни оддий инстинкт орқали даволашни билган, лекин маъносини, келиб чиқиш

сабаблари тұғрисида тушунчага эга бўлмаган. Бу борада шу соҳани чукур ўрганган Ю. Рациус деган табиатшунос ёзиг қолдирган маълумотлар фикримизга далил бўла олади. Олимнинг ёзишича, у гиббон, яъни одамсимон маймуннинг оғзида яра-чака (стоматит) пайдо бўлганлигини, гиббон бу иллатни даводаш учун ўрмондаги ҳали фанга маълум бўлмаган бир ўсимликни топиб, уни то хамирсимон моддага айлангунга қадар чайнаганини кузатган. Ва, кузатишлари сўнгтида, ўша маймун согайиб кетганлигини кўрган.

Давр ва замонлар ўта бошлагач, тараққиёт ҳам илгарилаб борган. Инсон эндиликда тиш касалликларини, умуман, оғиз бўшлиғида пайдо бўладиган турли хасталикларни даволашни ҳам ўргана борган. Кейинчалик эса ясама тишлар қўйишни ҳам билиб олган. Бу борадаги изланишлар ҳам жуда олис мозийга бориб тақалади. Масалан, қадимги Мисрда тиш касалликларини даволашда ҳозирда биз “тишни пломбалаш” деб атайдиган усулдан самарали фойдаланишган. Тишларни бир-бирига олтин симлар билан маҳкамлашни ҳам яхши ўрганиб олишган. Шуниси ҳам борки, ўша даврлардаги қонунларга кўра, тищда олтин бўлсагина кўмишга, бўлмаса майитни куйдиришга рухсат берилган.

Хуллас, тиббиётнинг бошқа соҳалари каби стоматология соҳаси ҳам даврлар оша такомиллашиб, ривожланиб, бу борада янги-янги даволаш, олдини олиш усуллари кашф этила борган. Ана узоқ давом этган жараёнлар натижасида сиз ва бизнинг бугунги кундаги тушунчамизга мос стоматология соҳаси шаклланган.

Сўз юритаётганимиз Ибн Сино ҳазратлари ҳам оғиз бўшлиғида пайдо бўладиган касалликлар, хусусан, тиш оғриғи ва уни даволаш, тишларни мустаҳкамлаш борасида талайгина тавсиялар ёзиг қолдирганлар. Куйида ана шу ҳакда айрим маълумотлар келтириб ўтамиз.

Яхши биласиз, тиш, аслида, инсоннинг гўдаклик пайтида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам, келинг, стоматология билан боғлиқ фикрларимизни ибн Сино ўйтларига таянган ҳолда болаларнинг “тиш ёриши”, яъни уларда тиш чиқа бошлагач, кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги тушунчалар билан бошлайлик. Болаларда тиш чиқиши пайтида, умуман, тишнинг тўғри чиқиши жараённида эҳтиёткорона муносбатда бўлиш жуда муҳим саналади. Агар бепарволик қилинса, кейинчалик бола турли оғиз бўшлиғи хасталикларига чалиниши мумкин. Хўш, бола “тиш ёраётган”да, яъни дастлабки тишлар пайдо бўлганда қандай тадбирлар кўллаш

мумкин? Бунинг йўли жуда оддий ва осон бўлиб, бу ҳакда Ибн Сино турли тавсиялар берган. Масалан, эндигина “тиш ёраётган” бола милкига мойчечак билан асал аралашмасини, шунингдек гулсапсар илдизи ёки хина ёғидан суртиб, бармоқ билан сийпалашни маслаҳат берган, Баъзи ҳолларда бола оғиз бўшлиғида оғир яра-чақа бўлиши кузатилади. Бундай пайтда Ибн Сино шотут шираси ёки ғўра узумнинг суви билан оғизни чайиш кифоя қиласди, дей уқтирган.

Ибн Сино ҳазратлари тишларнинг бутунлигини саклаш учун шўр ва ёпишқоқ нарсаларни тишлаб, тишларни жароҳатлашдан саклаш мумкинлиги хақида огоҳ этган. Ўта иссиқ ва совук нарсаларни истеъмол қилимасликка чакириб, тиш милкларини, тиш илдизларини пайдо бўладиган “тош”лардан тозалаш, рангини оқартириш, тиш ораларига кириб қолган гўшт ва овқат қолдикларидан тозалашда зътиборли бўлишга, гигиеник тозаликка риоя қилишга чакирган. Шу билан бирга тишлар қимирлашининг олдини олишда, милк касалликларини даволашда ўз даврида кўплаб ўсимликлардан малҳам тайёрлаб ишлатгани алломанинг асарларида атрофлича баён этилган.

Тиббиётда “оғиз бўшлиғи ошқозон-ичак тизими ойнаси”, деган ибора борки, овқат ҳазм қилувчи жараёнда иштирок этувчи органлар хасталанса, унинг клиник белгилари оғиз бўшлиғида ҳам намоён бўлади. Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида “Соғлом меъданинг белгиларидан бири тилнинг ўзига хос ранги бўлса, тиљдаги ўзгариш, оғиздан келаётган нохуш хид эса беморлигидан далолат”, дей тушунтиради. Шу маънода у киши “Уржуза” деб номланган тиббий достонида тишни эҳтиётлаш борасида мана бундай сатрларни битганлар:

Оғзингда ғар-ғара қил, мисвок ишлат субух-шом,
Шунда тиш ва танглайларинг тоза бўлур ва соғлом.

Тиббиётда аникланишича, оддий пиёз ва саримсок пиёз фитоцидларга бой бўлади. Шу сабабли Ибн Сино ҳазраталари оғиз бўшлиғи ва ҳазм аъзолари касалликларини даволашда ана шу неъматларни буюрганлар. Чунки бу неъматлар ичак микрофлорасини меъёrlайди. Ибн Сино томонидан кўлланилиб келинган ёнғок меваси пўстлогининг 10 фоизли ва 20 фоизли қайнатмаси стоматит, парадонтозда чайиш воситаси сифатида

бугунги кунда ҳам ишлатилмоқда. бу таркибдаги қайнатмани текшириб, ўрганганимизда у ялиғланишга, милкдан қон кетишида ва маълум гурухдаги микробларни йўқотишда яхши таъсир этиш қобилиятига эгалиги маълум бўлди.

Тиббиёт илмида эътироф этилишича, 1,00 грамм қулупнай организмнинг С витаминига бўлган бир кунлик эҳтиёжини бемалол қоплар экан. Шунингдек, унинг таркибида темир, фосфор ва ва кальций бор. Қулупнай иштаҳани очади, ҳазм ишини яхшилайди, терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга, танада туз алмашинувини тартибга солиб, чанқоқни қондиради. Тиббиётда қулупнайдан даво воситасида кенг фойдаланилади. Масалан, стоматит, ангина ва оғиздан нохуш ҳид келишида қулупнай дамламаси билан гарғара қилиш наф беради. Қулупнай ичак ва қонни тозалайди. Шунингдек, тишингизни оқартирмоқчи бўлсангиз, битта қулупнайни эзив, ярим чой қошиқ ичимлик содасини аралаштириш лозим бўлади. Ҳосил бўлган бўтқасимон аралашмани юмшоқ тиш чўткаси ёрдамида тишларга суртиш керак. Беш дақиқадан кейин тиш пастаси билан тишни тозалаш, тишлар орасига кириб колган қулупнай уруғларини тиш или ёрдамида олиб ташлаш лозим. Бу муолажа тишни оқартиришнинг самарали усули, лекин уни тез-тез такрорлаш максадга мувофиқ эмас.

Ҳазрат Ибн Синонинг Султон Маҳмудга атаб ёзган “Жудия рисоласи” номли рисоласи бор. Алломанинг бу асарида ҳам тиш ва уни даволаш йўллари ҳақида кимматли тавсиялар берилган. Ҳусусан, аллома бу ҳақда шундай ёзади:

-Агар ҳар кимнинг тиши чириётган бўлса, шафтоли баргини куритиб янчиш ва уни оғизда тутиб туриши керак, шунда чириш барҳам топади.

-Агар турпни қайнатилса ва асал билан кўшиб ейилса, балғамни йўқотади ҳамда оғиздан сув келишини тўхтатади.

Ҳакимлар рисолада баён қилинган тавсиялар ичидан ушбу маслаҳатларни ҳозирда ҳам мавжуд бўлган мева ва ўсимликлардан тайёрлашади. Аллома табиб асалнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтириш билан бирга, ёш бола учун ниҳоятда шифобахш хусусиятлари борлигини мана бундай таърифлайди:

Гоҳи-гоҳи бол ялагил, танглайига сурт асал,
Гӯдакка куч-кувват берар, уни енголмас касал.

Ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида тиш чикаётганда қаттиқ нарсаларни тишлатиш ва чайнатишни маън этиб, туз ва асал суркашни (ишқалашни) тавсия этади. Таъкидлаб ўтмоқ зарурки, Ибн Сино ҳазратлари ўз асарлари орқали берилаётган тавсиялар, тушунча ва маълумотлар барчага баравар фойдали бўлишини ҳам эътибордан четда қолдирмаганлар. Шу туфайли бўлса керак, ўзининг қаламига мансуб “Уржуза” асари ҳакида мана бундай фикрларни ёзиб қолдирганилар: “Уржуза”га камолот тўнини ва хусн сарупосини кийгаздим, уни ўрганиш учун осонроқ, машақати камроқ бўлсин деб, тўқилишини осон вазнини енгил қилдим”. Ҳакиқатан ҳам “Уржуза”да келтирилган ҳар мисра жуда равон ва тушунарлидир. Масалан:

Овқат ейиш вақти шошма, эринмагил чайнашдан,
Шунда ҳазми осон бўлур озор етмас чой-ошдан.

Ёки:

Ҳазм истасанг шошмай егил, е майдалаб,
Муддатини чўз, чайнаб егил кўп марталаб

каби сатрларни ўқиган ёки эшитган ҳар одам маъносини дарров ва осонгина тушуниб етади. Ибн Сино тиш илдизидан қон келишини тўхтатиш борасида мана бундай тавсия беради: “Агар хурмоғўрасининг янгиси билан оғиз чайқалса, тиш илдизидан қон келиши дарҳол тўхтайди”. Таомни шошмасдан. яхши чайнаб ейиш ҳам тишни авайлаш, соғлом тутиш йўлларидан бири эканлигини аллома мана бундай таърифлайди:

Чайнашга тиш ўтмас экан, уни ютма аввало,
У таоммас, соғлиқ учун, умринг учун бир бало.

Ваҳоланки, тиш ва у билан боғлиқ хасталиклар ҳамда уларниг муолажа усуслари тўғрисида сўз юритаётган эканмиз, “бу турдаги касалликларнинг келиб чиқишига замонавий тиббиёт мутахассислари қандай фикрдалар?”, деган саволга ҳам жавоб излаб кўрганимиз маъқул. Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки,

мутахассисларнинг фикрича, аҳолининг атиги 24-40 фоизигина оғиз бўшлиғи гигиенасига қатъий риоя килади, лекин 60-78 фоизи риоя килмайди, бу масалага безътибор муносабатда бўлади. Тиш тозалаш чўткаси пайдо бўлганига 200 йил бўлди. Лекин шундай бўлса-да, ҳали ундан тўғри фойдаланишни кўпчилик билмайди деса, бўлади. Ўрни келганда айтиб ўтмоқ лозимки, тиш чўткани ишлатишнинг, ундан фойдаланишнинг ҳам ўз қоидалари бор. Масалан, одатда, тиш юваётган киши тиш чўткани олдинга, орқага, паст ва юқорига айлантирган ҳолда 5-10 дақика давомида ишлатиши зарур. Юқорида тиш чўткаларининг пайдо бўлиши ва истеъмолга киритилиши тарихи икки юз йил атрофида, дея фикр билдирган эдик. Лекин шуни ҳам нутумаслик керакки, қадимги Мисрликлар ва бошқа халқлар вакиллари Meswak шохи ва илдизидан тишларини тозалашда самарали фойдалангандар.

Ҳазрати Абу Али ибн Сино оғиз ва тилнинг ҳолатини кузатган ҳолда касаллик турини аниқлашни қўйидагича таърифлайди:

-Агар тил дағал ва қизил бўлса, меъдада кон борлигидан далолат;

-Агар тил сариқ бўлса, сафровий касалликдан дарак;

-Агар тил қорамтири рангда бўлса, бунга сабаб сафродир;

-Агар тил оқимтири бўлса, ҳулликдир;

-Агар тил қуруқшоқ бўлса, бу меъданинг қуруқлигидан нишонадир.

Ҳа, тишни бежиз дурдонага қиёсламайдилар. Чунки соғлом тиш кишига нафақат кўрк бағишлиб туради, чайнаб ютаётган таомимиз ҳазмини осонлаштиради, балки саломатлигимизни сақлашда муҳим аҳамиятли аъзолардан саналади. Шундай экан, уни доимий равишда тоза тутмоғимиз, зарур ҳолларда мутахассислар тавсиялари асосида парваришилаб бормоғимиз лозим. Зоро, вужудингизга озор етказадиган кўпгина касалликларнинг манбаси оғиздаги оғриқ тишлардан бошланади...

ТОТУВЛИК - САЛОМАТЛИК ВА БОЙЛИК ГАРОВИ

Маънавият – инсонга она сути, ота камунаси,
аждодлар ўгити билан бирга сингади.

Ислом КАРИМОВ

Улуг аллома табиб Ибн Сино ҳазраталари бутун умри ва илмий -
ижодий фаолияти давомида нафақат тиббиёт, адабиёт, тилшунослик ҳамда санъатга муносабат билдирганлар, балки
ижтимоий ва оиласий турмуш, дўстлик ришталарини маҳкам тушиш
борасида ҳам қимматли тавсиялар бериб кетганлар. Олимнинг бу
борадаги асарларида билдирилган фикрларни жамлаб,
хуносалайдиган бўлсак, мана бундай ажойиб ҳикмат келиб чикади:
“Роҳатга олиб келадиган нарса яхшилик, азобга сари еткаладиган
нарса ёмонликдир”. Қомусий билимга эга олим сифатида жаҳонда
машхур Абу Али ибн Сино дўстлар билан биродарлашиб
иттифоқда яшаш, яхши муносабат билан чекланиб қолмасликка
даъват этади. Яъни, дўстлар даврасида хушхандонлик, бекорчилик
билан, айни пайтда бемақсад ва беҳуда вакт ўтказмай, дўстлар бир-
бири билан фойдали тажриба алмашишни ҳам билиши
лозимлигини бот-бот тақрорлайди, шунга даъват этади. Аллома
ўзининг “Тайр” (“Күшлар”) рисоласида бундай муносабатни
шундай таърифлайди: “Бир-бирингиздан билим ўрганиб, камол
топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглар”. Шунингдек,
буюк табиб ўзининг “Рисолат ут-тайр” (“Күш ҳакидаги рисола”),
“Саломон ва Абсол”, “Донишнома” (“Билимлар китоби”), “Ҳай
ибн Яқзон” (“Бедор ўғли Тирик) каби асарларида ҳам дўстона
муносабатларнинг моҳияти, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, эл
манфаатларини ҳимоя қилиш мавзуларини илгари суради.
Инсонлар ҳамиша тотувлика, меҳрли-оқибатлиликда яшashi
зарурлигини уқтиради. Ваҳоланки, Ибн Сино ҳазратларининг
дўстликка, оиласий ҳаётга, инсоний қадр-қимматга нисбатан
қарашлари тўғрисида сўз юритаётган эканмиз, унинг мана бу
фикрларини ҳам келтириб ўтиш ўринли бўлар. Чунки айнан шу
сўзларда Ибн Сино қандай фикрлар билан яшаганлиги, нималарни
орзу килганлиги, аҳиллик, инокликни жуда ёқтирганлиги ўз
ифодасини тўқис топган: “Қани эди бир жамият бўлсаки, унда
одамлар бўри сингари бир-бирларини емай, тинч осойишта

яшасалар, ғам-алам билмай, ҳуқук, эрк-озодликдан баҳраманд бўлсалар”.

Ибн Сино инсонни ҳурлиқда, эркин ва озод яшашда кўради. Ана шу каби эркинликдан маҳрум одам ҳеч қачон баҳтли бўла олмайди, деб ҳисоблайди. Бу борада унинг Хоразм шохи Маъмун саройида хизмат қилиб юрган кезларида ажойиб бир тажриба ўтказганлиги тўғрисида ибратли ривоят бор. Ўша ривоятда келтирилишича, ибн Сино иккита кўзичоқ танлайди. Улардан бирини бўрига якин кафасга қамаб қўяди, иккincinnи эса озод юради. Ибн Сино уларнинг ҳар иккисига бир хил емиш беради, бир хил парваришлай бошлайди. Лекин озодликда юрган кўзичоқ кундан-кунга ўзгариб, соғлом бўлиб, этига-эт кўшиб бораверади. Лекин кафасга қамалган кўзичоқ бундай қилмайди. Яъни, ҳеч нарса емайди, доимо бошини солинтириб, хафа бўлгандек мунғайбина ётади ва тез орада ўлиб қолади. Чунки у қафасда ўзини эркин сезмаган, тушкун кайфиятда, руҳий эзилишлар исканжасида колган. Бу нохуш ҳиссиётлар устига қўрқиши ҳисси ҳам қўшилиб, кўзичоқ организмини ҳолдан тойдирган ва у ҳалок бўлган. Шу тариқа Ибн Сино ҳазратлари ҳиссиётнинг издан чиқиши нохуш оқибатларга олиб келишини исботлаган.

Ана шу ва шунга бошқа тажрибалар орқали Ибн Сино ўзининг “Насиҳатлар” китобида, “табиб беморнинг руҳий ва асабий ҳолатини инобатга олиши зарур” лигини жуда ўринли уқтирган. Одамлардаги ортиқча ҳаяжонланиш юракда, қон томирларда, нафас аъзоларида ўзгаришлар келтириб чиқаришини асослаб, руҳий эзилиш, тушкунликка тушиш, қўрқиши каби ҳиссиётлар эса ҳалокатта олиб келишини амалда кўрсатиб берган. Ибн Сино инсон камолотга эришмоғи учун илм эгалламоғи, ўрганган дунёвий билимларини келажак авлодга қолдирмоғи, бу йўлда дуч келинадиган тўсиклардан ҳайикмаслигини таъкидлайди. Шу боис бўлса керак, аллома ўз асарларида “Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир”, деб ёzáди. Илм ва ахлоқ муштараклиги, инсонни донишмандлик томон етаклашини бот-бот таъкидлайди.

Ибн Сино ҳазратлари оилавий ва дўстона тотувлик тўғрисида “Гадбир ал-манозил” асарида ҳам қатор ибратли ҳикматларни битиб кетганлар. Масалан, оиласда эр-хотин бир-бирига вафоли, садоқатли, тенг бўлишини ёқлаганлар. Бундай фикрлар у

замонлардаги диний караашларга зид бўлганлиги учун қарама-каршиликларга учраган. Айни пайтда аллома табиб эр-хотиннинг бир-бирига вафодолигини ҳар жиҳатдан маъкуллаган: “Аёлларнинг диндори эмас, оқиласи эрининг ишончли ёрдамчиси бўла олади. Оиладаги аёл баҳти ва оқила бўлиши учун қўйидаги хис-хаяжонлар, яъни шодлик, истироҳат, танига роҳат бўлади. Ул ҳам агар ошиб кетса, кўп кабоҳат бўлади, йўлдан озғинларни ўлдирмоғи мумкин, баъзан қайғу-алам. Факат озмоқ лозим эрса, фойда кўрар ул одам”, дея Ибн Сино ўз асарларида оилада тотувлик, тинч-хотиржамлик бўлишини, қайғу-ғамдан йироқ яшаш саломатлик билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тъкидлайди.

Дарҳакиқат оила, баҳт иморати ўз-ўзидан мустаҳкам, баркарор бўлмайди. Бу иморатнинг умри боқийлиги учун эркак ҳам, аёл ҳам бирдек катъият кўрсатмоғи лозим. Ҳаётий тажрибаларга, кузатишлар ва таҳлилларга таяниб фикрлайдиган бўлсак, оила бутунилиги ва эр-хотин аҳиллиги кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун бўлса керак, донишмандлардан бири “Агар эркакка таълим берсанг, бир кишини тарбиялаган бўласан, агар аёлга таълим берсанг, бутун миллатни тарбиялаган бўлсан”, деб бежиз айтмаган.

Яшамоқ завки, тириклиқ баҳти бу ёруғ жаҳонда инсонга атиги бир марта берилади. Ана шу бир марталик тухфа, синов даврини покиза, чукур ўйлаган ҳолда ва покиза ўй-ҳаёл, соғ муҳаббат билан умрни безамоқ керак. Унутмаслик лозимки, ҳар қандай катта ва улуғ иш бирданига рўй бермайди. Энг муҳташам иморатлар ҳам сабр-токат билан бино бўлади. Оила иморати эса кутлуг орзулар, бебаҳо муҳаббат, табиийки, сабр-токат, меҳнат, бир-бировга ишонч билан барпо бўлади. Эр-хотин ўргасига оралаган совуқлик, ишончнинг йўқолиши, меҳрнинг дарз кетиши, охир-оқибатда оила кўргонига путтур етказади, оилани пораканда, фарзандларни эса етим қилиб қўяди.

Шу ўринда халқ орасида юрган бир ривоятни келтириб ўтсак, ўринли бўлар. Ровийларнинг нақл қилишларича:

-Кунларнинг бирида анчадан бўён бир-бири билан муроса килолмай юрган эр-хотин аллома табиб ҳузурига беш яшар фарзандини етаклаб келибди. Эр алоҳида, хотин алоҳида ўтириб, алломага ўз дардини айтибди, маслаҳат сўрабди. Шунда ибн Сино ҳазратлари уларга ҳеч бир ортиқча сўз демай, кўлларига гул кўчатини тутқазибди:

-Шу гул қаламчаларини боғингизга экинг. Агар у кўкариб гунчаласа, бир умр бирга бўласизлар. Агар ғунчаламаса, афсус, ажрашиб кетасизлар.

Доно табиб ҳузурига маслаҳат сўраб, ҳар бири ўз кўнглида ундан мадад кутиб келган эр хотин ҳеч нарсага англомай, ортига қайтиб кетибди. Шундай бўлса-да, ўща қаламчаларни боғининг бир четига экиб кўйишибди. Қунлар ўтаверибди. Лекин эр хотин ўртасидаги муносабатлар ўзгармапти, аксинча совиб бораверибди. Уларнинг ҳар иккаласи ўргадаги бола тақдирини ўйлабгина ажралиш борасида иккиланиб юраверишибди.

Кунларнинг бирида хотин уйқудан уйғониб қараса, эри жойида йўқмиш. Ҳовлига чиқиб қараса, эри гул кўчатига сув кўйиб турганмиш. Аёлнинг кўнгли зумда ёришибди: “Хайрият, эrim ҳалиям мени яхши кўрар экан, акс ҳолда гулларга сув кўйиб парваришламасди!”, дея қувонибди. Лекин қувончини сиртига чиқармапти, хўмрайиб юраверибди. Орадан яна қунлар шу зайлда ўтибди. Бир қуни тонг маҳали эр уйқудан уйғониб қараса, хотини йўқ. Эрнинг юраги “шувв” этибди: “Кетиб қолган бўлса-я?!”, дея ташвишланибди. Шоша-пиша дераза орқали ҳовлига назар ташласа, хотини гул кўчатига сув кўйиб турганмиш. Эрнинг кўнгли таскин топибди, лекин у ҳам ичидагини сиртига чиқаришга шошилманти.

Яна қунлар ўтибди. Эр ўз ётоғида, аёл ҳам ўз ётоғида уйқудан уйғонибди. Аёл қараса, ўғилчаси ўрнида йўқмиш. Кўркиб кетиб саросимага тушиб қолибди. Ташкарига отилибди. Унинг ҳаракатларини билиб турган эр ҳам ошигич ҳовлича чиқибди. Иккаласи бундой қарашса, фарзандлари кичкина чепакчада кўчатга сув куяётган эмиш. Болакай бир маҳал энгашиб, кўчатни ушлаган кўйи жилмая бошлабди. Эр хотин юргурганча келиб қарашса, аллақачон барг ёзиб бўлган гул кўчатининг шундоккина барглар орасида миттигина гунчани кўришибди. Болакай ўша гунчани уларга кўрсатиб қикирлаб кулганча қувона бошлабди. Эр хотин беихтиёр бир-бирига қараб жилмайибди. Сўнгра юргурганча келиб, болани иккаласи баравар кўтарганча биргалиқда бағрига босишибди. Бола ҳамон жилмаяр, эр хотин ҳам унга қўшилиб кулганча, бир-бирига меҳрли нигоҳ ташлай бошланибди...

Ушбу ривоятни келтиришдан яна бир мақсад шуки, иби Сино ҳазратлари танадаги дардларни турли малҳамлар воситасида даволашдан ташқари инсон руҳий оламини яхши тушунгандигини зътироф этмоқдир. Қолаверса, ул зот мустаҳкам соғлиқнинг, руҳий

хотиржамликнинг асоси оилавий ҳаётда, фарзанд камоли ва осойишталигида деб билганлар. Шунинг учун ҳам ўрни келганда оила мустаҳкамлигини таъминлашда, инсон саломатлигини асрардан юқоридаги ривоятда келтирилгани каби психологик усуллардан фойдаланиш, фоят ижобий самаралар беришини алоҳида таъкид этганлар.

Оила аҳиллиги тўғрисида алломалар ҳикматларига таянган холда сўз юритар эканмиз, қадимги юонон шоирларидан бирининг “Ёмон хотин сел-бўрондан ҳам, қашлоқликдан ҳам, жангу жадаллардан ҳам, хасталиклардан ҳам ёмонроқдир”, деган сўзларини эслаб кўйсан, фойдадан холи бўлмас. Чунки биз юқорида аёл оила баркарорлигини, аҳиллигини, тинч-тотувлигини бир маромда ушлаб турувчи асосий куч деган фикрни илгари сурган эдик. Шундай бўлса-да, яна эслатмоқ лозимки, беш кўл баравар бўлмаганидек оила бекаларининг ҳаммаси ҳам бир хил яхши фазилатлар соҳибаси эмас. Шунинг учун юонон шоирининг неча асрлардан буён яшаб келаётган фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Ўша шоир таъкидлаганидек, ёмон хотин жудаям ёмон, яхшисининг эса баҳоси йўқ. Шуниси ҳам борки, ҳеч қачон ёмонлик ўз-ўзидан кўкармайди. Аввало унинг уругини сепиш керак бўлади.

Аччик данакдан бир кун келиб, аччик, тахир мева бунёд бўлади. Айни пайтда яхшилик ҳам ўз-ўзидан кўкариб чиқмайди. Яхшиликнинг ҳам уругини экиш керак. Экмасдан мева кутмаслик лозим. Лекин экканда ҳам ширин данакни экиш керак. Инсон тарбияси шундай бўлади. Тарбияси суст ёки бузук оиласадан етишиб чиқкан ўғил-қизлар ҳам феъли норасо, иллати кўп бўлади. Бундай оиласадан чиқкан ўғил ҳам, қиз ҳам ҳаётда кейинчалик кўп қоқиладилар. Чунки ёмон феълини одамни ҳаёт ҳеч қачон сийламайди. Хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин тарбияси етарли бўлмаса, баҳти бутунликка асло эриша олмайди. Бундай одамлар дунёning на роҳатини, на лаззатини ва на мазмун-моҳиятини англай олмайдилар. Худди шунингдек, бундай одамлар, ким бўлишидан катъий назар, элда эътибор ҳам топа олмайдилар. Энг ёмони эса бундайларнинг оиласи мустаҳкам ва ибратли бўлмайди, тезда дарз кетиб парокандалик сари юз тутади.

Халқимизда “Эпли келин, сепли келин”, деган мақол бор. Рўзгорини уddaлаган, хунари билан оиласига барака киритган келин, шубҳасиз, ҳаётда ҳам, янги оиласа ҳам ўз ўрнини топади. Эпли келин рўзғорни обод этишга хисса кўшиб борар экан,

оиланинг иқтисодий куввати юксалиб, икки ўргада курилган турмуш иморати ҳам мустаҳкамланиб борверади. Бу борада масаланинг иккинчи томони ҳам бор: ҳалол топилган мол, меҳнат билан топилган пул татииди. Ҳалол пул-молнинг эса заволи йўқ. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, оила мустаҳкамлиги учун эр ва хотин албатта соғлом турмуш тарзига, шарқона одоб-ахлоқ коидаларига амал қилиб яшамоқлари зарур. Соғлом оиласда түғилган бола албатта соғлом ҳамда баркамол бўлиб вояга етади. Ўзи тарбия топган оиласа, кариндош-уруғларга, ота-онаси қўни-кўшни ва ўзи мансуб бўлган жамиятга албатта наф келтиради. Абу Али ибн Сино ҳазратлари оила тотувлиги, фарзанд тарбияси, бола парвариши, оиласидай одоб-ахлоқ тўғрисида фикр билдирав эканлар, оила қўргонининг мустаҳкамлигига муҳим омил бўладиган ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратганлар.

ИБН СИНО СОҒЛОМ БОЛА ВА УНИНГ АХЛОҚИ ТЎҒРИСИДА

Онасининг қорнидаёқ гўдакни қил эҳтиёт,
Унга бирор оғат етмай туғилсин у барҳаёт.

Иби СИНО

Сиз ва биз яшаётган бу дунёда ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч бир шубҳасиз, оиланинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Чунки бола учун чин инсонга хос улут фазилатлар – соғ ҳамда покиза туйгулар, илк ҳаётий тушунчалар, дастлабки тасаввурлар оила дея аталмиш қўрғон ичидаги шаклланади. Шунинг учун ҳам оила жамиятдаги энг муҳим ва асосий ижтимоий бўғин ҳисобланади. Фаҳр билан эътироф ўтмоқ лозимки, бизнинг юртимида оила жамият ва давлат муҳофазасидадир. Шу маънода олиб қараганда, оила жамиятнинг ўзига хос ижтимоий муассасаси ҳисобланади. Ташибехона оҳангда айтадиган бўлсак, ана шу муассасада тарбия топаётган фарзанд, табиийки, оила мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминловчи олтин занжирдир, оила баҳтига берилган улуғ ва кутлув неъматдир.

Яратганга шукрки, жонажон Ўзбекистонимиз дунёдаги аҳолисининг сони жуда тез кўпайиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Чунки узоқ тарихга эга бўлган ўзбек ҳалқи

азалдан оиласа жуда катта эътибор бериб серфарзандлик, оиласеварлик каби ижобий фазилатлари билан бошқа миллатлардан ажралиб туради. Қолаверса, оиласа шарқона донишмандлик, ўзбекона назокат билан ёндошилади. Чунки етти авлодни билиш, ота-она, қариндош-уруг, кексаларга хурмат, ёшларга меҳрибонликка асосланган ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлиги ана шу шарқона одобу ахлоқнинг, ўзбекона тарбиянинг маҳсулидир. Шу маънода олиб қараганда, ўзбек оиласи ота-боболарнинг энг яхши анъана ва удумларини давом эттирувчи, авлодлар барқарорлигини, давомийлигини таъминловчи муҳим буғиндир. Чунки баҳтили никоҳдан сўнг фарзандсизликдек баҳтсизликка дуч келган оиласа мустаҳкамлик барқарор бўлмаслигининг боиси ҳам шунда.

Фарзандсизлик ёхуд оиласа ногирон фарзанднинг дунёга келиши носоғлом турмуш тарзининг аломатлариидир. Шунинг учун ота-боболаримиз, биринчи галда, ўзларидан сўнг соғлом насл қолдириш чораларини кўрганлар, оиласида ўсаётган фарзандларини ҳам, маҳалладош ёшларни ҳам шундай турмуш тарзига ҳозирлай борганлар. Айни пайтда бундай эзгу ишларни олиб боришда ўтмишдош олимларимиз, жаҳонга бўй кўрсатган аллома донишларимиз, табибу ҳакимларимиз ҳам четда турмаганлар. Улар бамаслаҳат тарзда ва доимий равишда кексаларга бўлгани каби ёшларга, ёш оиласарга, айниқса аёллар ва болаларга алоҳида ғамхўрлик қилганлар. Бир сўз билан айтганда, нафақат маҳалладошларнинг, балки атрофидаги инсонларнинг соғлигини назорат қилиш ҳамда уларни ўз вактида тўғри даволаш борасида муттасил изланишлар олиб борганлар. Ана шундай аллома кимсаларнинг бири, шубҳасиз, Абу Али ибн Сино ҳазратлариидир. Ул зот нафақат беморларни даволашда ўзига хос мактаб яратган олим, балки ҳар қандай касалликнинг олдини олишда, ногирон болаларнинг дунёга келмаслиги борасида ҳам жиддий қайғурган табибдир.

Кўйида биз аллома табибининг айнан бола тарбияси ва унинг соғлигини мустаҳкамлашга оид фикрлари, чақалоқликдан тортиб, то ўсмир ёшига етгунга қадар болага қандай парвариш зарурлиги, бола bemorlanmasligi учун ота-она нималарга биринчи галда эътибор бериши кераклиги борасидаги тавсиялари тўғрисида имкон қадар сўз юритмоқчимиз. Таъкидлаб ўтмоқ лозимки, Ибн Сино

ҳазратлари ҳам Амир Темур сохибкiron каби миллат ва юрт келажагини факат соғлом фарзандлардагина кўрганлар.

Хусусан, тарихдан ўзингизга яхши маълумки, буюк Сохибкiron бобокалонимиз Амир Темур “Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват, бўлур”, деган эдилар. Сохибкironнинг ушбу умрбокий фикрларини давом эттирад экан, муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов шундай дейдилар: “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади”. Ҳакиқатан ҳам ҳар бир миллат ўз келажагини, мамлакат ободлигини, аҳоли турмуши фаровон ва осойишта кечишини фарзандлар камолида, фарзандларнинг соғломлигига кўради. Чунки Ватанин маънан ва жисмонан соғлом фарзандларгина янада обод этдилар, ўзи туғилиб ўсган заминни лочин мисол шижаот билан кўриклай оладилар. Эл-юрт корига, Ватан химоясига ярайдиганлар, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлайдиганлар ҳам, аслида, сизу биз оптимизда қолдирадиган соғлом ва дуркун ҳолда вояга етган фарзандлар хисобланишади. Шу боис барча давр ва замонларда ҳар бир миллат ўз наслини, яъни фарзандларини тўғри тарбиялашга, соғлом ҳолда ўстиришга, маънан ва жисмонан баркамол қилиб вояга етказишга интилиб келган. Бизнинг ўзбек халки ҳам ўз фарзандларини ҳар жихатдан тўғри тарбиялашга оид ўзига хос тарбия мактабини, тарбия йўсинини яратган. Ҳали айтиб ўтганимиздек, миллатнинг энг улут алломалари эса бола тарбияси, уни соғломлаштириш борасида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келишган ва натижада ўнлаб илмий-тиббий асаллар, ибрат олса арзигулик ҳикматлар, йўриклар, тавсиялар яратиб кетишган.

Чунки барча замонларда ва барча мамлакатларда инсон тарбияси бош масалалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб колмокда. Тарбия эса одатда ёшлиқдан, аниқроғи гўдакликдан бошланади. Таъкидлаганимиздек, ўз даврининг комил кишилари бу ишларга бор билимларини, тажрибаларини сафарбар этганлар. Тарбия қанчалик юқори савиядга олиб борилса, маънавият шунчалик баланд бўлади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳакикатдир.

Ана шундай кутлуг ва шарафли ишга биз фаҳр билан сўз юритаётган ибн Сино ҳазратлари ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Бир сўз билан айтганда, одамларни даволаш усувларини яратиш асносида қатор илмий-тиббий асаллар ишо этганлар. Шу асаллари орқали бу борадаги кимматли маслаҳатларини, тавсияларини мерос

сифатида қолдириб кетгандар. Чунки аллома табиб бола тарбияси. Унинг соғлиги, маънавий етуклиги миллат равнақини, юрт келажагини, насл тозалигини таъминлашини яхши тушунгандар.

Шу ўринда Ибн Сино инсон жисмини даволашда, биринчи галда, руҳий тарбия ва соғломлаштиришга алоҳида зътибор қаратганликларини эслатмоқ жоиз. Бу зот руҳий тушкунликка тушганларни даволаш борасида ҳам ўзига хос йўл тутгандар. Яъни, мусиқа санъати орқали даволашга аҳамият қаратганлар. Чунки мусиқа чинакам илоҳий таъсир кучига этга. Аллома мусиқа санъати оҳанглар воситасида инсон руҳиятига таъсир этишини, кайфиятини кўтариб мислсиз кувват бағишлишини, руҳан тетиклаштиришга олиб келишини яхши билгандар. Руҳи тетик, кайфияти кўтарилиган ҳар қандай беморни даволаш осон кечишини илмий-амалий асосларда исботлаб ҳам берганлар. Бу борадаги барча тавсиялар, муолажа усууллари алломанинг машҳур “Тиб қонунлари” асарида мукаммал тарзда баён этилган.

Нега Ибн Синодек машҳур табиб мусикий муолажага шунчалар аҳамият қаратган, айниқса, гўдак тарбиясида мусиқа муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган? Бу борада шуни айтиш мумкинки, чинакам мусикий оҳанглар киши руҳиятига, умумий ҳолатига оромбахш таъсир этди. Унинг бу таъсирини инсон асабини, вужудини тинчлантирувчи малҳам дориларга, зилол сув, ёз оқшоми шукуҳи каби инсонга хуш кайфият бахш этувчи ҳолатларга киёслаш мумкин. Абу Али ибн Сино шу боис оромбахш мусиқа оҳангларини ниҳоятда севган, ҳатто ўзи ғижжак ясад, чалган. Бу ҳақда рус адабаси А.А. Смирнова-Ракитина қуйидаги ривоятини келтиради:

-Мен ана шу нарса устида узоқ бош қотирдим. Бунинг номи ғижжак, - деди устоз қулимсираб шогирди Абдулвоҳидга ўзи ихтиро этган янги мусиқа асбобини узатар экан.

У эҳтиёткорлик билан асбобни айлантириб кўрди. назарида унинг косаси нафас олгандек титгарди. Ёғочдан ўйиб ишланган бу нозик асбоб шундай ҳозиржавоб, шундай сезгир эдикӣ, йигит лол қолди. Асбобга сал панжа тегса жаранглаб, куйлаб юборгудек туюларди.

-Жаноб шайх ур-раис,- навозишкорона сўз қотди Абдулвоҳид устози камонни олгунча, - мен сизни дурадгорлик пичоғини ушловмайсиз, деб ўйлагандим. Энди маълум бўлдики, пичоқ билан ёғоч ҳам бошқа билимлар сингари сизга таслим бўларкан.

Ҳамадоннинг сокин оқшоми бошланди. Осмон мовий тусга кирди. Кушлар тунашга жой қидириш учун учиб ўтишди. Ғижжак Абу Алининг қўлида дараҳт баргларини шалдиратиб ўтган енгил шабада каби майин кўйларди.

Иbn Сино сехрли куй таъсирида сархуш бўлиб, ғижжак чалади. Устоз – моҳир созанда-ю, шогирд – зийрак шинаванда фусункор куй оғушида эдилар. Шундагина Абдулвоҳид бошини кўтариб, секин шивирлади:

–Бу билан рухни даволаш, ҳар қандай ғаму ғурбатдан тасалли топиш мумкин, устоз!.

Ўрни келганда таъкидлаб ўтмоқ жоизки, нафакат Абу Али ибн Сино, балки Шарқ алломаларидан Форобий, гарбнинг буюк бастакорларидан бири бўлмиш Паганини ҳам мусиқанинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида кўп ва хўп ёзишган. Чунки бу алломаларнинг ҳар бири мусиқани чинакам рухни тетиклаштирувчи куч манбаи сифатида тенгсиз омил деб билишган. Дарвоқе, қадимги Юнонистонда ҳам мусика билан даволаш усули кенг кўлланилганлигидан тарихий манбалар гувоҳлик бериб турибди. Масалан, математик ва файласуф Пифагор мусиқани киши рухиятига ва танасига ҳар тарафлама даво бўладиган восита сифатида тавсия этган. Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий (873-950) ҳам биринчилардан бўлиб инсон саломатлигини тиклашда мусиқанинг ўрни ва ролига юксак баҳо берган. Бу борада мана бу ҳикматли сўзларни ёзib қолдирган: “Мусика илми шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган хулқни мукаммал қиласи ва мувозанатда бўлган одамлар хулкининг мувозанатини саклаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир. Чунки тана касал бўлса, рух сўлади, тана тўсикқа учраса, рух ҳам тўсикқа учрайди, Шунинг учун овозларнинг таъсири билан рухни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади”.

Абу Али ибн Сино ўзининг тиббиётга оид асарларида, мусиқанинг ҳиссий таъсир кучига катта баҳо беради. Хусусан, машҳур аллома табиб ўзининг “Тиб қонунлари” асарида шундай ёзади: “Боланинг мизожини кучайтирмок учун унга икки нарсани кўлламоқ керак. Бири, болани аста-секин тебратиш, иккинчиси эса, уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусика ва аллалардир. Шу иккисини қабул қилиш микдорига қараб боланинг танаси

билан бадантарбияга ва рухи билан мусиқага бўлган истеъоди ҳосил қилинади”.

Магарки, инсон рухини даволашда мусиқанинг ўрни ва бу борада Абу Али ибн Сино ҳазратлари иншо этиб кетган тавсиялар мавзусида сўз юритаётган эканмиз, мана бу ривоятни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдиқ. Чунки у ҳам айнан Ибн Сино қарашларига жуда ҳамоҳанг бўлиб, аллома табиб бу борада нечоғлиқ ҳақ бўлганлариги исботгайди. Нақл қилишларича, мусиқанинг инсон рухий оламига таъсири масалалари билан жиддий шугулланган олим Ал-Киндийга тегишли бу ривоятда мана бундай воқеа тасвирланган:

-Араб зодагонларидан бирининг ўғли вояга етганда, бедаво дардга чалинади. Бола кўл-оёқдан, ҳатто тилдан ҳам қолади. Зодагон ўғлини кўрсатмаган табиб қолмайди, лекин ҳеч ким боланинг дардига шифо тополмайди. Шунда яқинларидан бири унга “ўғлингизни бағдодлик ҳакимга ҳам кўрсатингчи, шояд бирор бир муолажасини топса”, деб маслаҳат беради. Ўғлининг соғайиб кетишидан умидини узган ота ҳалиги ҳакимни саройга таклиф этади. Ҳаким касалнинг томирини ушлаб кўрибди, ўзининг нағма чаладиган шогирдларидан бирини чақиритириб келади. Машшоқни беморнинг бош томонига ўтқазиб кўйиб, кишини завқлантирадиган бир машқ чалишини буюради ва ўзи боланинг кўлларидан ушлаб томир уришини кузатади. Куй чалингач, орадан кўп ўтмай, бола безовталанади, аста-секин ҳаракатга келади, кейин қаддини тиклаб ўтиради. Тили гапга келиб, олдида ўтирганга сўз ҳам қотади. Ўсмир бола мусиқа таъсирида тез орада соғайиб, сафга туриб кетади...

Инсон жисмини даволашдан аввал унинг рухини даволаш мухимлигини инобатга оладиган бўлсақ, Абу Али ибн Сино ҳазратлари бежиз даволашнинг бу усулига алоҳида аҳамият кўзи билан қарамаганлиги сабабини англаб етамиз. Чунки бир неча бор таъкидлаганимиздек, мусиқа кишига руҳан таъсир этиб, кайфиятни кўтаради, маълум маънода куч-куват бағишлайди. Инсонни ҳаётдан завқланишга ундейди, кўнгилда яшашга умид ва ишонч туйгуларини уйғотади. Бир сўз билан айтганда, чақалоклар танасини чиниктириш ёки уни тинч ва осуда ухлатища қўл келадиган, жуда катта фойда берадиган енгил тебратиш қанчалик аҳамиятли бўлса, бола асаб толаларини енгил тебратувчи, ҳаракатга келтирувчи мусикий оҳанглар ҳам ўшанча мухим аҳамият касб этади. Ибн Синонинг таъкидлашича, мусиқа боланинг жисмоний

чиниқишига мойиллигини аниклашда ҳам күл келади. Тиббиёт оламида Абу Али иби Сино қолдирған мерослардан бири – у мусиқий оханглар муолажа усулига мөс бўлиши шартлигини белгилаб берганлигидир. Иби Сино тавсиясига кўра, аввал беморнинг руҳий – асабий ҳолатларини пухта ўрганиш, сўнгра мусиқий соз ёки мусика турини танламоқ зарур. Шунинг учун ҳам аллома табиб бу борадаги муолажани изчил тартибга келтирғанлар ва унга оғишмай амал қилинсагина, bemor кутилган шифони олишини уқтирганлар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарурки, bemorни мусика воситасида даволаш усулини илгари сурган ва бу борада талайгина хайлри ишлар қилишга улгурган бошқа алломалардан фарқли ўлароқ, Иби Сино илк бор мусиқий муолажани ялпи ҳолатда эмас, балки ҳар бир bemornинг айни пайтдаги руҳий ҳолатига, феъл-авторининг ўзига хослигига, қандай мусиқани енгилроқ қабул қила олиш имкониятларига таянган ҳолда маҳсус танлаб, сўнг кўллашни тавсия этганлар. Аллома айнан шундай фикрда бўлганлигини, муолажа учун мусика, мусиқий оханг танлаётганда жуда эҳтиёткорлик билан иш тувиш лозимлиги тарафдони бўлганлигини унинг қаламига мансуб мана бу сатрлар ҳам исботлайди:

Эҳтиёт қил кўркишдану, бакириш, ҳаяжондан,
Булар бари балога ҳам етишар, ўтар жондан.

Иби Синонинг гўдак парвариши, бола тарбияси билан боғлиқ карашларида касаллик чакирувчи ёки инсонни ногирон қилиб кўювчи омилларнинг биронтаси назардан четда қолмаган. У ҳатто, ўғил болаларни хатна қилиш масаласига саломатликни сақлаш чораларидан бири сифатида қараган. Эслатиб ўтмоқ жоизки, муқаддас ислом динимизда ҳам хатна удум деб эътироф этилмайди, балки хатнага инсон саломатлигини саклашнинг муҳим чораларидан бири сифатида эътироф этилади. Чунки озодалик, поклик динимизнинг асосий қонидаларидан биридир. Иби Сино ҳам тозалик – озодалик, энг аввало, саломатликка олиб келишини таъкидлайди. Ҳакиқатан ҳам инсон тозаликка риоя қилиб юрса, ҳар жиҳатдан покиза бўлса, касалликларга кўп чалинмайди, қони ҳам тоза бўлади. Яъни, қонига турли касаллик чакирувчи инфекциялар, зарарли микроблар, хавфли вируслар тушмайди:

Она қони тоза бўлсин, овқатига бўл сергак,
Токим ўша тоза қондан озука олсин гўдак.

Ибн Сино ҳазратлари неча-неча асрлар аввал таъкидлаб кетган тушунчалар бугунги кундаги ҳаётимизга нечоғлиқ мос келади? Келинг, буни англаб етмоқ учун бир-икки мисол келтириб ўтайлик. Аввало шуни мамнуният билан айтиб ўтмоқ керакки, қои ва сутнинг тозалиги борасида Ибн Сино жон куйдириб айтиб кетган ҳикматлар бугунги кунда замонавий усусларда ўз тасдиини аллақачон топган. Масалан, Ибн Сино синчковлик билан кузатган янги туқсан сигирнинг биринчи кундаги сути таркибига эътибор қаратайлик. Махаллий халқ ибораси билан айтганда, бу сут увуз деб аталади. Ана шу увуда А, В-12, С, Е витаминалари ниҳоятда кўп бўлади. Бу сут организм иммун тизимини яхшилайдиган, организмни токсин элементларидан тозалайдиган ҳамда кон таркибини меъёрлаштирувчи оқсилга бой маҳсулот саналади. Энг муҳими, саратон касаллигига қарши таъсир кила оладиган дори воситаси сифатида муҳим аҳмиятга эгадир. Шу боис бу сутдан тайёрланган дорилар ҳозирги кунда Ўзбекистонда онкология, дерматология, педиатрия илмий марказларида фаол кўлланилмокда.

Фарзандлар соғлигини муҳофаза килиш, уни тўғри ва авлодларга муносиб килиб тарбиялаш, саломатлигини доимий муҳофаза қилиб бориш - ота-оналар зиммасидаги энг катта вазифалардан биридир. Бу, фарзандли бўлганлар фақат бола соғлиги ҳақида қайгуриш, уни парваришилаш билангина шуғуланишлари керак дегани эмас. Бу тушунча замирида яна бошқа маъно ҳам борки, уни билиб қўйиш ҳеч кимга зарар келтирмайди, аксинча фойдали бўлади. Бундай деяёттанимизнинг маъноси шуки, боласини соғлом кўрмоқчи бўлган ҳар бир ота-она, аввал, ўз соғлигини авайлаши, боласига бирор нуқсонли дард юқтирумаслик йўлларини излаши лозим. Шуни инобатга олган аллома табиб мана бу ўтигни ёзиб қолдирган:

Оталик ҳикмати нимадир, билсанг
Бор-йўғин фарзандига бермак беминнат.
Лек отадан ўпка қилмасин фарзанд
Замона келтирса бошига кулфат.

Муқаддас ислом динимиз ҳам ота-оналарга болалари касал бўлса, бепарволик қилмай, тезлик ила табибларга кўрсатиб,

даволатиши буоради. Айниқса, бола саломатлигини таъминлашда, руҳиятини авайлаш, унга нисбатан нозик ва ҳалим муомалада бўлиш зарурлигини уктиради. Ибн Сино ҳазратлари бу борадаги карашларини мана бундай ифода этадилар:

Муомаланг юмшоқ бўлсин, доим бўлгил меҳрибон,
Уйқуда ҳам чўчимасин, ором олсин мурғак жон.

Ёки:

Овоз билан эркалатиб, сўзга ўргат бирма-бир,
Ул ҳам ширин сўз бўлади, бу таълимингдан ахир.

Она ва бола соғломлигини таъминлаш тўғрисида сўзларкан, Ибн Сино ҳазратлари шундай ёзди: “Туғиш туфайли ҳолсизланган аёлга қайнатилган гўшт суви, чала пиширилган тухум бермоқ фойдалидир”. Бундан ташкири Ибн Сино болани она сути билан озиқлантириш ўта муҳим эканлигини ҳам таъкидлайди. Ҳатто, бирор сабаб билан она боласини эмиза олмаса, замонавий тил билан айтганда, донор сут эмизувчига мурожаат қилишни тавсия этади. Болани эмизиш муддати икки ёшгача деб белгилайди. Ибн Синонинг зукколиги шундаки, у нафакат она сутининг фойдали хусусиятларга эгалигини таъкидлайди, балки мабодо донор сутига эҳтиёж туғилса, эмизувчи аёлнинг соғлигидан тортиб, ташки суратига ҳам аҳамият қаратади. Алломанинг фикрича, бироннинг боласини эмизишга тутинган жувоннинг ёши 25-35 атрофида бўлишини тавсия этади. Ибн Сино тавсиясига кўра, бундай жувон хушсурат, бакувват бўйинли, кўкраги кенг ва кувватли, мушаклари бўртган, ўртacha семизликда бўлиб газабланишга, ғамгинликка, кўркишга мойил бўлмаслиги, ёмон руҳий таассуротларга берилмайдиган бўлиши керак.

Шу ўринда она сути тўғрисида маълумот бериб ўтишга тўғри келади. Авваломбор шуни таъкидлаш керакки, замоанавий тиббиётнинг уқтиришича, она сути болага биологик мос бўлиб, у аллергия чакирмайди. Фақат она сути билан озиқланадиган чақалокда юқумли касалликларга қарши пассив бўлса-да, иммунитет пайдо бўлади. Сабаби – она сувчечак, қизамиқ, паратит ва бошқа юқумли касалликлар билан оғриган бўлса ҳамда у лозим эмлашларни олган бўлса, унда бу касалликларга қарши иммунитет пайдо бўлган бўлади. Она сути орқали бу иммунитет химояси болага ўтади. Демак, она кўкрак сути соғлом бола ўстиришда

мухим аҳамият касб этгани каби, эмизувчи онанинг ўзи учун ҳам ғоят аҳамиятлидири. Аҳамиятли жиҳати шундаки:

-Она сути доимо тайёр ҳолда, тана ҳароратига мос, стерилланган бўлади;

-Фарзандга кўкрак эмизаётган она ҳам меҳрли, садоқатли бўлади;

-Эмизикли аёлларда кўкрак саратони ва бошқа касалликлар кам учрайди.

Эмадиган бола тумов бўлганда ва йўталганда Ибн Сино гўдакнинг бошидан илиқ сув қўйишни ҳамда тилига бир неча марта асал суртиб туришни, шунингдек беҳи ва новвот солиб пиширилган сут ичиришни тавсия этади.

Чақалоққа майин мусиқа яхши таъсир этиб, руҳиятини кўтаради. Ёкимсиз оҳанглар эса аксинча, руҳини тушириб жисмоний азиятлайди. Шунинг учун ҳам Абу Али ибн Сино ҳазратлари “Тиб қонунлари” асарида бу ҳақда мана деб ёзил кетганлар: “Танани чиникириш чақалоқ учун жуда муҳимдир. Бунинг учун енгил тебраниш ва ухлатиши пайтида айтиладиган қўшиқ ва алладир. Бу икки нарса боланинг жисмоний тарбияга мойиллигини орттиради”.

Бола тарбиясида шуни ҳам алоҳида эътиборга олиш лозимки, чақалоқлигиданоқ баданини, кийимини, атроф-муҳитни тоза тутишга одатланиш керак. Шунингдек, бола ақлини таний бошлагач, унинг олдида ёлғон сўзлаш, ҳаёсиз гаплар айтиш ёки қиликлар қилишдан тийилиш керак. Бир сўз билан айтганда, бола ҳали гўдаклигига дейқ уни панду насиҳатлар билан яхшилик сари бошлаш, ёмонлик ва ёмон қиликлардан асрарш жуда муҳим саналади. Фарзандли бўлган ота-оналар жигаргўшаси комил инсон бўлиб вояга етишини истаса, албатта, вақти-вақти билан рағбатлантириб, хатосини тушунтириб ва оқибатлари тўғрисида содда тил билан огоҳлантириб туриш ҳам тўғри тарбия асосларидан саналади. Чунки мутахассисларнинг фикрича, болалар тарбиянинг 50 фоизини ўз оиласидан, 30 фоизини оммавий ахборот воситаларидан, 10 фоизини мактабдан, яна 10 фоизини кўча таъсиридан олади.

Қадимги Шарқ мамлакатларида ҳам тиббиёт яхши ривожланиб борганлиги, ана шу ривожланишнинг барча боскичларида, энг аввало, онали ва болаликни муҳофаза қилиш ишига алоҳида аҳамият билан қаралган. Айнан шундай бўлганлиги тарихдан яхши маълум. Бу борада фақат бир нарсани, яъни оналик ва болаликни

муҳофаза қилиш ишлари давр талаблари, имконият ва шароитлари даражасида, давр руҳига мос тарзда ташкил этилганлигини инобатга олиб қўйиш лозим, холос. Тўққизинчи асрларда Тибет таббиёти ҳикматида “10 та эркакни даволащдан 1 та аёлни даволаш, 10 та аёлни даволащдан 1 та болани даволаш қийин”, деган ибора бор. Қадимги Эронда оз-оздан илон заҳри берилиб, киши организмида заҳарга қарши туриш кучини оширганлар, замонавий тиббиёт тили билан айтганда, иммунитетни кучайтирганлар. Бу ҳам, аслида, инсон саломатлиги, энг муҳими у ўзидан сўнг соғлом насл қолдиришини кўзлаб амалга оширилган тадбирлардандир. Бу борада ҳам Ибн Сино ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, болани жисмоний чиниқтиршни соғломликни таъминлашнинг асосий воситалардан бири сифатида эътироф этган. Хуллас, Шарқ ва Фарб файласуфлари томонидан “Борликнинг ҳақиқатини кашф этган файласуф” деган фахрий унвонига мушарраф бўлган Ибн Сино инсонни соғлом турмуш тарзига, руҳий комилликка интилиб яшашга даъват этади.

Абу Али ибн Сино ўз даврида илгари сурган тиббиётта оид ғоялар, муолажага, тарбияга, жисмонан чиникишга оид тавсиялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини ва қадр-кимматини йўқотган эмас. Аксинча, кейинги тиббиёт таракқиёти учун маълум маънода дастурил амал вазифасини ўтаб келмоқда. Шу ўринда 1997 йилда мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Озиқовкат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ва текшириш” тўғрисидаги Қонун ҳар жихатдан Ибн Сино ўғитларига ҳамоҳангидир. Бу эса аллома табиб ҳикматлари, таҳи́ллари ва шу таҳи́ллар асосида юзага келган хуносалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигидан далолатдир. Ҳусусан, юкорида эслатганимиз Қонунга мувофиқ барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари текширилгандан кейингина истеъмол қилишга руҳсат этилиши белгилаб қўйилган.

Ваҳоланки, Ибн Сино ҳазратларининг бола ахлоқий тарбияси, парвариши билан боғлиқ ўғитлари, тавсиялари ҳақида сўз юритаётган эканмиз, асрлар оша ҳалқ тилида ва дилида яшаб келаётган ҳикматларни келтириб ўтишни маъқул кўрдик. Гарчанд бу ибораларни ҳалқ тўқиган дея таъкидланса-да, улар айнан Абу Али ибн Сино айтиб кетган ҳикматлар ва тавсияларга ўта ҳамоҳанглигини, баъзи ўринларда буюк табибининг фикрлари бевосита такрорланишини кузатиш мумкин. Бу эса яна бир бор Ибн

Сино табиб сифатида ҳар жиҳатдан халқ онги ва қалбига сингиб кетганилигидан далолатдир. Чунки халқ хикматлари сифатида оммалашган бу тавсияларнинг кўпин Ибн Синонинг тиббиётта, оила саломатлигини кўриклашга, чақалоқ парваришига оид асарларида учрайди.

Болани эмизишдан олдин покланиб олиш ёдингиздан чикмасин. Либосингизни ва танангизни ҳамиша тоза тутинг.

Болани эмизаётган даврда чақалоқдан ортган сутни соғиб олинг. Лекин уни дуч келган ерга тўкманг. Яхшиси, гул тагига оҳиста кўйилгани маъқул. Сутни соғиб оладиган идишингизга бегоналарнинг назари тушмасин.

Чиллали чақалоқ хонасида ҳам худди янги келин-куёвлик даврингиздаги каби тунлари чироқ ёниқ турсин.

Ота-оналаримиз ёки бирор табаррук кишининг исмини болаларимизга кўйганда, уларни сизламокка, иззатини жойига кўймокка одатланиш керак.

Боланинг сочи, тирноғини олганда ҳам эҳтиёт бўлинг. Кексалар гўдак сочини гул тагига, олинган тирнокларни тоза жойга кўмиш даркор, деб насиҳат қиласидар.

Чақалоқнинг кийимларини алоҳида совунда, алоҳида тоғорада ювилади. Унинг кийимлари қоронғида қолмасин. Йўқса, учинади, дейишган момоларимиз.

Онанинг эҳтиётсизлиги туфайли куйиб қолган болада онанинг ҳаки қолмайди, деб огоҳлантиради момоларимиз. Шунинг учун иссиқ чой, чойнак-пиёла ва овқат солинган бошқа идишларни боладан нари тутинг.

Бармоғингизда тилла ёки кумуш узук бўлсин. Кир-чир ювганда озода туради, пок бўлади.

Хуллас, фарзандини ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол кўришни истаган ҳар бир ота-она жигарбандининг парваришига ўта жиддият

билан қарамоғи лозим. Шу ўринда асрлар оша ҳаётда ўз исботини топиб келаётган ва бола тарбияси билан боғлиқ баъзи бир муҳим жиҳатларни эслатиб ўтмоқ керак. Биринчи жиҳат шундаки, ўтмишда яшаб ўтган алломалар ҳам, замонавий мутахассис-олимлар ва руҳшунослар ҳам болалик даврини подшоликка киёслашади. Уларнинг фикрича, б ёшгача боланинг ҳар бир истаги сўзсиз, яъни амри вожиб сифатида бажарилиш даркор. Бола 7 ёшдан 17 ёшгача ақлий меҳнат билан бир қаторда жисмоний меҳнат билан шуғуллана боришини назорат қилиб бориш кераклигини ҳам унумаслик керак. Эътиборли томони шундаки, замонавий тибиёт ҳам, аждодларимиз ҳам айнан шу даврни бола тарбиясидаги муҳим деб билади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бола худди шу даврда ўз йўлини танлаб, оқ ва қорани ажратса бошлайди.

Абу Али ибн Сино ҳазратлари болани меҳр-мухаббатли, одоб-ахлоқли, ақлан ва маънан етук шахс сифатида улғайтиришда шарқона меҳр ва тарбиянинг ўрни ва роли бекиёслитини таъкидлаганлар. Ҳатто, бу борада мана бу ривоятни ҳам ўз асарларида келтириб ўтганлар. Ривоятда айтилишича, кадимда бир аёл эрининг вафотидан сўнг қайта турмуш қурмай, ёлғиз фарзандини деб аёллик саодатидан воз кечган экан. Боласининг бирордан кам бўлмаслиги, кўнгли ўксимаслиги учун кўлидан келган барча ишни қилибди. Ўқитибди, кийинтирибди, меҳр билан тарбия қилибди. Бироқ фарзанди улғайгани сайин унинг ҳол-аҳволидан, ош-тузидан боҳабар бўлмай, онаизорга нисбатан эътиборсиз бўла борибди. Кунларнинг бирида волидаи муҳтарама кекса, донишманд авлиёнинг ҳузурига бориб, бор гапни рўй-рост айтиб берганда, аёлни жимгина тинглаб ўтирган авлиё: “Сиз болангизнинг ёшлик чоғида тайёрлаган овқатидан кўни-кўшилларга чиқариб турганимисиз?”, деб сўрабди. Демак, оиласдаги муҳитнинг, уйдагиларнинг ён-атрофдагиларга бўлган муносабатининг ҳам бола тарбиясидаги ўрни накадар юксак. Чунки бола тарбияни ота жасоратидан, она алласидан, аждодлар ўтитидан ва оиласда кўраётгандаридан олади. Юқоридаги ривоятда тилга олинган она ўз фарзандига бор меҳрини берган, пиширган таомларини мактаб еган, аммо боласини атрофдагилар билан муомала ва мулоқотга ўргатмаган. Натижада фарзанди ҳар жиҳатдан комил кўринса-да, аслида, ўзидан бошқани кадрламайдиган худбин кимсага айлана борган.

Болага тўғри тарбия бериш деганда, уни турли тўғракларга мунтазам жалб этиш, кўп китоб ўқишига, кўп машқ қилишга ундаш ҳам маъкул эмас. Чунки бундай ортиқча “юк” болани жисмонан ва руҳан толиктириб кўяди. барча тарбиявий ишлар боланинг ўз қизикиш доирасида ва имкониятлари даражасида бўлгани маъкул. Агар масаланинг бу томонига эътибор каратилмаса, боланинг саломатлигига жиддий путур етказиш, ҳатто, уни хаста килиб қўйиш мумкин. Ортиқча зўриқишилар ана шундай ҳолатни келтириб чиқарувчи омиллардан саналади.

БАДАНТАРБИЯ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Бадантарбия соғлиқни сақлашнинг асосий тадбирларидан бири бўлиб кишини чукур, кетма-кет нафас олишига мажбур қилувчи иҳтиёрий ҳаракатdir.

Ибн Сино

Инсон бадантарбия билан, аслида, ундан келадиган манфаат туфайли фаол шуғулланса, албатта соғлигига фойда келтиради. Чунки инсон яшаш тарзи табиатнинг ҳаракатланиши орқали мувофиқлаштирилган. Аммо инсоният онгли мавжудотки, у ўз соғлиги, ўз авлоди келажаги йўлида қайғурмоги лозим.

Абу Али ибн Сино ўз даврида “Тиб қонунлари” китобида “Мунтазам ва меъёрида жисмоний машғулотлар билан шуғулланувчи одам ҳеч қандай даволаш муолажаларига мухтож бўлмайди. Жисмоний фаоллик, айниқса, ўрта ва кекса ёщдаги одамлар учун фойдалидир”, деб ёзди. Алломанинг бу ўйтлари бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ҳақиқатан ҳам аллома табибининг бу тавсияларига тиббий-валеологик жиҳатдан ёндошиб, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳаракат килган ҳар бир одам ўзининг қувватига ишониб, ёшига мос ҳолда ёндошиб бадантарбия билан шуғулланса, бошқаларга нисбатан касалликларга кам чалинади ёки умуман хасталанмайди, доимо тетик ва бардам юради. Жисмоний меҳнат билан фаол шуғулланиш ҳам аслида бадантарбиянинг бир бўлаги, муайян қисми деса, бўлади. Чунки, оддийгина қилиб айтганда ишга яёв бориш, ҳовлидаги ўсимликларни парваришлашга ваqt ажратиш, оила аъзоларига рўзгор ишларида кўмаклашиш, ишхонада бўладиган

ҳашарларда қатнашиш ҳам кишининг соғлом ва тетик бўлишга олиб келувчи омиллардан саналади.

Келинг, бадантарбиянинг аҳамияти ҳақида аллома табиб баён килиб кетган фикрларни давом эттиришдан аввал бу мавзуга оид тарихий маълумотларга бир қур назар ташлайлик. Жисмоний тарбия билан доимий равишда шуғулланиш инсон саломатлигини саклашда энг муҳим восита эканлигини дастлаб ўрга асрларда яшаган Абу Наср Фаробий таъкидлаган эди. Фаробий меҳнат, нафосат, жисмоний, гуманистик ва аҳлоқий тарбияланувчининг ўзаро бирлигини ҳисобга олиб, факат шу асосда олий баҳтга эришши мумкинлигини қайд этиб ўтганди. Жамиятда соғлом турмуш турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбиянинг, яъни бадан тарбиянинг роли бекиёс. Бунинг маъноси шуки, ҳаётнинг ўзи доимий ҳаракатдан иборат. Демак, соғлом инсон ҳаракат орқали шаклланади, такомиллашади. Шунинг учун ҳам кундалик турмушимизни ҳаракатсиз, интилишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам буюк аллома табиб Абу Али ибн Сино ўз вақтида: “Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиб турувчи киши даволанишга камдан-кам мухтож бўлади”, деган эди. Шу тариқа бу беназир табиб согликни саклашнинг асосий тадбирларидан бири бадантарбия эканлигини, у билан доимий равишда шуғулланиш жисм ва руҳиятни чиниқтириб боришини уқтирган эди.

Маълумки, жисмоний ҳаракат натижасида инсон организмида моддалар алмашинуви ҳар жиҳатдан яхшиланади. Тананинг барча орган ва тўқималарида қон айланиш меъёрлашиб, улар кислород ва зарур озиқ моддалари билан таъминланади. Айниқса, ўсуви ёш организмда ўсиш-ривожланиш жараёни нормал кечади. Жисмоний машқлар нафакат инсонга физиологик жиҳатдан самарали таъсир этади, балки киши кайфиятининг яхшиланишига ҳам хизмат килади. Бу борада эрталабки бадантарбиянинг ўрни ниҳоятда каттадир. Эрталаб килинган бадантарбия машқлари бутун танани ўйготади. Моддалар алмашинувини кучайтиради, танага роҳат бағишилаб, кайфиятни кўтаради.

Эрталабки бадантарбия машқлари очик ҳавода, ўз вақтида мунтазам ўtkазилиб турилса, инсон кун давомида ақлий ва жисмоний меҳнатда толикиш сезмайди. Фикрлар теран, асаблар нормал ҳолатда бўлади. Шунинг учун ҳам жиддий жисмоний

тарбия инсонда мустаҳкам ирода, интизом, меҳнатсеварлик, юксак ақлий эътиқод ва бошқа ижтимоий фазилатларни шакллантиришига ёрдам берадиган мухим восита ҳисобланади.

Шу боис Ибн Сино ҳазратлари ўз асарларида бадантарбия масаласига ўта аҳамият билан қараганлар. Айниқса, вужуди ҳорғинлашган, танаси заифлашган кексаларнинг саломатлигини саклашда бадантарбия ниҳоятда мухим аҳамият касб этишини таъкидлаганлар. Чунки қексарган вужудда ортиқча истеъмол қилинган овқатларнинг ҳазм бўлиб чиқиб кетишида жисмоний фаоллик мухим ўрин эгаллашини яхши билганлар.

Ё нафасинг тезлашгунча тезлаб юргил пиёда,
Ёки кураш тушмоқ мумкин, факат лозим ирода

дейди, аллома тиббий-шеърий битикларида. Бу ҳам инсонни доимий ҳаракатда бўлишга, ўз соғлигини маҳсус бадантарбия машқлари орқалигина эмас. балки турли ҳаракатлар воситасида тиклаш ва саклаш мумкинлигини билдиради. Айни пайтда, шундоғам нимжон ва заиф вужудли кишиларни ортиқча зўриқишилардан асраш лозимлигини ҳам уқтиради:

Ориқларни озод айла қаттиқ ҳаракат ишидан,
Огоҳ бўлгин ундейларни заифлаштириб кўйишдан.

Табиийки, Ибн Сино бадантарбия билан шуғулланиш орқали соғлиқни мустаҳкамлаш учун, аввало, инсоннинг маълум пайтдаги кайфияти. вазни, ориқ ёки семизлиги сабабларини ҳам инобатга олган ҳолда тавсиялар беради. Агар шундай бўлмаганда, у мана бу сатрларни битмаган бўларди:

Семизларга серҳаракат бўлмокни айла вожиб,
Қорин солиб кетган бўлса кўйгил белбоғ бойлатиб.

Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида жисмоний машқлар саломатлик йўлидаги омиллардан бири эканлигини қуйидагича изоҳлаб, тушунтиради: “Зўриқмасдан ва ўз вақтида жисмоний машқлар билан шуғулланувчи одам касалликни аниқлашга йўналтирилган ҳеч кандай даволанишга муҳтоҷ бўлмайди.”.

Ҳазрати Абу Али ибн Сино тиббиётнинг асосий вазифаси қасалликнинг олдини олишда деб билганлар. Шу маънода битилган “Саломатликни сақлаш ҳақида рисола” асарида тан саломатлигига жисмоний машғулотлар ва уларнинг фойдаси кўплигини эътироф этиб, танани соғлом тутишда муҳим рол ўйнашини таъкидлайди. Шу билан бирга айрим тавсияларни ҳам бериб ўтади. Масалан алломанинг фикрича:

-Семиз кишиларга кам овқатланиш, овқатдан кейин машқ қилишни давом эттириш; семизларга кучли бадантарбия сифатида уқалаш ва бошқа турли организмни бўшатиш тадбирларини ишлатиш лозим.

Ибн Синонинг биз эслатиб ўтган шеърий асаридаги тавсиялар орасида секин ва узоқ вакт юриш ҳам оғрикни қолдирувчи воситалардан эканлиги уқтирилади. Чунки “юришда бўшатиш ва юмшатиш таъсири бор”, - дейди табиб ҳазратлари. Алломанинг фикрича, бадантарбиянинг яна бир фойдали хусусияти шундаки, у ични ва пешоб ажралишини равон киласди. Совуқ сувда чўмилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу муолажани қўллашда қайси алломатларга ёки ҳолатларга эътибор бермоқ зарурлигини айтиб ўтади. Яъни, совуқ сувда чўмилишнинг ман килувчи, рухсат берувчи сабабларини келтириб ўтади. Сув билан баданинг тарбиялашда, алломанинг фикрича мизож, ёшлик ёки қарилик, озғин ёки семизлик ҳолатлари албатта инобатга олиниши керак. Шунингдек, сув муолажасини тайинлашда мизожнинг куввати, ташки таъсирга қай даражада мойиллиги, йил фаслларига эътибор қаратилиши зарурлигини эслатиб ўтади.

Бугунги кун тиббиёт ходимлари соғлом турмуш тарзига эришишда валеологик нуқтаи назардан ёндошилмокда. Яъни, инсоннинг ёшига караб отда, велосипедда ёки яёв юришни тавсия этадилар. Шунингдек, инсонни соғломлаштиришга қаратилган турли гимнастик машқлар тизими ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, буларнинг бари ўз вақтида, Абу Али ибн Сино томонидан ҳам маълум маънода тавсия этиб кетилгандир.

ИБН СИНО СОГЛОМ АВЛОДГА ЭРИШИШДА ТИББИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА

Қишида бигадиган ишни ёзга қолдирманг.
Бугунги ишни эртага қолдирманг. Дорини
саломатлик вақтида ичманг ва ҳозиқ табиб
айтмагунча, муолажага киришманг.
“Ҳикмат дурданалари” китобидан.

Бу борадаги ҳикоятимизни улуг алломаларимиз билдириб кетган фикрлар билан бошламокни лозим топдик. Ҳусусан, аллома Ҳусайн Вөиз Кошифий ҳазратлари ўзининг “Ахлоқи Мұхсинин” (“Яхши кишилар ахлоқи”) номли рисоласида шундай ёзадилар: “Тана шукроналиги ато этилған неъматлардан ҳосил бўлган кувватни неъмат берувчининг тоатига сарф килишдан ва танадаги ҳар бир аъзони ўзига мос тоатта машғул қилдиришдан иборатдир. Масалан, кўз тоати барчага ибрат кўзи билан, олиму солих кишиларга эҳтиром билан, заифлару ва кўл остидагиларга шафқат назари билан қарашдан иборат...”

Бу ҳикматни шунинг учун келтираяпмизки, инсон ҳаётга нисабатан шукrona билан яшамаса, саломатликка эришиш йўлида ўз танасидаги аъзоларнинг вазифасини тўғри англамаса, нафси йўлида бу аъзолардан одоб-ахлоққа, дину имонга зид ишларда фойдаланса, бундай киши, албатта, бирор мушкулотга рўбарў келади. Яъни, ё соглигини йўқотади, ёки эл аро юз каро бўлади. Жисмонан ва руҳан пок, маънан юксак бўлмоқ, саломатликни асрароқ учун, аввало, имон ва эътиқодни пок саклаш, либос, лукма, ваъда-ю лафз жиҳатдан доимо покиза бўлиш, ўзи учунгина эмас, ўзгалар манфаатида йўлида ўз танасидаги турли аъзолар фаолияти тўғрисида маълум бир тушунчага эга, атрофдагиларга зиён етказмаслик маъносида ҳам, ўз умри учун ҳам шахсий санитария ва гигиена қоидаларига мунтазам амал қилиш, соғлом турмуш тарзини танлаш – буларнинг бари, агар, жамулжам ҳолда таърифлайдиган бўлсак, тиббий маданият деган маънони англатади.

Зеро, инсонни ҳайвондан фарқлайдиган, уни улуғлашга, ўрни келса тавоф қилишга ундейдиган мезон, аслида, одам боласининг туриш-турмушидаги, феъл-атворидаги гўзали хулқ, ибратли одоб ҳамда пардали адаб, нутқ одоби, сўзлашув-муомала маданияти, чин инсоний комиллиқдан дарак берувчи донишлик каби фазилатларда

тўла намоён бўлади. Шу тариқа бу мезон инсон феъл-атворида ҳаётий кўнкималар, илмий-маърифий тушунчалар, ўзига хослик хусусиятлари, айни пайтда, тиббий маданият қай даражада шаклланганлигидан дарак беради. Бир сўз билан айтганда, тиббий маданият – инсоний фазилатларга йўл очувчи олтин калитдир. Бундай фикрлаётганимизнинг маъноси шуки, бирор киши ўзи танлаган соҳа бўйича зарур калитни топиб олиши натижасида катта муваффақиятларга эришиши, бой-бадавлат яшаши, юксак обрўлар, унвонлар соҳиби бўлиши мумкинdir. Лекин у чинакам комиликка элтувчи тиббий маданият калитини кўлга киритолмаса, барибир, жамият учун маълум маънода хавфли бўлиб қолаверади. Гарихда бунга мисоллар жуда кўп. Бу ёргу оламда улдабурон одам нимага эришиши мумкин бўлса, ҳаммасини кўлга киритган, лекин ўзидан носоғлом, ногайин, фикри бузук, кўнгли кора, ногирон, касалманд фарзандлар колдириб кетганлар ёки айнан тиббий маданияти даражаси паст бўлганлиги туфайли бедаво, иснодли дардларга чалиниб ўз жонига қасд қилганлар ҳам тарих саҳнасида кўплаб топилади. Эл аро довруқли бўлган бундай кимсаларнинг охир-оқибатда шухратига номуносиб, қалтис ишларни қилиб кўйиши эса нафақат ўзи ва оиласига, балки бутун бир жамиятта, миллатта ҳам доғ туширади. Юкорида бундайлар “жамият учун хавф ли бўлиб қолаверадилар” деган фикримизнинг маъноси шу.

Лекин тиббий маданият борасида калитни ўз вақтида топиб олганлар эса, аввало, ўз қалби ва онгига тиббий маданиятни, демак, чинакам оқил ва маърифатли киши сиймосини тўғри шакллантира оладилар. Сўнгра, онгли равишда, соғлом наслни дунёга келтирадилар, соғлом авлодни ахлоқан пок, маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялашга қодир бўладилар. Демак, соғлом авлодга эришишнинг энг мақбул ва тўғри йўли – ахоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, одамларнинг тиббиёт борасидаги тушунчаларини кенгайтиришдадир. Хуллас, ўзи покдомонликка эришган, ўз соглигини ўзи муҳофаза қила оладиган, саранжом-саришта, тоза-озода кишиларгина миллат шаънини янада юксакликка кўтарадиган, Ватанни улуғлай оладиган, соғлом насл ҳакида чин маърифат ва маънавият билан ўйлайдиган ва шунга эришадиган авлодни тарбиялай олади, ўстириб, вояга етказади.

Президентимиз Ислом Каримов соғлом авлодни вояга етказиши тўғрисида сўзларкан, бежиз мана бу сўзларни айтмаганлар: “Соғлом авлод деганда шахсан мен жисмонан бақувват, шу билан

бирга рухи, фикри соғлом, имон, эътиқоди бутун, билими, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат ва соғлом авлодгина кура олади". Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ҳақли равишда таъкидлаганларидек, соғлом авлод орзуси барча давр ва замонларда бир хил аҳамиятли бўлган. Зеро, руҳан ва жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодгина миллат шаънини муносиб эъзозлай, қўриклай олади, миллат баркарорлигини таъминловчи авлодларни дунёга келтиради. Шунинг учун ўтмишда яшаб ўтган улуг алломалар ҳам ўз вақтида бу борада кўп ва хўп яхши фикрларни, ҳикматларни, ўлмас ғояларни илгари суриб кетишган. Уларнинг орасида буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг (980-1037) ҳам ўз ўрни бор. Муҳими шундаки, ул зотнинг соғлом авлод яратиш, уни тарбиялаш, вояга етказиш билан боғлиқ таълимоти бугунги глобаллашув даврида ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотгани эмас. Чунки буюк аллома соғлом боланинг дунёга келишида оиласда ота-она ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиши, ва, замонавий тиббиёт тили билан айтганда, онанинг репродуктив саломатлигини саклаш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини жуда яхши англаган. Табиийки ахлоқан комил, жисмонан бакувват жуфтликлардан баркамол зўрриёдлар туғилади. Аллома бобокалонимиз бу борада нечоғлик ҳақ эканлигини ҳаётнинг ўзи далиллаб ва исботлаб турибди.

Абу Али ибн Сино эътибор қаратган муҳим жиҳатлардан яна бири, ирсий касалликлари бор инсонлардан табиий равишида нуқсонли фарзандлар дунёга келиши тўғрисидаги қарашлардир. Бинобарин, ирсий касалликлар кўриниши жиҳатидан наслнинг жуссасида, келбатида, афг-ангорида, феъл – авторида намоён бўлади ва бу ҳолат бир ёки бир неча авлодга ўтади, такрорланади. Шуниси ҳам борки, бундай қусурлар баъзан яширин, баъзан эса аввал сезилмай, кейин билиниб қолиши мумкин. Бу ҳолатлар тиббиётга аввалдан маълум. Шу боис, гоҳида зохиран соғлом жуфтликлардан нуқсонли фарзандлар туғилиши ҳолатлари учраб туради. Демак, бирор бир нуқсон билан туғилган боланинг бундан анча олдин яшаб ўтган авлодида соғлик борасида айrim иллатлар бўлган бўлиши мумкин. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, баъзан жисмонан ва аклан заиф, ахлоқан нокис жуфтликлардан соғлом болаларнинг туғилиши ҳолатлари ҳам учрайди. Бу энди, аслида, мавжуд бўлган иллатнинг кўринмай, вактинча "сири" бўлиб

қолиши ва кейинги авлодларда намоён бўлиши дегани. Бу ҳолат ҳам тиббиётга яхши маълум.

Агар эътибор қилган бўлсангиз ҳалқ орасида бирор-бир нуқсон билан туғилган болаларга нисбатан “ҳа, уларнинг (эр ёки хотиннинг – Ж. М.) уругида бир пайтлар шундай қусурли кишилар бор эди”, қабилидаги иборалар ишлатилади. Бу, ана шу боланинг авлодида бирор кўргилик ёки салбий ҳодиса рўй бериши туфайли иллат пайдо бўлганлигини англатади. Ёки яхши кўриниш ва фазилатлар билан туғилган, ўзини ҳар жиҳатдан ижобий намоён этаётган болаларга нисбатан одамлар “ҳа, уларнинг ота-боболари ҳам аввал-охир тўртоварага қўшилиб юради-да, бобоси полвон эди-да, тоғаси чобагон эди-да”, дея мамнунлик изҳор қиласидар.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, соғлом туғилган болаларнинг уруғаймоғида иллатли кишилар ўтган бўлса, бу ҳолат кейинчалик ўша соғлом дунёга келган болада кутилмагандা намоён бўлиши мумкин. Буни ҳалқ тилида “сүяк сурди” дейилади. Ана шундай сүяк суриб қолган иллатни намоён этаётган болаларга нисбатан ҳалқ “Унинг суюгига бор эди-да, сүяк сурибди”, деб изоҳ беради. Ёки бундай ҳолатлар юзага келганда, билимдон ҳалқ оддийгина қилиб: “Қазисан, қартасан, асли зотингга торгасан”, ёки “Ёмондан яхши чиқди деб суюнма, яхшидан ёмон чиқди деб куйинма”, дейди. Бу мақол даражасидаги иборалар орқали ҳалқ айрим касалликлар, феълдаги салбий қусурлар, аслида, зот суришини таъкидлайдилар. Бу ҳикматларнинг қадри ва қиммати, ибратли жиҳати шунчалар юксакки, у асрлар оша яшаб келаяпти, кимгadir тасалли-таскин, кимлар учун эса огоҳлантириш вазифасини ўтаяпти. Алломалар ўтмишда айтиб кетган ва ҳалқ ҳамон тили ва дилида саклаётган бу мақол ҳамда иборалардаги огоҳликка даъват, соғлом турмуш тарзига риоя қилиб яшашга ундаш, бугунги кун учун ҳам аҳамиятли бўлиб қолаётганлигининг сабаби нимада? Нега бир пайтлар улуғлар томонидан айтилган ёки доно ҳалқнинг ўзи тўкиган бундай сўзлар умрибокий бўлиб қолмоқда?

Сабаби жуда оддий, яъни худди бир пайтларда бўлгани каби бугунги кунда ҳам элимиз орасида зарарли иллатларга берилувчилар - кашандалар, ичкиликбозлар, гиёхвандлар ҳамон учраб турибди. Чунки аввалилари қорадори, кўкнор, чакида истеъмол қилган ва ҳалқ орасида “банги” номини олганлар ҳозир ҳам бор. Факат бу иллатларга чалингланларнинг номлари ва улар истеъмол киласидаган “маҳсулот”ларнинг тури бир қадар ўзгарган,

эндилекда уларни “наркоман”, “таксикоман”, “ароккўр-алкаш”, “тиёхванд” деб атайдилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ана шундай иллатларга берилган эр-хотиндан қандай фарзанд туғилиши мумкин? Хоҳлайсизми йўкми, истайсизми ёки истамайсизми, барибир, носоғлом – филай, шол, кўр, шапақ, бир оғи ёки бир кўли калта, бўйни қийшиқ, аклан заиф, жисмонан номукаммал насл дунёга келаверади.

Наслий ва ирсий касалеликлар тўғрисида сўз юритганда, яна бир ҳолатни, охири фожиага, носоғлом бола туғилишига олиб келадиган ярамас одатни эслатиб ўтмок зарур. Бу – якин кариндошлар ўргасидаги ёки қони жуда ҳам якин кишиларнинг куда бўлишидир. Яъни якин кариндошнинг қизига уйланиш, турмушга чиқиши ҳам биз афсус билан келтирган мисоллардаги каби нуқсонли фарзандларнинг туғилишига сабаб бўлади. Бу ирсий яқинликни ёқлаб бўлмайди. Чунки якин қондан нормал фарзандлар туғилмайди. Бу борада ҳам кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин. Дарвоҷе, пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо (с.а.в.): “Бегоналашинглар, бегоналашинглар!”, дея бежиз лутф қилмаганлар. Бу муборак ҳадис замирида инсонларни бир-биридан узоклаштириш, аразлаштириш ёки пораканда килиш эмас, аксинча, ўзга уруғдагилар билан тузилган оила орқали қонни тозалаш, шу йўл билан улар ўргасидаги қариндошлиқ, дўстлик алоқаларини мустажкамлаш, қон-қардошга айлантириш назарда тутилган. Яъни, Пайғамбаримиз инсонларга соғлом насл қолдириш, қариндош - уругчилик алоқаларини кенгайтириш мақсадида ушбу ҳадисни лутф этганлар. Шунинг учун ҳам бу ҳадисга амал килишнинг фойдаси жуда улуғdir, юксакдир. Замонавий тиббиётда ҳам ўз якин хеш-таборлар билан қуда-анда бўлиш маъкулланмайди, ҳатто, мутлоқ маън этилган десак, муболага бўлмайди.

Ахлоқан комил, жисмонан етуқ, аклан мукаммал ҳолда вояга етган соғлом жуфтлиқдан баркамол зўрриёллар таваллуд топиши табиий ҳол. Келин ёки куёв танлаш миллатимизнинг азалий қадриятларидан саналади. Яъни, бўлажак жуфтликларнинг етти пуштини суриштириш, аждоду авлодининг ҳаёти ва жамиятдаги нуфузини, соғлом уруғ вакиллари эканлигини яхши билиб, қуда-анда бўлиш азалий урф ҳамда одатларимиздандир. Улуғларнинг кўргазма ва насиҳатларига амал килиш, ота-она дуосини олиш, тиббиётдаги амалларга риоя килиш (никоҳгача тиббий кўприқдан ўтиш, тиббий тахлил натижаларидан хабардор бўлиш, эрта ва якин

қариндошлар никохидан воз кечиш – Ж.М.) ҳамда келин-куёвларнинг хоҳишига қараб қурилган оила мустаҳкам бўлади. Улардан жисмонан соғлом, ақлан мукаммал фарзандлар туғилади.

Тиббиёт фанининг дарғаси, олиму фозиллар ичра Шайх ур-раис дея улуғланган Абу Али ибн Сино ҳазратлари тиббий достони “Уржуз”да соғлом бола туғилиши учун ҳомиладорлик давридан бошлаб кўнгилдагидек овқатланиш, вакти-вақти билан бадантарбия қилиш, муносиб ҳордик чиқариш лозимлиги, ғазабланиш, кўркиш, жабрланиш сингари салбий ҳолатлар бўлмслигини тъқидлаганлар. Аллома табиб жисмонан ва руҳан соғлом бола туғилишига жуда катта аҳамият билан қараганлиги, бола тарбиясини эса ота-она зиммасидаги энг эътиборли вазифа деб тушунганигини ва ўзи ҳам шу асосда илмий ишлар олиб борганлигини ҳалқ орасида асрлар оша яшаб келаётган мана бу ривоят ҳам тасдиқлайди:

Ривоят қилишларича, ҳазрат ибн Сино ҳузурига бир ёш ота-она янги туғилган чақологини олиб келибди.

-Фарзандлик бўлдик, унга қачон ва қандай тарбия берайлик, ўргатинг, маслаҳат беринг! – дейишибди улар аллома табибга мурожаат қилиб.

Ибн Сино шундай жавоб қилибди:

-Фарзандингизни тарбиялашдан анча кечикибсизлар!

Бу билан ул зот ҳали биз юкорирокда тилга олган оила куришдан келин-куёв томонларнинг уруғ-аймоғини суриштириш, палаги бенуқсон оиласардан жуфтликлар танлаш лозимлигини ва аёллар ҳомиладорлик пайтидан бошлаб тўғри овқатланиш, одамлар билан ширин сұхбатлар қуриш, ота-онасига, юргига садоқатда бўлиш каби омилларга эътибор қаратиш мухимлигини, бундай оиласардагина соғлом бола дунёга келишини, демак, бола тарбияси ва парваришини она қорнидаги пайтидаёқ бошлаш лозимлигини назарда тутганлиги аниқ.

Бундан ташқари Абу Али ибн Сино ҳазратлари “Оила хўжалиги” номли асар ҳам битган бўлиб, унда ота-она боласига дастлаб чиройли, маънодор исм кўйиши, дилбанди камтар, идрокли, зеҳнли, зийрак, зукко, сабр-бардошли, дидли, онгли, қаноатли, фасоҳатли, фаросатли ва фаҳмли этиб улғайтиришга масъул эканлиги қайта-қайта тъқидланган. Неча асрлар мукаддам улуғ аллома табиб айтиб кетган тавсиялар бугунги кунда ҳам заррача бўлсин, ўз аҳамиятини йўқотган эмаслигини мамнуният билан қайд этмоқ лозим. Зеро, биз замин тутган она тупроқ гулни

ҳам, тиканни ҳам, бута ва бутазорни ҳам бир хил меҳр билан парваришлай боради. Ота-онанинг ўз фарзанди олдидаги бурчи ҳам шундай. Оила бўстонида камол топаётган қоракўзини нафис гул каби парваришламоғи, она замин каби меҳр улашмоғи лозим. Албатта, биз келтирган бу ўхшатишлар, аслида, моҳир боғбонга тегишилдек таассурот уйғотади. Лекин ота-она ҳам бола учун боғбондир, шуни унутмаслик керак. Боғбон моҳир ва меҳрли, сабр-бардошли бўлса, у яшнатаётган боғдаги ҳар бир бута, ҳар бир гул чаман бўлиб очилгани каби, яхши ота-онадан парвариш ва тарбия олаётган гўдак ҳам келажақда баркамол бўлиб жамият бўстонида гул мисол юз очади.

Шунингдек, биз баҳс юритаётган мавзуда улуг алломанинг “Уюн ал-ҳикма” (“Ҳикмат булоқлари”) деб номланувчи яна бир ажойиб асари бор. Бу асар тамомила бола парваришида ҳулқий тарбиянинг аҳамиятига бағишиланган. Аллома табибининг фикрича, ҳар бир бола, жинсидан қатъий назар, хушхулқ, феъли кенг, фақат ўзи учун эмас, балки ўзи яшаётган жамият манфаатлари учун ҳам хизмат қиласидиган даражада тарбияланиши лозим. Шу боис мутафаккир аллома табиб Ибн Сино ҳазратлари бу таснифда тарбияни З босқичда изоҳлайди:

1-босқич: болани 7 ёшгача тиббий-гигиеник талаблар асосида тарбиялаш, меъёрида овқатлантириш, ухлатиш, дам олдириш, чўмилтириш, ўйнатиш ва ҳақозолар.

2-босқич: болани 16 ёшгача акл ва ахлоқ жиҳатдан шакллантириш, мустақил турмушга йўналтириш.

3-босқич: болани то умрининг охирига қадар ҳифзу саломат, яъни соғлом турмуш тарзининг шакл ва шамоилларини тартиб билан олиб боришга ва шу асосда яшашга ўргатиш.

Бундан минг йиллар аввал тасниф этилган бу маслаҳатлар бугунги кун тиббиётида ҳам муҳим саналади ва, у турли тиббий қўлланмалар орқали ўз ифодасини топмокда ва қайта-қайта нашр этилиб, ёшларга ўргатилмоқда. Чунки бугуннинг мутахассислари Ибн Сино ҳазратларининг ушбу тавсияларини ўzlари учун муҳим дастуриламал деб биладилар.

“Биз наслимиз келажаги – соғлом авлод учун кураш бошладик. Шу ном билан орден таъсис этдик ва маҳсус халқаро жамғарма туздик. Бу бежиз эмас, соғлом авлод деганда биз фақатгина

жисмонан бакувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутамиз”, деган эдилар муҳтарам Юргбошимиз. Дарҳакиат, мамлакатимизда кечаётган ислохотлар келажагимиз ворислари – фарзандларимизнинг sogлом ривожи йўлида тадбиқ этилган 1998 - Оила, 1999 – Аёллар, 2000 – Соғлом авлод, 2001 – Оналар ва болалар, 2008 – Ёшлар, 2010 – Баркамол авлод, 2012 – Мустаҳкам оила, 2014 – Соғлом бола, 2016 – Соғлом она ва бола йили деб номланиб, хар бир йил йўналишига мос маҳсус Давлат дастурлари қабул қилиниши ва болалар ҳамда ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби спорт мусобақаларининг жорий қилиниши йирик тиббиёт илми олими Ибн Синонинг ўз замонаси бағридан туриб кўзлаган, орзулаган мақсадлари бугунги кунда ҳаётда ўзининг аниқ аксини топаётганилигидан далолат, албатта..

Улуғ мутафаккир Ибн Синонинг аксарият асарларида шаробхўрлик, майхўрлик ўта қораланиб, айниқса ёш организмга ниҳоятда зааралиги бот-бот такрорланган. Аллома табиб ўзининг машҳур “Тиб конуналари” асарида болаларнинг шароб ичишини ёнаётган ўт алангасига кучли пулфлаш билан тенгглаштирган. “Сиёsat ул-бадан” (“Бадани бошқариш”) рисоласида эса ичкиликбознинг баданга заарини тўлиқ ёритган. Соғлом авлодга эришишда шаробхўрликнининг қасофат эканлигига улуғ аллома таълимотида алоҳида ургу берилиши бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки Яраттанинг энг улуғ мавжудоти – инсон. У барча ҳаётий неъматлардан ҳамда эҳтиёж ва эҳтирослардан коникиб яшashi, аслида, унинг саломатлиги ва узоқ умр кўришида муҳим омишлардан саналади. Бу ҳаётий ҳақиқатни замонавий тиббиёт илми ҳам аллакачон исботлаган.

Юкорида эслатиб ўтганимиздек, ҳазрат Ибн Сино ўз асарларида фарзанд баркамоллигига эришиш учун жуфтлар (эр-хотин) соғлом, заковатли, маънан ва жисмонан етик бўлиши лозимлиги, айниқса, онанинг саломатлигини сақлаш - соғлом бола туғилишида муҳимлигини кўрсатиб берган. Яъни, соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши учун зарур мухит, шароит бўлиши шартлигини уқтирган. Агар ана шундай мухит ва шароитлар яратилмаса ёки бу масалага эътиборсизлик билан қаралса, одамлардаги барча нуқсонлар ирсият ва мухитнинг инъикоси сифатида юзага келишини таъкидлаб ўтган. Алломанинг бу фикрлари нечоғлиқ тўғрилигини бугунги кунга келиб, дунё олимлари тан олмокда,

илемий изланишлар, кузатиш ҳамда таҳлиллар орқали исботлаб бермокда.. Масалан, Австралиялик рухшунос олим ейдиган нонимизнинг сифатли таъбга мос бўлишини ирсиятга, ҳамирнинг қорилишини эса оилавий тарбияга, тандирдаги етарли ҳароратда пишиб тайёрланишини оилавий мухит тарбиясига ўхшатади-ки, бу билан ион тайёрлашдаги жараён каби оиласда қайси омил қусурли бўлса, албатта, фарзанд баркамоллиги борасида ўз “ҳосил”ини (панд) беришини кўрсатиб ўтади.

Бу кўхна дунё ва тиббиёт тажрибасидан маълумки, наслдаги қусурлар ва комиллик, албатта, оилавий жуфтлик меваси бўлмиш фарзандлар орқали намоён бўлади, бўй кўрсатади. Дунё тамаддунила тан олинган мутафаккир аллома Ибн Сино буни яхши англайди ва соғлом ҳаёт тарзига риоя қылган комил отоналардангина соғлом болалар дунёга келиши табиийлигини эътироф этади. Алломанинг бу борадаги карашлари, фаразлари, аниқлаган ҳолатлари, қылган қашфлари нечоғлик ростлигини замонавий тиббиёт аҳли бугунги кунда жаҳон миқёсида 2 минг 500 га яқин касалликнинг наслдан - наслга ўтиши конуниятини тадқиқ этиш орқали исботлади.

Тиб илми султони Абу Али ибн Сино шоҳ асари “Тиб қонунлари”да авлоддан – авлодга ўтувчи ирсий касалликларни ўрганиб, уларнинг олдини олиш ва даволаш усусларини, ижтимоий ҳимояга олиш йўлларини ҳам имкон қадар аниқ кўрсатиб берган. Унинг бу борадаги тавсияларидан асрлар оша унумли фойдаланилиб келинмоқда. Ибн Синонинг Ватани бўлмиш бизнинг юртимизда ҳам бобо табибнинг ҳар бир ўгит ва тавсиялари, йўлланмалари ҳамиша эътиборда бўлиб келмокда. Бу фикримизга исбот сифатида биргина “Соғлом авлод” Давлат дастурининг қабул қилиниши ва унинг 6-йўналишида акс этган эзгу мақсадларни келтириб ўтишимиз мумкин. Дастурнинг ушбу олтинчи йўналишида қайд этилишича, ногирон, тугма касалманд болалар дунёга келишининг ижтимоий сабабларини ўрганиш, олдини олиш, бундай тақдирли кишиларнинг дардларига малҳам бўлиш, бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш, аҳолининг бу кисми, яъни ногиронликка маҳкум болалар ўзларини жамиятимизнинг ҳақиқий аъзоси деб ҳис этиши учун алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чикиш, уларни давлат ҳимоясига олиш кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишга тўғри келадики, мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш борасида олиб борилаётган кенг

кўламли ишларнинг асосий йўналишлари бажариш, энг аввало, ҚВП (Қишлоқ врачлик пункти) ларда олиб борилади десак, ҳеч бир муболага килмаган бўламиз. Чунки оиласлар биричи галда ана шу тибиёт пунктларига мурожаат қиласилар. Демак, илк бора она ва бола соғломлиги ёки бирор касалликка чалиғанлиги шу ерда аникланади, дастлабки ташхис ҳам шу ерда кўйилади. Энг муҳими эса, ҚВПлар фаолияти нақадар муҳим эканлиги соғлом авлодга эришиш учун ота-оналар соғлом бўлишини назорат қилиб бориш улар зиммасига юқланганлиги билан ҳам изоҳланади. Бундай натижага эришиш учун ҚВПлар томонидан аҳоли ўргасида тиббий қўриклар ўз вактида ўтказилиб турилиши керак. Бундан ташкари ҳар бир фуқаро, ёшидан қатъий назар, ҚВПлар томонидан тегишли тартибда текширувлар ўтказилиб борилиши тўғри йўлга кўйилмоги лозим. Шукрки, бу масъулитлар ишларни қишлоқ врачлик пунктида ишлайдиган мутахассис-шифокорлар доимий равищда амалга ошириб бормокдалар. Энг муҳими, улуғ бобокалон табибимиз бўлмиш Ибн Сино ҳазратлари аҳолини айнан ана шундай қўриклардан ўтказиб туришни ўз вактида тавсия этиб, бунинг учун табиблар (демак, тибиёт ходимлари – Ж.М.) ҳар жиҳатдан масъул эканликларини таъкидлаганлар. Тибиётимиз бобокалони бу борада ҳам кимматли тавсиялар, йўл-йўриклар иншо этиб кетгандарки, улар бугунги кунда янада такомиллаштирилиб, замонавий усулларни қўллаган ҳолда тўқис амалга оширилмокда.

Ўрни келганда эслатиб ўтииш максадга мувофиқки, Ибн Сино ҳазратлари тибиёт соҳасига оид 43 дан ортиқ асар яратгандар. Уларнинг ҳар биридаги фикр-мулоҳазалар, йўл-йўриклар бугунги тибиёт учун ҳам қадрли ва фойдали бўлиб, ўз аҳамият ва хусусиятини йўқотган эмас. Айниқса, аллома табибининг касалликнинг олдини оладиган, оналар ва болалар соғлигини асрашга мўлжалланган, иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган чора – тадбирлар борасидаги тавсиялари ҳамон шифокорлар учун муҳим кўлланма вазифасини ўтамокда.

Ушбу мавзудаги ҳикоятимизни якунлашдан аввал, буюк Соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темурнинг кўйидаги сўзларини эслати ўтишни лозим кўрдик. Бу шарафли зот ўзининг жаҳонга машҳур “Темур тузуклари” асарида шундай ёзадилар: “... Саккизинчи тоифа – ҳакимлар, табиблар, мунахжимлар ва муҳандисларки, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Ҳакимлар ва табиблар билан

иттифокда беморларни даволатар эдим...”. Аслида ҳам Сохибқирон бобокалонимиз эл-юрг саломатлигига жуда катта эътибор билан караганлар. Бу ишни ул зот давлат тараққиётини, миллат ривожини ўйлаб амалга оширганлар. Бир сўз билан айтганда, насл тозалигини таъминлашда тиббиётнинг ўрни ва роли бекиёслигини чуқур англағанлар. Акс ҳолда, бошқалар қатори, яъни “салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн ойи деб хисобладим”, дея ўзи эътироф этган мавқели тоифадаги инсонлар қаторига ҳакиму табибларни киритмаган, ҳатто “салтанат корхонасига ривож берувчилар”, деб атамаган бўлур эдилар.

Кўриниб турибдики, соғлом авлод орзуси юқорида бир неча бор таъкидлаб, мисоллар келтириб ўтганимиз каби, барча давр ва замонларда бўлган. Қайсики мамлакатда бу борада сусткашлик ёки локайдлик қилинган бўлса, миллат инкизози кучайганлиги, эл саломатлиги ёмонлашганлиги, насл айниб кетаётганлиги бугунги кунга келиб кундай равшану аниқ бўлиб колди. Яратганга шукрки, бизнинг мустақил диёримизда эл-юрг саломатлигини муҳофаза этиш ишлари биринчи галдаги вазифа сифатида кун тартибига қўйилаёттир, тиббиёт сөҳасига эса давлат аҳамиятига молик маъсулиятли вазифа деб каралмоқда. Жисмонан ва руҳан соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун бутун чора-тадбирлар ўз вактида кўрилмоқда. Бу шароит ва имкониятлардан тўлик фойдаланиш эса тиббий маданиятимизга, ўз соғлигимиз авайлаб-асраш фақат ўзимизга боғлиқ эканлигини чуқур англашимизга боғлиқ. Чунки бир нарсани яхши билишимиз керакки, соғлом авлод-келажак пойdevоридир.

ДАВОЛАШ САНЬАТИГА ИЛМ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Тиб шундай бир илмки, у билан одам гавдасининг
ахволи соғлиқ ва касаллик жиҳатидан ўрганилиб, унинг
мавжуд соғлиги сакланади ва йўкотилгани тикланади.

Ибн Сино

Бутун умри давомида илм-маърифатга интилиб яшаган Ибн Сино, илмни саодатга етакловчи куч, деб билган. Чунки бу аллома илм-маърифатни барча мушкуллукларни ечиш калити деб тушунган. Шунинг учун ҳам ул зот фан сирларини эгаллашда бир кун, ҳатто, бир соат ҳам эмас, балки бир дақиқа ҳам гавҳардек қимматлидир, дея эътироф этган. Ана шундай қамрови кенг, залвори салмокли, маъноси теран фикрга келган аллома табиб тиббиёт фанига жуда оқилона ва олимона назар билан юқори баҳо берган. Шу маънода айтадиган бўлсак, тиббиётни гўзал поэзияга, шифокорни эса санъаткорона сўз соҳиби бўлмиш шоирга тенглаштирган. Аминмизки, мана бу рубоий улуғ аллома табибининг тиббиётга нисабатн қарашларини ёркин ифода этади:

Шоир тилнинг амири бўлса, табиб тана подшохи,
Бири билан бадан тирик, биридир сўз ҳамрохи.
Бири маҳорат-ла берар дилга муддао,
Бири меҳрибонлик ила танга берар даво.

Ҳа, ҳакиқатан ҳам Ибн Сино юкорида таъкидлаганимиздек, тиббиётни инсондаги энг нозик туйгу ҳамда хиссиётларни уйғотувчи шеъриятга менгзайди. Бошқача қилиб айтганда, аллома табиб шеъриятда шифо борлигини, тўғри кўлланилган тиббиётда эса шеър туғилишини таъминловчи рух мужассамлигини эътироф этади. Демак тана соғу, рух кўтаринки кайфиятда бўлса, шеър туғилади. Шу боис бўлса керак, аллома табиб ўзининг асосий асарларини шеърий йўлда битган. Ҳатто, “Уржуза” деб номланган тиббий-шеърий достон ҳам иншо этган. Хуллас, тиб илми сultonи бўлмиш Ибн Сино тиббиётни шунчаки инсон вужудини даволовчи илм, фан ёки маълум бир соҳа деб эмас, балки юксак даражадаги санъат деб билган ва ўзи шу тушунчага батамом амал қилган. Бир сўз билан айтганда, Ибн Сино тиббиёт, яъни соғлиқни саклаш

санъатини, аслида, одам гавдасини соғлом ҳолда сақлаш ва ўша табий ажал деб аталадиган ёшга етказишга қодир илм деб тушунган. Бунга факат юксак билим билан эришиш мумкинлигини таъкидлаган. Ибн Сино ҳазратларининг таърифича, комил инсонга хос илм ва билим шу даражада юксак ҳамда мустаҳкам бўлиши керакки, у кейинги авлодларга ҳам наф келтирсин. Эътироф этмоқ лозим, бундай тушунча Пайғамбаримиз с.а.в. фикрларига ҳамоҳангидир: “Илмни ёзиш билан мустаҳкамланглар (кишанланглар)”, - деганлар ул зоти муборак. Демак, Пайғамбаримиз ҳам илмни пухта эгалашга, эришилган натижаларни келгуси авлодларга ёзма равища етказишга ундағанлар.

Аждодларимиз кадимдан, айниқса, ўрга асрлардан буён тиббиёт билан жиҳдий шуғулланиб келганилиги Ибн Сино ва унинг издошлари олиб борган фаолиятдан яхши маълум. Улар бугунги кунга келиб ҳам аҳамиятини йўқотмаган, аксинча тиббиёт соҳасини янада тараққий эттиришга хизмат қилувчи теран асарлар битиб кетганилиги авлодлар учун хазина мисол қадрлидир. Чунки уларнинг ҳар бири ўз асарлари орқали кейинги даврларда табобатда қашфиётлар қилинишига, янгиликлар яратилишига пухта замин хозирлаб кетишган. Лўнда килиб айтганда, кейинги авлодлар учун бутун бир тадбирлар силсиласига асос солишган. Бу ҳаётий ҳақиқатни Ибн Сино ҳазратлари жуда ибратли ва ёркин фикрлар билан ифода этишга муваффақ бўлганлар:

Тадбир одам соғлигини сақламоқнинг иложи,
Иллат тегса, унга даво излар тибнинг ривожи.

Халқимизда “Жоҳилият – инсоният учун кулфатдир”, деган яхши бир ибора бор. Ибн Сино ўз асарларида чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик афзалроқдир”, дея бот-бот такрорлайди. Шу йўл билан ҳар ким ўз қасбининг билимдони, устаси бўлиши лозимлигини айтиб, танланган соҳани пухта ўзлаштириш ва ўрганишга даъват этади. Ўзи ҳам бир умр шу нуктаи назардан ўз қасбига ёндошган аллома табиб илмнинг фазилатлари ҳақида шундай ёзади: “Илм тубсиз бир уммон, қанча ўқиганинг сайин, шунча кам билишинг аён бўлади”. Шу тариқа Ибн Сино ҳазратлари инсон қанча ўқиб ўрганишга интилмасин, барibir, илм ҳақиқатан ҳам бир уммон каби чексиз эканлигини, бу

уммон сари дадил одимлаш, захматлар олдида чекинмасликни уқтиради. Чунки қанча илм истасанг, ўрганганларинг мағзини қанчалик кўп чақсанг, шунчалик оздек туюлаверади, шу боис яна олға боргинг келаверади, бу пайтга қадар билганларинг гўё ҳечдек, пучдек таасурот уйғотаверади. Қуйидаги рубойи орқали улуғ аллома илм-фан сирларини ўрганиш доимий ва мунтазам бўлмоғини, бирор нарсани билиб олгач, тўхтаб қолмаслик лозимлигини шундай ифодалайди:

Сўз қолмади парда ичра ҳеч маълум эмас,
Дунёда бирор сир мен учун мавхум эмас.
Мен маърифатингда кўп тафаккур қилдим,
Маълум бўлди: ҳеч нима маълум эмас.

Шу ўринда нафақат Ибн Сино ҳазратлари, балки Навоийдек буюк мутафаккир ҳам “илм истамоқ уммон ичра сузмоқ билан тенг” эканлигини таъкидлаганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Ёки, имом Шофеъи ҳазратлари илм сирли ва сехрли олам эканлигини эътироф этиб, қуйидаги мисраларни битганлигини ҳам эсламоқ жоиз. Эътиборли жиҳати шундаки, ул зот илмни икки – тиббий ва диний турга бўладилар ҳамда бу фикрини шундай изоҳлайдилар: “Илм икки хилдур: бири бадан илми, иккинчиси дин илмидир, бадан илми хифзи сиҳат ҳакида бўлиб, саломатликка терс бўлган нарсалардан сакланишни билишга ундейди”. Буюк аллома табиб Ибн Сино ҳазратлари Абу Наср Фаробийга ҳамоҳанг тарзда фикрлайдилар деса, бўлади. Чунки Фаробий ҳам илм истамоқса жуда катта аҳамият берганлар. Хусусан, илм истовчи киши аввало покдомон, хушхулқли, тўғрисуз, диёнатли бўлишини таъкидлаганлар. Шу маънода Фаробийнинг мана бу сўzlари ҳар жиҳатдан ибрат намунасиdir: “Ҳар кимки, илм – ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, хуш ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг устидан чиксин, ёмон ишлардан сакланадиган, хиёнат ва макр-хийладан узок бўлсин”.

Ибн Сино ҳазратларининг илм ўрганишга тарғиб ва ташвиқ қилишлари ҳар жиҳатдан ибратли эканлигини юқорида бир неча бор таъкидлаб ўтган эдик. Ҳакикатан ҳам тиббиёт тарихига назар ташласак, бу соҳанинг ривожи доимий ўкиб-ўрганишда, илм

излашда ва эришилган илм туфайли ушбу соҳада турли кашфлар қилишга олиб келганинги англаш қийин эмас. Олиб борилган сўнгиз тажрибалар, таҳлиллар, кузатишлар эса тиббиёт борасидаги илмни янада чукурлаштиришни, мукаммалаштиришни, терандлаштиришни талаб этади.

Зеро, инсон вужудини ва рухиятини тўғри даволаш учун оддий эмас, балки уммон қадар илм ва билим, юксак малака ҳамда илғор тажриба керак бўлади. Бунинг учун эса шу соҳани танлаган киши доимий изланишда, ўқиб-ўрганишда бўлмоғи шарт. Шу боис бўлса керак, Ибн Сино ҳазратлари “кўп илм ва билимга эгаман деб шодланма, хотиржамликка берилма, инсон вужуди ва рухий олами шунчалар сирли ва мураккабки, уни факат изчил ўрганиш орқалигина даволаш, бор соғликни маромда ушлаб туриш мумкин”, деган хulosага келади. Демак, тиббиёт соҳасини танлаган киши бир нуқтада қотиб қолмаслиги, аксинча, яна ва яна илм чўққилари сари интилиши лозим. Чунки у кишининг назарида ҳаётнинг ўткинчи ва бекарор кувончларидан, эгалланган илм даражасидан ортиқча ва ноўрин шодланиш кишини ялқовга айлантиради, мақтанчоқ қилиб кўяди, бепарвонликка ундейди. Лоқайдлик ва хотиржамлик эса кишини охир-оқибат, албатта, хароб этади. Танбалга айлантириб, бу пайтга қадар эгаллаб улгурган илм ва билимини ҳам хидалаштириб кўяди. Шу боис бўлса керак, “Уржуза” тиббий-шевърий достонида аллома табиб мана бу сатрларни битганлар: “Шодликларнинг кўп бўлиши баданнинг яйраши демақдир. Баъзан у ортиқча семиртириш билан озор беради”.

Батандошимиз, аллома табиб, Ибн Синонинг бу ибратли фикрларини ўз вақтида жаҳонаро машҳур Гиппократ ҳам таъкидлаб кетган. Чунки у “тиббиёт замон билан ҳамнафас ривожланиб боради” деганда, минг бора ҳақ эди. Айни пайтда Гиппократ тиббиёт соҳасида фаолият олиб борувчи учун илм исташ ва излаш ҳаётий зарурат деб билган: “Заруратнинг ўзи одамларни тиббий санъатни кашф этишга мажбур килди, - деб ёзганди у. - Табиат (организмнинг табиий-биологик хусусиятидан келиб чиқиб – Ж.М.) инсонни даволайди, табиб эса унга ёрдам беради”. Демак тиббиёт, аслида, санъатдир. Санъат бўлгандаям ўта нозик ва гўзал санъатдир, шифокор-табиб эса моҳир санъаткордир. Бундай санъатта эришмоқ учун доимий изланиш, ўрганиш ва илм эгаллаб бормоқ зарур. Шундай килинсагина, кўзланган мақсадга эришилади ва табиб маҳорати чинакам даражасига кўтарилади. Ибн

Сино ҳазратлари тасаввурicha, табибликни инсон билиш имкони даражасида ўзлаштириши шарт бўлган илмни эгаллаган, тафаккури, онги ёркин, тушунчаси кенг кишиларгина эплай оладилар ва беморни муваффакиятли даволай оладилар. Шуни ҳам таъкидлаб, ўтмок лозимки, аллома табиб инсон вужудини даволашда фақатгина малҳамлар, дори-дармонлар, эмлашлар, дамлама ва кайнатмалардан фойдаланишгина етарли эмас, деб хисоблайди. У “Ейилмаса-да, вужудга нафи бўладиган нарсалар: яхшилар сұхбати, ғру - дўстлар лийдори, оҳорли кийими, ҳаммом ва ёқимли ҳид” ҳам инсонни даволашда мухим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Бундай хуносага келиш учун эса табиб чукур билимга, кенг таҳайюлга, умуман, инсон жисми-вужудини эмас, унинг руҳий ҳолатини ҳам пухта билмоги керак. Бундай тушунчали табиб-шифокор бўлмоқнинг сири ва зарур шарти – илм ва билимдадир. Ибн Сино бу каби тушунча ва фикрни ўз вақтида жуда ўринли ҳамда оҳорли тарзда, таъсирчан килиб изоҳлаб ва шарҳлаб берган. Алломанинг фикрича: “Шифокорда бургутнинг кўзи, шернинг юраги, илоннинг донолиги, аёлнинг қўли бўлиши керак”. Бу таъриф биз юқорида келтирган ва Ибн Синога нисбат берилган барча фикрларни яна бир бор тасдиқлайди, табиб сифатида ниҳоятда чукур билимга эга бўлганлигидан дарак беради. Энг мухими, Ибн Сино тиббиёт ходими ўз соҳаси бўйича етарли билимга эга, шифокорлик бурчига садоқати юксак, қалби тоза ва самимий, ўзи покдомон, либоси ҳамиша озода бўлиши кераклигини уқтиради.

Халқ орасида машҳур бўлган мана бу ривоят ҳам Ибн Сино табиб ва шифокорга шунчаки инсон дардига малҳам бўлувчи киши сифатида қарамаганлигини, аксинча, ҳар қандай шифокор-табиб, аслида, улкан билимга эга руҳшунос, вужудшунос бўлиши лозим деб тушунгандигини ва ўзи шунга амал қилган ҳолда фаолият юритгандигини тасдиқлайди. Ушбу ривоятда накл қилинишича, Исфаҳон амири Алоуддавла Ҳамадонни забт этгач, Ибн Синони Фаражон қальясидан кутқариб олади ва унга яхши илтифотлар кўрсатиб, илик муомалада бўлади. Кейинроқ, Ибн Синога Исфаҳонда касалхона бунёд этишни режалаштирганини ва унинг лойиҳа-тархини табиб сифатида ибн Сино тайёрлаб бериши лозимлигини айтади. Табиийки, мақсади одамларни даволаш, дардига малҳам бўлишдан иборат бўлган Ибн Сино бу таклифтопширикни бажону дил қабул қиласди. Тезда меъморлар

иштирокида лойиҳани тайёрлайди ва у шохга “Даволаш уйи” деб номланган ҳолда тасдиқка киритилиди. Аммо шоҳ, лойиҳани “Беморлар уйи” деган ўзгариши билан тасдиқлайди. Шунда Ибн Сино Алоуддавла ҳузурига келиб, ётиги билан агар курилажак иморат “Беморлар уйи”, деб аталса, одамлар, буни нотўғри тушунишлари ва умидсизликка тушиши мумкинлигини айтади. Алоуддавла узоқ мулоҳазадан сўнг, табибининг фикрига қўшилади ва “Даволаш уйи” атамасини ўз ўрнида қолдиради.

Тарихчи олимларнинг гувоҳлик беришича, Ибн Сино ҳазратлари тиббиётни ривожлантиришда жуда кўп хайрли ишларни амалга оширганлар. Турли касалликларнинг келиб чиқиши сабабларини бехато аниқлаганлар ва давосини ҳам топганлар. Лекин ўзлари кутилмагандан, бу пайтга қадар номаълум бўлган дардга чалинадилар. Дастроб, бу касалликни кулунж (колит) хасталиги деб биладилар. Аслида эса ул зотнинг вужудида яна бир бошқа касаллик ҳам бўлиб, у замонавий медицина тили билан айтганда онкологик касаллик – саратон эди. Касаллик бошлангандан кейин 15 йиллик жараён кечган, лекин у кандай дард эканлиги номаълумлигича қолаверган. Агар бу касаллик кулунж бўлганда, ибн Сино унинг ҳам давосини топган бўларди. Шунинг учун ҳам Ибн Сино жисмида кечётган нотаниш касаллик сабабини аниқлашда ожизлигини тан олади, яъни: “Вужудимни идора қилаётган куч менга нажот беришдан ожиздир, - дейди. - Энди бундан буён муолажа фойдасиз”. Шу боис бўлса керак, у надомат ва афсус билан куйидаги рубойни батади:

Кўк тоқигача ер қаъридан асли азал
Ҳар қанча тутун бўлса, ақл айлади ҳал.
Ҳар макруфириб бандини ечсам-да тугал,
Кўнглимда тутун бўлиб фақат қолди ажал.

Жаҳоний шон-шуҳратга эришган улуғ аллома табиб Абу Али ибн Сино ҳазратлари 1037 йилда вафот этди.

Ундан бизга, яъни бугунги кун авлодларига мерос бўлиб “Мадади Сино”, яъни замонавий “Медицина” атамаси қолди...

Юзлаб касалликларни тез ва сифатли даволай оладиган улкан мактаб қолди. Бундан неча асрлар мукаддам қадим Бухоронинг Афшонасидан бошланган ва Ибн Сино ҳаёти ва тиббий фаолияти

нафақат Ўзбекистон учун, балки жаҳон халклари учун ҳам мислсиз афсонага айланиб қолди...

Бутун бир миллатнинг, ўз сўзи ва ўз тараққиёт йўлига эга бўлган халқнинг достони, обрўси бўлиб қолди...

Машхури жаҳон аллома табиб Абу Али ибн Сино тўғрисидаги хикоямизни якунлашдан аввал, шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, у нафақат тиббиётда, балки мусикашунослик, фалсафа ва бошқа фан соҳалари ривожига ҳам муносиб улуш кўйиб кетди...

Балки, бугунги кун учун оҳорли ҳикматлар вазифасини ўтовчи айрим асарларни ҳам таржима қилиб, сизу бизга мерос қолдириб кетди...

Дарҳақиқат, ана шундай асарлардан бири “Зафарнома” мажмуасидир. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу мажмуа, аслида, подшо Анушервон ва унинг вазири Бузургмехр томонидан битилган. Абу Али ибн Сино Нұх ибн Мансур Сомонийнинг тақлифи билан бу асарни 997 йилда қадимий пахлавий тилидан форсийга маҳорат билан таржима қилган. Шуниси эътиборга лойиқки, бу мажмуа асрлар давомида Ибн Сино асарлари қаторида авайлаб-асраб келинган. Чунки унда битилган ҳикматлар Абу Али ибн Сино қарашларига, фикрларига жуда мос келади. Қуйида Мансур Мұхаммад форсийдан ўзбекчага ўгирган ана шу мажмуадан олинган айрим парчаларни келтириб ўтамиз.

Ундан сўрадим:

-Эй устоз, Худодан нима тиласам, барча яхшиликларни сўраган бўламан?

Деди:

-Уч нарса, соғлик, хотиржамлик ва бойлик.

Дедим:

-Ишлар саъй-ҳаракатга боғлиқми ёки тақдирни азалга?

Деди:

-Саъй-ҳаракат тақдирга сабаб бўлади.

Дедим:

-Одамлар ҳамиша қидирадиган, аммо ҳеч тўлиқ тополмайдиган нарса нима?

Деди:

-Уч нарса: саломатлик, шодлик ва содик дўст.

Дедим:

-Қайси хислат илмни юксалтиради?

Деди:

-Тұғрилик.

Дедим:

Оқиіларнинг қайси иши яхшиrok?

Деди:

-Ёмөнни ёмон йүлдан қайтариш.

Дедим:

-Умрнинг қайси соатини зое кетган деб ҳисобламоқ керак?

Деди:

-Бирорға яхшилик қилиши мумкин бўлган, аммо қилмаган соатни.

Дедим:

-Қайси йўл билан бойлик топиш мумкин?

Деди:

-Илму хикматга эҳтиром йўли билан.

Дедим:

-Табибларга ҳожат қолмаслиги учун нима қилишим лозим?

Деди:

-Оз е, оз ухла, оз сўзла.

Дедим:

-Хорликка нима сабаб бўлади?

Деди:

-Ялқовлик ва ахлоқсизлик.

Дедим:

-Кимдан маслаҳат сўрай?

Деди:

-Уч фазилатга – поклик, яхшиларга муҳаббат ва чукур билимга эга бўлган кишидан.

Дедим:

-Агар илм ўргансам, нима топаман?

Деди:

-Агар кичик бўлсанг, улуг ва машхур бўласан, камбағал бўлсанг, бойлик ортирасан, машхур бўлсанг, янада машхурроқ бўласан.

Дедим:

-Ейилмаса ҳам вужудга фойда келтирадиган бирор нарса борми?

Деди:

-Яхшилар сухбати, ёру дўст дийдори, охорли кийим, мўътадил ҳаммом ва ёқимли ҳид.

Луқмони Ҳакимдан “Доно ким?” деб сўрадилар.

Деди:

-Дунё неъматларига учиб, киёматини унутмаган киши.

Яна сўрадилар:

-Ўзи ширин, аммо татиб кўрган кишини ўлдирадиган нарса нима?

Деди:

-Ҳасад.

Сўрадилар:

-Асло хароб бўлмайдиган бино қайси?

Деди:

-Адолат биноси.

Сўрадилар:

-Охири ширин бўлган аччиклик қайси?

-Сабр.

Сўрадилар:

-Охири аччик бўлган ширинлик қайси?

Деди:

-Шошқалоклик.

Сўрадилар:

-Асло эскирмайдиган кийим қайси?

Деди:

-Яхши номи.

Сўрадилар:

-Қайси фазилат аёлу эркак учун зеб саналади?

Деди:

-Тўғрилик ва поклик.

Сўрадилар:

-Уйку нима?

Деди:

-Енгил ўлим.

Сўрадилар:

-Ўлим нима?

Деди:

-Оғир уйку.

Сўрадилар:

-Кишига завқ ва шодлик бағишлайдиган нарса нима?

Деди:

-Буюклар сўзи.

Сўрадилар:

-Охири яхшиликка олиб бормайдиган йўл қайси?

Деди:

-Факиру фуқароларга зулм ўтказиш..

ТАБИАТ – ШИФОБАХШ ХАЗИНА

Албатта, Аллоҳ дардни ва давони туширгандир.
Бас, даволанинглар, факат ҳаром ила
халолнинг фаркига бориб даволанинглар.

Ҳадис

Одатда, “инсон ва табиат тақдири муштарак”, “инсон-табиат фарзанди”, “табиат неъматлари – соғлик ҳимоячилари” каби ибораларни эшитганда, унчалик аҳамият беравермаймиз. Чунки бугунги кунга келиб, гўё “болалагандай кўпайиб кетган” дорихоналарда минг битта дардга даво бўлгулик дори-дармонлар мавжуд, уларни истаганингизча харид килишингиз мумкин. Кимёвий усуллар билан тайёрланадиган бу дориларнинг фойдаси ҳам тезда сезилади. Лекин... бундай тез “эм бўлиш”нинг кишини ўйлантирадиган, мулоҳазага етакловчи биттагина “кусури” бор. У ҳам бўлса, кимёвий ишлов берилган дори-дармонлар бир дардни танангиздан тез кувиб, дардингизга малҳам вазифасини ўтаса, бирор аъзони даволаса, афсуски, иккинчи бошқа бир аъзога куттилмаганда зарар етказиши ҳам мумкин. Мулоҳазага чорловчи яна бир жихат шундаки, негадир дорилар тури, дорихоналар сони ортиб, шифокорлар эса кўпайиб бораётганига қарамай, касалликларнинг янги-янги турлари ҳам пайдо бўлмокда. Бундай ҳолатнинг юзага келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айни пайтда, отабоболаримиз қадим замонлардан буён ҳозиргидек кимёвий бирикмалар асосида тайёрланган сунъий дори-дармонлар билан эмас, аксинча, табиий неъматлардан – ўсимликлар, гиёҳлар, ҳўл ва қуруқ мевалардан фойдаланган ҳолда даволаниб келганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Энг кизифи, у даврларда табиий усулда бир даволанган касаллик, иккинчи бор қайтарилмаган. Яна бир эътиборга молик жихат шундаки, бундан атиги бирор аср муқаддам касалликлар ва дори-дармонлар тури кам бўлган.

Хукмингизга ҳавола этилаётган ушбу рисоламизнинг катор саҳифаларида биз ҳам айнан турли хасталикларни табиий воситалар оркали муносиб ҳамда самарали даволаган, яна юзлаб касалликларнинг келиб чикиши, муолажаси тўғрисида қимматли тавсиялар ёзиб кетган Абу Али ибн Сино ҳазратлари, ҳакида мухтасар бўлса-да, ҳикоя қилиб келаяпмиз. Ўрни билан ул зотнинг баъзи бир касалликларни даволашда кўл келадиган айрим тавсияларини ҳам эътиборингизга ҳавола этаяпмиз. Юқорида билдириб ўтган фикр-мулоҳазаларимиздан келиб чикиб, рисоламиз сўнгида ибн Сино тавсияларида тилга олинган, яъни баъзи бир касалликларни бартараф этишда яхши самаралар берадиган ўсимликлар, гибҳлар, бошқа табиий неъматлар, шунингдек, ҳўл ва қуруқ меваларнинг доривор ҳамда шифобахш хусусиятлари тўғрисида улуғ табиб Абу Али ибн Сино таърифларига таянган ҳолда, тўхталиб ўтмоқчимиз.

Умидимиз борки, улуғ аллома табибдан мерос бўлиб қолган тавсиялар баъзи бир дардман кишига наф келтирас...

АСАЛНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Табиий ва тоза ҳолдаги асал саломатлик учун ҳам, гўзаллик учун ҳам организмга энг зарур бўлган неъматлардан бири саналади. Шунинг учун ҳам жуда кадим замонлардан буён ундан нафақат лаззатли ва ширин ейимлик, балки шифобахш маҳсулот сифатида фойдаланиб келишади. Абу Али ибн Сино ҳазратлари ҳар хил касалликларни даволашда ва тана кувватини оширишда бу кутлуғ неъматдан оқилона фойдаланганлар. Масалан:

-Асалга сабзи шарбати қўшилиб истеъмол қилинса, инсон организми бутун кун давомида куч-кувватга тўлиб юради. Бунинг учун бир чой қошиқ тоза асал ва бир стакан микдорида (бутунги кун китобхонига тушунарлироқ бўлиши учун Ибн Сино давридаги ўлчов ҳажмларини замонавий талқинда бераяпмиз – Ж. М.) аралаштириш кифоя. Мабодо, бу аралашма шарбатга бир оз ёнгок ва майиз қўшиб уйқудан аввал истеъмол қилинса, янада фойдалироқ бўлади.

-Асал мойчечакли чойга қўшган ҳолда истеъмол қилинса, чарчокни олувчи, асабларни тинчлантирувчи, қон босими паст кишилар учун эса жуда яхши шифо воситаси бўлади. Даровоқе, туни билан, яъни бирор зарурат туфайли одатдаги саккиз соатли

үйкүгө вақтингиз етарли бўлмаса, кечкурун мойчечакли чой дамлаб асал қўшинг ва истеъмол қилинг. Уйкунгиз чала бўлса-да, эрталаб бардам ва тетик бўлиб уйғонасиз, иш қобилиятиңгиз ҳам жойида бўлади.

-Асалга лимон қўшиб шарбат тайёрласангиз, овқат ҳазми ва моддалар алмашинуви албатта яхшиланади. Агар парҳезда бўлсангиз, ундан ҳам кучлироқ самара беради. Мабодо, озишни ният қилган бўлсангиз, ҳафтада бир марта лимон қўшилган асал истеъмол қилинг, буям жуда фойдалидир.

Асалдан иммунитетни тиклашда ҳам самарали фойдаланса бўлади. Баҳорги гуллаш даврида кўпчилик аллергиядан азият чекади. Бунинг олдини олиш учун ҳар куни бир чой қошиқдан асал истеъмол қилиш керак. Турфа кимёвий дори-дармонлардан кўра, “соғлиқ эликсири” дея эътироф этилган асал кўпроқ фойда келтиришига амин бўласиз.

Анжир – жаннат меваси дея таърифланувчи қутлуг неъмат хисобланади. Дунё бўйлаб унинг 600 га яқин тури мавжуд. Абу Али ибн Синонинг таъкидлашича, чаён ва қорақурт чакқанида дарҳол чаққан жойга анжирнинг баргини юлиб олиб, оқаётган сути ишқаланади. Бу - заҳарланиш жараёнларини секинлаштиради, чаён ва қорақурт заҳрини кесади. Анжирнинг энг шифобахш турлари сифатида оқи, қизили ва қора ранглиси тан олинган.

Масалан, Ибн Сино ҳазратлари қаттиқ шамоллаш туфайли йўталга мубтало бўлган киши агар анжир қисмидан дамлама тайёрлаб ичса, фойда беради, деганлар. Қайнатма тайёрлаш учун анжир қоқисидан 15-20 грамм олиниб, 200 грамм қайнот сувда ярим соат дамланади. Кунига тўрт маҳал 1-2 стакандан ичиб турилади.

Шунингдек, Абу Али ибн Сино ҳазратлари тутқаноқ касалида хул ва қуруқ анжирни қайнагиб ичишни тавсия этганлар. Қайнатма тайёрлаш учун 100 грамм анжир қоқисига 2 стакан қайнот сув қуйиб, паст оловда 15 дақиқа қайнатилади. Сўнг 2 соат тиндириб кўйилади. Кейин докадан ўтказиб олиниб, кунига 2-3 маҳал ярим стакандан ичиб борилади.

-Бўймадорон - таркибида эфир мойи, “Е” ва “С” дармондорилари, каротин, камфора каби моддалар бор ўсимлик. Аллома табиб Абу Али ибн Сино бу ўсимликнинг ер устки қисмидан, айниқса, гулидан дамлама тайёрлаб, нафас олиш кийинлашганда ичишни буорган. Дамлама тайёрлаш учун бирорта

огзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув куйилиб, устига ўсимликнинг ер устки кисмидан ёки гулидан бир ош кошик солинади, сўнг бир соат давомида дамлаб кўйилади. Бир соатдан сўнг дамлама докадан ўтказилиб сузилади, кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир ошқошиқдан ичиб турилади. Абу Али ибн Сино ушбу усулда тайёрланган дамламадан қайтиши кийин бўлган шишларда, эт узилганда, радикулит (беланги) касалида, бел оғриғида, бодни ҳайдашда фойдаланган. Машхур табиб бу дардларга ушбу муолажани кўллагандан, албатта, хасталанганд жойга матони ҳўллаб боғлаган ва бу усулни бир кунда бир неча бор қўллашни тавсия этган. Ушбу дамламадан машхур табибимиз пешоб ҳайдаш воситаси сифатида ҳам самарали фойдаланган. Дамламадан кунига 3-4 маҳал 1-2 ошқошиқдан ичишни тавсия этган.

Беҳи – хуштаъм, хуш ифорли, айни пайтда кўплаб хасталикларга даво неъмат. Шунинг учун ҳам Ибн Сино ўз тиббий фаолияти давомида бу неъматдан дори сифатида турли касалликларни даволашда самарали фойдаланган. Чунки беҳи шарбати меъданни кучайтиради, балғам ажратишни, кусишни тўхтатади.

Беҳи ёғи қўл-оёқ, юзлар ёрилганда жуда-жуда аскотади. Шунингдек, жигар, буйрак хасталикларга шифо ҳисобланади.

Беҳи уруги эса томоқ кирилишида даволовчи восита сифатида фойда келтиради.

Беҳи шарбати юрак, мия, меъдага қувват бағишлайди, пешобни ҳайдайди.

Ширин беҳи сувини илитиб суртилса, оёқ ва қўллардаги шишларни бартараф этади.

Беҳи истеъмол қилиш баданин яйратишдан ташкари, оғиздаги нохуш ҳидларни йўқ килади. Чунки у шунингдек, юрак ва мияга нафас йўллари орқали чикиб борадиган бадбўй ва зарарли ҳидларнинг йўлларини тўсади.

Беҳи мевасидан тайёрланган дамлама ва қайнатмадан ич кетиши касалликларида, шунингдек, иштаҳа очувчи, сийдик ҳайдовчи, уруғидан олинган шиллик зритмасини ўпка ва нафас йўллари касалликларид қўлланилади.

Бодом – бу раъногулдошлар оиласига киравчи ўсимлик – дарахтнинг дунёда 40 дан ортик тури учрайди. Бодомнинг ёввойи ҳолда ўсадиган тури Сурхондарёнинг тоғли ҳудудларида кўп

учрайди. Аччиқ ва ширин турга бўлинувчӣ бодом шифобаҳш саналади. Пўстлоги ва данагидан даволаш мақсадларида кенг фойдаланилади.

Масалан, Абу Али ибн Сино ҳазратлари аччиқ бодомнинг уруғи ва майдан йўтални, дамқисмани, ўпка силини даволашда фойдаланган. Бунинг учун аччиқ бодом уруғи жувозда сикилиб, ёғи олинади. Шу ёғдан кунига бир чой қошиқдан овқатланишдан ярим соат аввал ичиб турилади. Агар майди олишнинг имкони бўлмаса, аччиқ бодом данаги ҳавончада яхшилаб янчилади. Сўнг икки ошқошиқ микдорида олиниб, қайнаб турган сувга солинади ва бир неча соат дамлаб кўйилади. Тайёр бўлган дамлама кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин ярим пиёладан ичиб борилади.

Аччиқ бодом сепкил ва офтобдан қорайишга қарши самарали воситалардан хисобланади. У юздаги ажинларни ёзиш хусусиятига ҳам эга. Бунинг учун аччиқ бодомни шаробга қўшиб юзни чайиш кифоя килади.

Ширин бодом эса бош оғриғини даволашда кўл келади. Бунинг учун ширин бодом уруғи қанд билан яхшилаб аралаштирилиб талқон қилинади, бош оғриғида ҳидлаб турилади. Шунингдек, ширин бодом сарик касаллигини даволашда ҳам яхши самаралар беради. Бунинг учун бемор тозаланган бодом мағзидан кунига 5 донадан 2-3 маҳал истеъмол қила бошлайди. Иккичи куни яна бештага кўпайтирилади. Шу тарика бемор 4-5 кун мобайнида 70 та бодом магзини ейди, сўнгра бодом мағизлари сони камайтира борилиб, 15 тагача туширилади.

Исмалоқ – ҳалқ тилида “чўчқатикан” деб аталади. Абу Али ибн Сино ҳазратлари ушбу ўсимликдан ҳам доривор ва шифобаҳш неъмат сифатида кенг фойдалангандар. Ул зот бу ўсимлик баргларидан қайнатма тайёрлаб, ични юмшатиш, сафрони ҳайдаш, ел чиқариш ҳамда қорин ва ичакларнинг яллиғланишига қарши ишлатгандар.

Бундай дамлама тайёрлаш учун бир ош қошиқ микдорида исмалокнинг сархил мурғак ўти, ён барглари олинади, 200 грамм сувда 10 дақиқа кайнатилиб, бир соат давомида дамлаб кўйилади. Сўнгра докадан сузилади ва шарбатидан кунига ярим пиёладан овқатдан олдин 3 маҳал ичиб турилади.

Зубтурум – Ўзбекистонимизда кўп учрайдиган ўсимлик. Унинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар “баргизуб”, “катта зубтурум”, “пахмоқ гулли зубтурм” деб аталади. Абу Али ибн Сино ҳазратлари

бурундан қон оққанда, қон тупуришда, бурунда қийин битадиган хавфли яралар пайдо бўлганда ва шишларни даволашда зубтурум дамламасидан фойдаланган.

Шунингдек, ҳалқ табобатида зубтурум баргидан тайёрланган дамлама ёки баргининг шираси нафас йўллари яллигланганда беморга томизилиб ичирилган. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайноқ сув қуйиб устига бир ош кошик куритиб майдаланган барг солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Кейин докадан ўтказилиб, кунига 4 маҳал бурунга 24 томчидан томизилади.

Зубтурум уруғи жигар, буйрак касалликларига ҳам даво саналади. Шу мақсадда барг шираси беморнинг орқа чиқарув аъзосига юборилади, яъни ҳукна (клизма) қилинади. Барг ширасини олиш учун зубтурумнинг куритилган баргини эзиб, шу микдордаги шакар билан аралаштирилади ва иссиқ жойга уч ҳафта қўйиб қўйилади. Ажралган ширадан кунига 3-4 қошиқдан ичиб турилади.

Қора андиз – нам ерларда, сув бўйларида, ўтлокларда, буталар орасида, тоғ ён бағирларида ўсади. Гуллари тилла сариқ рангда бўлади. Табобатда қора андизнинг илдизи кўпроқ ишлатилади.

Масалан, Абу Али ибн Сино ҳазратлари кора андиз ўсимлигининг илдизи поясидан тайёрланган дамлама ёки қайнатмани нафас йўллари шамоллашида иситма туширувчи, балғам кўчирувчи ва ўпка сили касалликларини даволашда фойдаланган.

Қора андиз бошқа кўп касалликлар каби юракка куч бағишловчи восита ҳам ҳисобланади. Ибн Сино тавсиясига кўра, бунинг учун қора андиз илдизидан 100 грамм олиб, бир литр сувга солинади. Сўнг 15 дақика қайнатилади. Чой ўрнида ичиб борилса. юракка кувват бағишлайди.

Чилонжийда – асли ватани Хитой, Ҳиндистон ва Ўрта Ер денгизи бўлмиш бу шифобахш неъмат бизнинг Сурхон воҳасида, хусусан, Сангардак ва Тўпаланг дарёлари атарофида, тоғ ён бағирларида ўсади. Чилонжийданинг меваси шифобахш хусусиятга эга.

Масалан, Абу Али ибн Сино чилонжийда мевасини буйрак ва сийдик касалликларини даволашда ишлатган. Чунки чилонжийда иссиқ ва ўткир буйрак, ковук оғриғида яхши фойда беради. Қонни тез юргизади, жигарга шифо бағишлайди.

Абу Али ибн Сино бўйраги оғриган кишиларга чилонжийдадан дамлама тайёрлаб ичишни тавсия этади. Бунинг учун ярим литрли чойнакка йирик ва чиройли рангдаги, айниқса, чиройли қизил рангдаги чилонжийда солинади. Устига чойқошиқда олий навли кўк чой қўшилади. Сўнгра устига қайнаб турган сув қўйиб, 10-12 соат давомида тиндирилади. Шундан сўнг дока орқали сузуб олинади ва бир ой давомида кунига уч маҳал ичиб турилади, дамланиб бўртган мевасидан эса ҳар гал 3-4 донадан еб турилади.

Ўрни келганда эслатиб ўтиш лозимки, чилонжийда мевасининг ҳажми ўртача катталиқдаги ёнғоққа тўғри келади, шакли нокка ёки олхўрига ўхшайди. Чилонжийда таркибида органик моддалар, оқсилилар, айниқса, “С” ва “Р”. дармондорилари кўпдир. Чилонжийдадан қон босимини пасайтирувчи восита сифатида ҳам кенг фойдаланилади.

Ёнғоқ – бу шифобахш неъматни бутун дунёда яхши билишади ва эъзозлашади. Чунки ёнғоқдан илмий тиббиётда ҳам, халқ табобатида ҳам бирдек унумли фойдаланишади. Бир сўз билан айтганда, ёнғоқ – хосиятли неъмат. Хосиятлилиги шундаки, ёнғоқнинг баргидан тортиб мағзигача, пўстлоғидан то томиригача шифобахш хусусиятларга тўла. Абу Али ибн Сино яшаган давр ва ундан кейин пайтларда ҳам ёнғоқ турли касалликларни даволашда самарали восига ҳисобланганлигининг сабаби ҳам шунда.

Масалан, Ибн Сино ёнғоқ барги қайнатмасидан бачадондан қон оқишини тўхтатишда ва гижока ҳайдовчи омил сифатида фойдаланган бўлса, бошқа табиблар бод, тери ва бошқа хасталикларни даволашда ёнғоқни тавсия этишган.

Кези келганда, сўз юритаётганимиз ёнғоқнинг шифобахш хусусиятларидан қайси даврларда қайси табибу ҳакимлар оқилона фойдаланганлиги тўғрисидаги айрим маълумотларни ҳам келтириб ўтайлик. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мұхаммад Ҳусайн ибни Мұхаммад ал-Оқилийнинг “Даволар ҳазинаси” номли асари бўлиб, унда ёнғоқ хосиятлари атрофлича таъриifu тавсиф этилган. Ҳусусан, бу олим-табибининг таъкидлашича, ёнғоқ баданни юмшатиш, қаттиқ моддаларни сўриб олиш, меъда ишини яхшилаш, мия, юрак ва жигарни мустаҳкамлаш хусусиятларига эга. Чунки ёнғоқ мағзи таркибида ёғ, оқсили, темир ва кобальт, дармондорилардан “С”, “А”, “В-1”, “Р”, “Е” мавжуд. Энг қизиги эса, ёнғоқ мағзининг инсон миясига ўхшаш тарзда эканлигидадир.

Юнон тарихчиси Герадотнинг ёзишича, қадимги Бобилда катта мавқега эга бўлган рухонийлар оддий одамларга ёнғоқ ейишни таъкислаб кўйишган экан. Чунки улар ёнғоқ мия фаолиятига яхши таъсир этиб, одамни ақллирок қиласди, деб ишонишган. “Оддий одамларнинг ақлли бўлишига ҳожат йўқ”, деган хулоса га келишган, рухонийлар.

Ёнғоқ баргининг ажойиб хусусиятларидан бири, унинг турли ҳашарот ва куяларга қирон келтирувчи ис чикаришидир. Ана шу оддий мисолдан ҳам кўриниб турибдики, нафакат ёнғоқнинг мағзи, балки оддий барги ҳам аҳамиятлидир. Яъни, юкорида таърифлаганимиздек, ёнғоқ бебаҳо неъмат ва ажойиб хусусиятларга эгадир. Шунинг учун ҳам барча давр ва замонларда табиатнинг бу кутлуг неъматидан шифо воситаси сифатида мунгазам фойдаланиб келинган. Бугунги кунда ҳам аждодлар қолдирган тавсиялар, маълумотлар асосида ёнғоқ даво омилларидан бири сифатида тибиёт ва табобатда кенг кўлланилмоқда.

Масалан, ёнғоқ баргини олайлик. Ана шу оддий ёнғоқ баргидан бугунги кунда тез-тез учраб турадиган дисбактериоз касаллигини даволашда унумли фойдаланилмоқда. Муолажа усули эса оддий ва кулайдир. Таъкидламоқ ўринлики, бу касалликни даволашда куйидаги дамламадан узоқ даврлардан бўён самарали фойдаланилиб келинмоқда. Ичак дисбактериозида 10 грамм куритилган ёнғоқ барги 1 литр қайнаган сувга солинади ва 15 дақиқа дамланади. Сузиб, кунига 3 стакан микдорида ичиб борилади. Ёки ёнғоқ баргидан дамлама тайёрлашнинг мана бу усули ҳам оддий ва кулайдир. Бундай дамлама тайёрлаш учун 500 грамм ёнғоқ олинади ва 10 литр қайнаган сувга солинади, ярим соат мобайнида паст оловда қайнатилади. Дока орқали сузиб олингач, 37-40 даражадаги сувга 1:1 нисбатда яхшилаб аралаштирилиб, ванна қабул қилинади Тери касалликлари ва болаларда диатезни даволашда фойдали усул, бу.

Ёнғоқ гижжаларга қарши курашда ҳам ўта фойдалилиги билан ажralиб туради. Бунинг учун 1 ош кошиқ микдоридаги куритилган ёнғоқ баргини 1 стакан қайнаган сувга солиб, ўраган ҳолда 2 соат дамланади. Сўнгра докада сузилади ва кунига 3-4 маҳал 1 чой кошиқдан ичилади.

Ёнғоқнинг яна бир муҳим хусусияти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқ лозим. Гап шундаки, ёнғоқ мағзи эркакларда жинсий кувватни оширувчи самарали восита ҳисобланади. Бунинг

учун кунига 10-12 дона ёнгок еб туриш керак. Айникса магзинни майдалаб, асал билан аралаштириб, кунига 3-4 ош қошикдан еб турилса, фойдаси катта бўлади. Шунингдек, эчки сутига аралаштириб истеъмол қилиш ҳам мумкин. Жинсий кувватни тиклашдан ташкари, простата бези яллиғланиши ва адено-масининг олдини олишда, ошқозон-ичак, жигар ва буйрак касалликларида ҳам ёнгок ейиш тавсия этилади. Атеросклероз, юрак-кон-томир касалликлари, семизлик, анемияга чалинишни истамаганлар учун ёнгок бебаҳо ёрдамчидир.

Ошқозон кислоталилиги ошиқлиги билан кечадиган гастритда кунига 7-10 дона ёнгокни чакиб ейиш керак. Ўт йўллари касалликларида эса кунига 3-4 маҳал 25 грамм мағиз ейиш тавсия этилади.

Ёнгок мағзида фосфор ва кальций кўп бўлиб, ҳомиладор аёлларга ва болаларда ракхитнинг олдини олишда фойдали. Шунингдек, унинг таркибида магний ҳам бўлиб, томирларни кенгайтириш ва сийдик ҳайдаш хусусиятига эга. Агар Абу Али ибн Сино ёнгок баргидан айнан сийдик ҳайдаш ва гижжа ҳайдаш, бачадондан кон окишини тўхтатишида кенг фойдаланлигини инобатта олсан, улуг аллома табиб ёнгокка хос хусусиятларни, унинг шифобаҳш ва дориворлик ўзига хосликларини жуда яхши билганлиги аён бўлади.

Масалан, аллома табибининг тавсиясига кўра, қўли тез-тез терлайдиган кишилар учун ёнгок барги қайнатилган сув жуда фойдали бўлар экан. Шунингдек, Ибн Сино ҳазратлари ёнгокнинг янги баргини сикиб, сувини терининг замбуруғли касалликларига, кулоқнинг йирингли яллиғланишига суртилса фойдаси зиёда бўлишини эътироф этиб кетганлар.

Хуллас, табиат биз инсонларга нисбатан қанчалик меҳрибон бўлса, табиат сирларини қадамба-қадам ўрганиб борган, турли неъматларнинг шифобаҳш ва доривор хусусиятларини атрофлича ўргангандиган табибларнинг меҳрибончилиги ундан кам эмас.

Биз юқорида имкон қадар сўз юритиб ҳикоя қилган, етти оламга номи тараалган ҳамюртимиз Абу Али ибн Сино ҳазратлари ҳам ўз илми, тиббиётни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, киммати олтинга тенг тавсиялари билан авлодларга меҳрибонлик нурини баҳш этиб кетганлар. Шунинг учун ҳам бир пайтлар қадим Бухоронинг кичкинагина Афсона қишлоғидан тараалган нур, шу нур соҳиби яратган илм бугун афсона бўлиб, наинки афсона, балки

унумли фойдаланиш учун имкониятлар яратиш – давлат аҳамиятига молик дараҷада амалга оширилмоқда. Бу фикрларимизга қўшимча қилиб айтадиган бўлсақ, соғликни саклаш тизими янада яхшилаш максадида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётпти. Ҳеч бир иккиланишларсиз ва шубҳасиз айтиш мумкинки, бу ишларнинг бари, кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳаммаси, энг аввало, фарзандларимизнинг камолоти учун қилинмоқда. Шу ўринда бир мисол келтириб ўтиш максадга мувофиқ бўлади. Соғликни саклаш тизимини ривожлантириш борасида қўлланилаётган хайрли чора-тадбирлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг тубдан яхшиланиб бораётганилиги, ислоҳотлар бераётган ижобий самаралар шуни кўрсатмоқдаки, аввалги йилларга нисбатан гўдакларнинг ирсий хасталиклар билан туғилиш хавфи сезиларли дараҷада камайди, соғлом болалар туғилиши эса тобора ортиб бормокда. Энг қувонарлиси шундаки, Тугилаётган 92 фоиз ўғил-кизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлар Жаҳон соғликни саклаш ташкилоти андозаларига тўлиқ мос келмоқда.

Ўзбекистон – фарзандларини бекиёс ардоклаётган юрт сифатида аллақачон дунё миқёсида эътироф этилган давлатлардан бири саналади. Чунки бизнинг мамлакатимизда болаларни ўз вактида эмлашнинг мукаммал тақвими ишлаб чиқилган. Ана шу тақвимга асосан бугунги кунда юртимизда болалар қарийб 100 фоиз дараҷада олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Натижада полиомиелит, кўйкўтал, қокшол, дифтерия, қизамик каби касалликларга чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди. Қатор юкумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари эса кескин дараҷада камайиб кетди. Эртанги кун ворислари бўлмиш болажонлар учун дунёнинг ҳеч бир давлатида килинаётгани йўқ десак, асло муболага қилган бўлмаймиз. Зеро, фарзандларини ардоклаган юрт ҳамиша улар ҳакида ғмҳўрлик қилишдан толмайди, аксинча шароитларни яхшилаш, имкониятларни кенгайтириш, саломатликни асраш чораларини мунтазам ва изчил равишда кўраверади.

Бир пайтлар бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳазратлари соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлишини таъкидлаган ва шундай кунлар келишини орзулаган эди. Шу маънода бутун умрини турли касалликларни даволаш, муолажа усул ва йўлларини излаб топиш, гиёҳлар, ўсимликлар, ҳўл ва курук

мевалар таркибини ўрганиб, уларнинг доривор ҳамда шифобахш хусусиятларини аниқлаган, табиблик фаолиятида мохирлик билан кўллаган эди. Бугунги кун тиббиёт ходимлари устоз Ибн Сино тавсияларига, замонавий медицина эришаётган ютукларга таянган ҳолда ўзлари ҳам эл-юрт соғлигини муҳофаза қилишнинг янги-янги усусларини кашф этмоқдалар. Бу борада улар ўзларини ҳақли равишда Ибн Сино ҳазратларининг ворислари деб билмоқдалар. Демак, кадим Бухоронинг Афшона номли кичик қишлоғида таваллуд топиб, номини кенг дунёга машҳур этган улуғ бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳазратлари асос солган тиббиёт ишончли кўлларда шараф билан давом эттирилмоқда..

Умрингнинг ўзи икки нафас, эй одам,
Тўхтам билмас, у шамолдек бир дам.
Умрингнинг асосини шамолга бердинг,
Бўлганми шамол асоси ҳеч мустаҳкам?...

Бу фалсафий рух уфуриб турган рубоий Абу Али ибн Сино ҳазратлари қаламига мансуб. Ул зот нафақат тиббиётга оид ўлмас рисолалари, бугунги кунда ҳам ўз давридаги каби охорли ҳикматлари, тавсиялари билангина эмас, балки бу каби умрбоқий сатрлари билан ҳам ҳар биримизни ўз саломатлигимиз йўлида, умримиз ҳакида ўзимиз қайгуриб, уни авайлаб яшамогимиз лозимлигини уктириб кетганлар. Демак, машҳур аллома табиимизнинг сизу бизга нисбатан меҳри ҳамон тиббиёт борасидаги ўлмас таълимоти каби барқарор бўлиб турибди...

МУНДАРИЖА

Тиббиёт, табиат, табобат- уйғун соҳалардир.....	3
Ибн Сино – тиббиёт фидойиси.....	9
Ибн Сино – жаҳон олимлари ва шоирлари нигоҳида.....	15
Саломатликка рахна солувчи иллатлар.....	20
Овқатланиш меъёри – саломатлик гарови.....	31
Ибн Сино ва стоматология.....	40
Тотувлик – саломатлик ва бойлик гарови.....	47
Ибн Сино соғлом бола ва унинг ахлоқи тұғрисида.....	52
Бадантарбия ва саломатлик ҳакида.....	65
Соғлом авлодга эришишда тиббий маданиятнинг роли.....	69
Даволаш санъатига илм орқали эришилади.....	80
Табиат – шифобахш хазина.....	89
Асалнинг шифобахш хусусиятлари.....	90
Фарзандларини ардоклаган юрт	98

КАЙДЛАР УЧУН

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР

Йўлдош Мирзаев, Жуманазар Мадиев

ТИБ ИЛМИ ЯЛОВБАРДОРИ

(Абу Али ибн Сино хаётни ва фаолиятидан лавҳалар)

Муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Мусаххих:

Исроил Шомиров

Абдиназар Бўриев

Кўшон Абдуллаев

Босишига 06.09.2016 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84¹/16.
Офсет қофози. Times New Roman гарнитураси. Офсет усулда чоп
этилди. 6,5 босма табоқ. 300 нусхада. 104 бет. Эркин нарҳда.

«Тафаккур» нашриёти, Тошкент шаҳри,
Навоий кӯчаси, 30-уй.

«Ҳамидий» фирмаси босмахонасида чоп этилди.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кӯчаси, 14-уй.



Йўлдош Мирзаев—1946 йилда Денов туманида туғилган. 1968 йили Тошкент давлат университетини тугатган. Ҳозирги кунда Қизириқ тумани, «Бўстон» маҳалласида истиқомат қиласи. Кекса ижодкорнинг «Салом, кўз кўрганларим», «Тонг таровати», «Довон дарди», «Кўнгил тароналари», «Рангин соғинчлар», «Икки тоғ оралиғи» номли шеърий ва насрый китоблари чоп этилган.

Жуманазар Мадиев—1960 йилда туғилган. Тошкент давлат тиббиёт институтини туғатган. Вилоят Ибн Сино жамоат фонди директори. Ҳозирги кунда Қизириқ тумани «F.Фулом» қишлоқ врачлик пункти мудири сифатида фаолият кўрсатяпти. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси. Шифокорнинг «Соғлом турмуш сабоги», «Силнинг сир ва синоатлари», «Дард борки, дармон бор», «Ёруғ йўл сари», «Сурхондарё стоматологияси», «Умрингизга зомин бўлманг», «Соғлом ҳаёт кўприги» номли китоблари чоп этилган.



ISBN978-9943-24-130-5

9 789943 241305